

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 811.512.133'374:398.22(=512.133)

МАХАММАДИЕВ ХУРШИД ЛУТФУЛЛАЕВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА” ДОСТОНЛАРИДАГИ МАИШИЙ
ЛЕКСИКА**

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
филология фанлари доктори,
профессор Б.Б.Абдушукуров**

ЖИЗЗАХ – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ ЛЕКСИКАСИ	14
1.1.§.Ошхона буюм ва жиҳозларига оид лексемалар.....	14
1.2.§.Турар жой, унинг қисм ва жиҳозларини ифодаловчи лексемалар.....	29
1.3.§.Уйга тўшаладиган буюмларни ифодаловчи лексемалар.....	49
1.4.§.Меҳнат қуролларини атайдиган лексемалар.....	55
1.5.§.Алоҳида ажратилмаган (туркумланмаган) маиший лексемалар.....	63
II БОБ. КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ЛЕКСИКАСИ	70
2.1.§.Кийим-кечаклар ва уларнинг турлари.....	70
2.2.§.Устки ва ички кийим номлари.....	75
2.3.§.Бош ва оёқ кийим номлари.....	88
2.4.§.Кийим қисмлари ва либосларга ёрдамчи буюм номлари.....	99
III БОБ. МАИШИЙ ЛЕКСИКАНИНГ ДЕРИВАЦИОН ВА ГЕНЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	110
3.1.§.Морфологик усул билан ясалган лексемалар.....	110
3.2.§.Синтактик ва лексик-семантик усул билан ясалган лексемалар.....	132
3.2.1. Синтактик усул билан ясалган лексемалар.....	132
3.2.2. Лексик-семантик усул билан ясалган лексемалар.....	139
3.3.§. “Хамса” дostonларидаги маиший лексиканинг генеологик асослари.....	143
ХУЛОСА	150
ДИССЕРТАЦИЯДА Фойдаланилган қисқартмалар	153
Фойдаланган адабиётлар рўйхати	155

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик, лексик, семантик, морфологик, синтактик хусусиятларига, шунингдек, мутафаккир ижод намуналари юзасидан изоҳли, частотали, конкорданс, қомусий ва мавзуй лўғатлар яратиш каби масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Алишер Навоий асарларини адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганишга, Навоий ва Шарқ хамсанавислик анъаналарига, Алишер Навоий асарлари тузилиши, сюжети, образларнинг поэтик хусусиятлари таҳлилига, Алишер Навоий даври муҳити ҳамда шоир ҳаёти, унинг назмий, насрий, тарихий, асарлари адабий-эстетик, лингвистик хусусиятларига қизиқиш доимий равишда давом этиб келаётгани муҳим омил ҳисобланади.

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни ҳар бир халқнинг азалий қадриятлари, маънавий меросини асраш, қўлёзма ва ёзма манбаларни ўрганиш, уларнинг тил хусусиятларини тадқиқ қилишни кун тартибига қўймоқда. Шу боис, дунё олимлари томонидан Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, аллома асарларининг сюжети ва таржимаси, образларининг бадиий хусусиятлари, шоир асарлари тилида қўлланилган сўзлар асосида таржима ҳамда изоҳли лўғатлар яратишга бағишланган лингвистик тадқиқотларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Алишер Навоий асарлари лексикаси тадқиқи масалалари талқинидаги қарашларни умумлаштириш, тизимга солиш ҳамда илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар муҳим илмий-назарий аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, Алишер Навоий “Хамса” дostonларидаги маиший лексикани тадқиқ қилишнинг долзарблигини белгилайди.

Замонавий ўзбек тили ва адабиётимизнинг сарчашмаси ва юксак чўққиси бўлган ҳазрат Алишер Навоий ижодини ҳар томонлама ўрганиш, тарғиб қилиш миллий ўзлигимизни англаш, маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қилади. “Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда

бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулкидир”¹. Адабиёт тилдан айри бўлмайди. Буюк санъаткор асарлари тилини ўрганиш миллий тилимизнинг бугунги ривожланиш йўллари ва манбаларини тўғри белгилашга ёрдам беради. Шу маънода, Алишер Навоий “Хамса” дostonларидаги маиший лексиканинг кўлами, мавзуй-семантик гуруҳларини белгилаш ва уларга хос сўзларни функционал-семантик жиҳатдан тавсифлаш, луғавий қатламларни тадқиқ этиш, маиший лексиканинг тарихий-генетик қатламларини аниқлаш, маиший атамаларга алоқадор лексик бирликларнинг структур-грамматик таҳлилинди диахрон ва синхрон аспектлар асосида амалга ошириш зарур. Бунда уларнинг генеологик жиҳатдан ясаилишидаги ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, баъзи сўзларнинг шаклий-маъновий таркибида рўй берган ўзгаришлар, уларнинг қўлланиш доирасини ҳозирги кун нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш кабилар тадқиқот мавзусининг заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил

¹ Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонда Ислom маданиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор // Халқ сўзи. 2017 йил 24 июнь.

этиш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Навоийшунослик илмида тилшунослик йўналиши бўйича ҳам салмоқли номзодлик ва докторлик диссертациялари бажарилган, илмий асарлар яратилган бўлиб, мазкур тадқиқотларда Алишер Навоий асарлари тили фонетик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ўрганилган. А.Рустамов, А.Щербак, Э.Фозилов, Х.Дониёров, Ғ.Абдурахмонов, Б.Бафоев, У.Санақулов, А.Каримов, И.Носиров, З.Ҳамидов сингари атоқли олимлар ва мутахассисларнинг тадқиқотлари ишимизга алоқадорлиги билан ажралиб туради².

Шу вақтга қадар туркий тилларда бевосита маиший лексикага оид тавсифий, қиёсий-тарихий ва тарихий-этимологик хусусиятдаги кўпгина илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, К.Мусаев, Э.Тенишев, Ғ.Благова ва И.Г.Добродомов, И.Исмоилов, К.Мелиев, М.Сапаровларнинг монографияларида туркий тилларнинг маиший лексикаси қиёсий

2 Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка «Махбубул-кулуб» Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1959. – 24 с.; Он же фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои. Дисс... докт. филол. наук. – Ташкент, 1966. – 315 с.; Щербак. А.М. Грамматика староузбекского языка. – М. – Л: Изд-во АН СССР, 1962. – 274 с.; Фозилов Э.И. Узбек тилининг тарихий морфологияси. – Тошкент: Фан, 1965. – 171 б.; Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 64 б.; Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1984. – 160 б.; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 152 б.; Санақулов У. Исследование языка памятника XV века «Мухакамат ал-лугатайн» Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 21 с.; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы “Фархад и Ширин” Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 22 с.; Насыров И. Лексика «Маджалис ан-нафаис» Алишера Навои: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1980. – 23 с.; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 23 с.

ўрганилган³. Кейинги йилларда Т.Хайрутдинова томонидан татар тилининг маиший лексикаси, Х.Ишбулатова тарафидан бошқирд тилининг маиший лексикаси, Н.Ерленбаева томонидан олтой тилининг маиший лексикаси, Г.Каранфил тарафидан гагауз тилининг маиший лексикаси, Э.Абдуллаева томонидан эса қўмиқ тилининг маиший лексикаси махсус тадқиқ этилган⁴.

Ўзбек тилидаги касб-хунар лексикаси С.Иброҳимов, кийим-кечак номлари М.Асомиддинова, маиший лексика Л.Ғафурова, ўтовсозлик атамалари Х.Бердиевлар томонидан тадқиқ этилди⁵.

Ш.Усмонова томонидан олтой тилларининг маиший лексикаси қиёсий планда махсус тадқиқ қилинди. Диссертацияда умуммаиший лексика лексик-семантик, тарихий-этимологик, фонетик ва структур-морфологик нуқтаи назардан ўрганилган⁶.

Кейинги йилларда олимларимиз томонидан Алишер Навоий асарлари лексикаси, лисоний хусусиятлари тадқиқига бағишланган бир неча илмий ишлар амалга оширилдики, булар ҳам навоийшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Хусусан, Д.Абдувалиева томонидан Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки Ажам” асарларининг сўз бойлиги тарихий-этимологик, функционал-семантик ва семантик-стилистик жиҳатдан ўрганилди⁷.

³ Мусаев К. М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении (Западнокыпчакская группа). - М.: Наука, 1975. – 356 с.; Тенишев Э.Р., Благова Г.Ф. и др. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков: Лексика / Отв. ред. Э.Р.Тенишева. – М.: Наука, 2001. – 822 с.; Исмоилов И., Мелиев К., Сапаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот (полиэкинлари, мевали дарахт номлари ва уйрўзғор буюмлари лексикаси материаллари асосида).-Тошкент: Фан, 1990. – 258 б.

⁴ Хайрутдинова Т.Х. Бытовая лексика татарского языка. Казань: Фикер, 2000. 128 с.; Ишбулатова Х. Бытовая лексика башкирского языка (семантика, структура, источники формирования): Автореф. дисс... канд. филол. наук. Уфа, 1999. – 20 с.; Ерленбаева Надежда Викторовна. Бытовая лексика алтайского языка. Автореф. дисс...канд. филол. наук, Уфа, 2005, – 18 с.; Каранфил Г. Бытовая лексика гагаузского языка (на основе названий одежды и обуви) // <http://www.balkaria.info/library/g/gullu/lexicon04.htm>. ; Абдуллаева Э. Бытовая лексика кумыкского языка. Автореф. дисс ... канд. филол. наук. Махачкала, 2013. – 22 с.

⁵ Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1956. – 456 б.; Гафурова Л.Х. Бытовая лексика современного узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1991; Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. – 134 б;

⁶ Усмонова Ш. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексикани: Филол. фан. доктори дисс... автореферати. – Тошкент, 2011. – 42 б.

⁷ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2017. – 159 б.

Н.Умарованинг илмий иши Алишер Навоий асарларида фаол луғавий концептларнинг оламни лисоний идрок этишдаги ўрнини аниқлашга бағишланган бўлиб, эски ўзбек тилидаги концепт ва категорияларнинг миллий-лисоний манзарадаги ўрнини очиб беришда айнан маиший лексикага хос тушунчалар ҳам таҳлилга тортилган⁸.

Ш.Норбаеванинг докторлик диссертацияси Хоразм минтақавий касбий лексик бирликларининг ономасиологик хусусиятлари тадқиқига бағишланган бўлса-да, воҳа касбий лексик бирликларининг тарихий-этимологик таҳлилини амалга ошириш, объект сифатида танланган сўзларни ўзбек тили тарихий лексикасининг умумий тизими билан қиёслаш жараёнида Алишер Навоий асарларидаги маиший лексик бирликларга ҳам эътибор қаратилган⁹.

А.Примовнинг “Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари лексикаси” номли монографияси “Зафарнома” асарининг эски ўзбек адабий тилидаги таржимаси лексикасининг тадқиқига бағишланган. XVI аср бошларида эски ўзбек адабий тили ҳолатини ўзида мужассам этган бу нодир асар маиший лексика томонидан ҳам ўрганилган. Муаллифнинг “Зафарнома” асаридаги маиший лексика тадқиқига оид мақолалари ҳам эълон қилинган¹⁰.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон “Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари” (2018-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Хамса” дostonларининг ўзбек адабий тили шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрнини аниқлаш ҳамда асардаги

⁸ Умарова Н. Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи: филол. фан. доктори (DSc) дисс. автореферати. Фарғона, 2021. – 87 б.

⁹ Норбаева Ш. Хоразм шевалари касбий лексикаси шаклланишининг ономасиологик тамойиллари: филология фанлари доктори (dsc) диссертацияси. – Тошкент: 2016. – 236 б.

¹⁰ Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари лексикаси. Урганч: Урганч давлат университети нашриёти, 2020. – 180 б.; Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги кийим-кечак ва безак буюмлари лексикаси. “Ilm sarchashmalari” ilmiy-metodik jurnal, 2020 й., 2-сон, –Б. 106-110; Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги маиший лексикага оид сўзлар ҳақида. “Ilm sarchashmalari” ilmiy-metodik jurnal, 2020 й., 1-сон, –Б. 140-143.

маиший лексик бирликларнинг мавзуий, функционал-семантик ва структур-грамматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Хамса” дostonларида қўлланишда бўлган маиший лексиканинг умумий миқдорини, ўрнини аниқлаш, уларнинг лисоний мақомини белгилаш, тадқиқ объекти ва кўламини аниқлаш;

“Хамса” асари тилидаги маиший лексик бирликларни турли мавзуий гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш орқали лексемаларнинг тарихий ва тадрижий тараққиётини очиб бериш, функционал-семантик тавсифини бериш;

дostonлар сўз бойлигида қайд этилган маиший атамалар билан турли даврларда яратилган туркий манбалардаги сўзларни қиёсий тадқиқ қилиш, уларнинг туркий тиллар, жумладан, ҳозирги ўзбек тилида сақланганлик даражасини аниқлаш;

маиший лексикани генеологик жиҳатдан ўрганиш натижасида давр учун характерли бўлган сўзларни аниқлаш ҳамда ўз ва ўзлашма қатламга доир лексемаларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

Алишер Навоий “Хамса” дostonларидаги маиший лексикани луғавий-маъновий, этимологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, морфемик таркиби ва ясалиш хусусиятларини мисоллар ёрдамида далиллаш.

Тадқиқот объекти сифатида Алишер Навоий “Хамса” дostonлари танланган. Мисоллар 1987–2003 йилларда кирилл ёзувида нашр этилган йигирма жилддан иборат “Мукамал асарлар тўплами”да келтирилган матнлардан танланган.

Тадқиқотнинг предметини Алишер Навоий “Хамса” дostonларидаги маиший лексик бирликларнинг лексик-семантик, тарихий-этимологик ҳамда структур-грамматик хусусиятларини таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда илмий-назарий, тавсифлаш, таснифлаш, функционал-семантик, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Хамса” дostonларидаги *дасторхон, суфра, қозон, кўмачдон* каби ошхона буюм ва жиҳозларига оид, *қўргон, эв, уй, оқ уй, олачуқ, кулба, хиргоҳ, боргоҳ* сингари турар жой, *тўшак, бистар, чодаршаб, болишит, така, бўриё, гилем, кийиз, кўрага, зайлуча* каби тўшак буюмлар номларини ифодаловчи лексемаларнинг туркий тиллар ҳамда форс-тожик, араб тилига мансублик статистикаси аниқланган;

“Хамса” дostonлари тилидаги уст ва ички кийимларга тааллуқли *тўн, жубба, кўйлак, бурунчак, декла, тўрқа, хилъат, қабо, терлик*, бош кийимларига оид *бўрк, қалпоқ, тўппи, каллапўш, наврўзи, амома, дастор*, оёқ кийимларини ифодаловчи *ўтук, кавиш* каби истилоҳларнинг қадимги туркий тил, эски туркий тил, ҳозирги туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилига нисбатан фонетик, лексик-семантик муносабати очиб берилган;

“Хамса” дostonлари луғат таркибидаги умумтуркий ва ўзбекча, арабча, форсча ҳамда аралаш таркибли лексик бирликларнинг сақланганлик ва сақланмаганлик даражасига кўра айни ўша шакл ва маънода етиб келганлиги, фонетик шакли бир оз ўзгарганлиги, маъносида ўзгариш юз берганлиги, шоир тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги тилда мавжуд бўлмаган сўзларнинг асар сўз бойлигида қўлланилиши далилланган;

“Хамса” дostonларида истифода қилинган *аёқ, бел, теша, эв, тўқа, шоту* каби туб сўзлар, *тўшак, пичоқ/бичоқ, тароғ, ўроқ, сунургу, кўзгу, қовурчоқ* сингари содда ясама, *сочбоғ, белбоғ, гулмих, чақмоқ тоши, камарбанд, шабчароғ, шаҳтўн* каби кўшма сўзларнинг ясовчи кўшимчалар, шунингдек, икки сўзнинг қўшилиши ёрдамида ҳосил қилинган деривацион ҳолати аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Хамса” дostonлари тилидаги маиший лексикани лексик-семантик, тарихий-этимологик ва структур-грамматик жиҳатдан ўрганиш натижасида олинган хулосалар лексемаларнинг маъно тараққиётини очиб бериш, тил тарихи билан алоқадор лисоний ҳодисаларни шарҳлаш, адабий тилнинг

шаклланиш ва ривожланиш босқичларига хос хусусиятларни аниқлашга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

Тадқиқот натижаларидан лексикология, терминология, диалектологиядаги лексик-семантик жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

тарихий, этимологик ва изоҳли луғатларни мукаммаллаштиришда тадқиқот натижалари муайян даражада манба сифатида хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, илмий иш давомида ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, методологик мукамаллиги, тадқиқот статистикаси амалга оширилганлиги ва шу асосда қўйилган масалалар аниқлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили тарихига доир тадқиқотлар яратишда, шунингдек, Алишер Навоий дostonлари тили ва услубини ўрганишга оид янгича ёндашувлар мазкур соҳанинг маиший лексикага хос тушунчалар билан бойишига асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосаларидан олий ўқув юртларида ўқитиладиган “Ўзбек тили тарихи”, “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек диалектологияси”, “Ўзбек терминологияси” сингари мутахассислик фанларидан маърузалар тайёрлашда, шунингдек, “Ўзбек тили” фани ўқитиладиган олий таълим муассасаларида махсус курслар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Хамса” дostonларидаги маиший лексика тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Хамса” дostonларидаги *дасторхон, суфра, қозон, кўмачдон* каби ошхона буюм ва жиҳозларига оид, *қўргон, эв, уй, оқ уй, олачуқ, кулба, хиргоҳ,*

боргоҳ сингари турар жойни, *тўшак*, *бистар*, *такя*, *чодаршаб* каби уйга тўшаладиган буюмлар номларини ифодаловчи лексемаларнинг туркий тиллар ҳамда форс-тожик тилига мансублик статистикаси тўғрисидаги, “Хамса” дostonлари тилидаги уст ва ички кийимларга тааллуқли *тўн*, *жубба*, *бўрк*, *кўйлак*, *бурунчак*, *декла*, *тўрқа*, *хилъат*, *қабо*, *терлик* каби, бош кийимларига оид *бўрк*, *қалпоқ*, *тўпчи*, *каллапўш*, *наврўзи*, *амома*, *дастор* сингари ҳамда оёқ кийимларини ифодаловчи *ўтук*, *кави* сингари истилоҳларнинг қадимги туркий тил, эски туркий тил, ҳозирги туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилига нисбатан фонетик, лексик-семантик муносабати ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган FA-F1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” номли фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2022 йил 26 августдаги 173/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида Қорақалпоқ дostonларининг тили луғат таркиби ривожланишини аниқлашда, маиший лексик бирликларни турли мавзуй гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш орқали лексемаларнинг тарихий тараққиётини очиқ беришда хизмат қилган;

“Хамса” дostonлари луғат таркибидаги умумтуркий ва ўзбекча, арабча, форсча ҳамда аралаш таркибли лексик бирликларнинг сақланганлик ва сақланмаганлик даражасига кўра айни ўша шакл ва маънода етиб келганлиги, фонетик шакли бироз ўзгарганлиги, маъносида ўзгариш юз берганлиги, шоир тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги тилда мавжуд бўлмаган сўзларнинг лингвостатистикаси тўғрисидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган FA-F1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” номли фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон

Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2022 йил 26 августдаги 173/1-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал илмий лойиҳанинг назарий қисмининг бойитилишига эришилган;

“Хамса” дostonларида истифода қилинган *аёқ, бел, теша, эв, тўқа, шоту* каби туб сўзлар, *тўшак, бичак, пичоқ/бичоқ, тароғ, ўроқ, супургу, кўзгу, қовурчоқ* сингари содда ясама, *сочбоғ, белбоғ, гулмих, чақмоқ тоши, камарбанд, шабчароғ, шахтўн* каби кўшма сўзларнинг ясовчи кўшимчалар, шунингдек, икки сўзнинг қўшилиши ёрдамида ҳосил қилинган деривацион белгилари ҳақидаги хулосалардан Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг “Сарчашма” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган. (Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 15 апрелдаги 10-12/269-сон маълумотномаси). Натижада томошабинларнинг Алишер Навоий дostonларида маиший лексиканинг акс этиши тўғрисидаги маълумотлар билан яқиндан танишишларига имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 3 та республика ҳамда 3 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил қилади.

I БОБ. УЙ-РЎЗГОР БУЮМЛАРИ ЛЕКСИКАСИ

1.1. Ошхона буюм ва жиҳозларига оид лексемалар

Маиший лексика жуда кенг ва тил луғатининг муҳим қисмидир. Бу энг зарур ҳаётий тушунчаларни ифодалаш билан боғлиқ. Маиший лексика семантик қатламлари кундалик ҳаётда инсон турмушининг кўпдан-кўп кирраларини қамраб олади. Ҳар қандай тилдаги маиший лексикани ўрганиш нафақат ушбу тоифадаги луғатнинг лексик ва семантик хусусиятларини, қўлланиш ҳолатларини аниқлашга, балки халқнинг моддий маданияти, унинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти билан танишиш имконини беради. Ушбу тематик гуруҳ лексик бирликлари халқ асл ҳаётининг ҳар қандай соҳасидаги энг кичик силжишларга аниқ жавоб беради. Атроф-муҳит шароитлари, маънавий ҳаёт, кундалик турмуш ва бошқа омилларнинг ўзгариши тил луғат таркибига таъсир қилади. Уларни ўрганиш тил тарихи нуқтаи назаридан илмий аҳамиятга эга.

Тилшуносликда “маиший лексика” тушунчаси ягона маъноли таърифга эга эмас. Лингвистик терминларга оид луғатда маиший лексикага шундай таъриф берилган: “Кундалик ҳаётда ишлатиладиган сўзларни ўз ичига олган, нарса ва ҳодисаларни, яъни умумий турмуш тарзи, атроф-муҳит, урф-одатлар ва бошқаларни номлайдиган луғат. Уй, хона, стол; пичоқ, вилкалар, қошиқ; дарахтлар, боғ, ошхона; тушлик, шўрва, картошка, гўшт; ит, мушук, сигир, от; оила, мактаб, тўй, дафн маросими ва ш.к. Асосан бу умум қўлланадиган сўзлар, қисман маиший-сўзлашув лексикаси¹¹”.

Туркий тилшуносликда маиший лексикани алоҳида мавзуй гуруҳларини тавсифлаш ва таҳлил қилишга бағишланган асарлар мавжуд. Маиший лексика муаммоларига бағишланган махсус тадқиқотларда ушбу тушунчанинг мазмуни инсоннинг кундалик турмуши ва унинг хўжалик юритишидаги нарса-буюм, уй-рўзгор ишларининг объектлари, ҳодисалари ва

¹¹ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А.Словарь-справочник лингвистических терминов. – М: Просвещение, 1985. –С.30.

харакатларини белгилашга хизмат қиладиган барча сўзларни ўз ичига олади¹². Бинобарин, маиший лексика тушунчаси кундалик ҳаёт, ҳўжалик ишлари билан боғлиқ объектларни аташ, номлаш учун хизмат қилувчи тилдаги барча сўзларни қамраб олади. Инсоннинг турмуши жуда кўп қиррали бўлгани учун, табиийки, маиший соҳа сўз бойлиги ҳам хилма-хил ва кўп. Халқнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ бўлган бу хил лексика тил луғатининг энг ҳаракатчан қисми бўлгани учун жамиятдаги барча ўзгаришлар маиший лексиканинг семантик тараққиётида янада аниқроқ ва тезроқ намоён бўлади

Маиший лексика халқимиз тарихи, маданияти, турмуш даражаси каби омиллар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг илмий таҳлили орқали эски ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини аниқлаш, сўз маънолари ва уларнинг ўзгариш сабабларини белгилаш имконига эга бўламиз. “Ҳамса” асарларида ўзбек тили луғат бойлигининг бир қисми бўлган маиший турмушга хос нарсалар билан ифодадорчи жуда кўп сўзлар истифода этилган. Бундай сўзларни ошхона, турар жой, уй-рўзғор, меҳнат қуролилари, кийим-кечак буюмлари лексикаси каби гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Ушбу фаслда маиший лексиканинг бир қисми бўлган ошхона буюм ва жиҳозлари номлари, уларнинг лексик-семантик хусусиятлари тўғрисида сўз юритамиз.

Ошхона, ундан фойдаланиладиган буюм-жиҳозлар инсон турмушида муҳим ўрин тутди. Улар инсонларнинг жамиятдаги ўрни, турмуш даражаси, яшаш тарзини, маданий даражасини намоён этади. Алишер Навоий ижодида уй-рўзғор буюмлари сирасидаги ошхона жиҳозлари номларининг қўлланиш доираси анча фаол. “Вақфия” асаридаги мана бу жумлада уй-рўзғор буюмларидан бир нечаси тилга олинган. Алишер Навоий бино қилган, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган “Дорул-хуффоз” биноси учун ажратилган ашёлардан кигиз ва бурё (бўйра) қаторида ошхона жиҳозларидан

¹² Ерленбаева Н. Бытовая лексика алтайского языка, автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук, –Уфа, 2005, –С.7.

олтитаси келтириладики, бундаги *аёқ* сўзидан бошқа барчаси: *дастурхон*, *қозон*, *табақ*, *пиёла*, *қошуқ* ҳозирги ўзбек адабий тилида бир оз фонетик фарк билан мавжуд: “*Ва ҳар йил тўрт юз олтун хонақоҳ ва гумбаз дағи мадраса ва масжид ва Дор ул-ҳуффоз фарши учун кийиз била бурё ва ёруғлуғ учун харж қилгай ва ҳар неким, хонақоҳ ва матбахи учун дастурхон ва қозон ва аёқ ва табақ ва пиёла ва қошуқ ва ғайри золика керак бўлса, тартиб қилиб бергай*”. (Вақфия, XIV, 273)¹³

Дастурхон лексемаси Алишер Навоийнинг бошқа асарларида кўп учрайди. Айниқса, “Садди Искандарий”да бу сўз анча фаол қўлланган:

Тугатгач сўзин шоҳи бисёрдон,

Баковул келиб ёйди дасторхон. (СИ, XI, 236)

Ҳозирда *дастурхон* шаклига кирган бу сўзининг келиб чиқиши баъзан “дастур”, “урф-одат” маънолари билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Аслида, *дастурхон* тожик тилида *дасторхон* шаклига эга¹⁴. Аллома шоир Э.Воҳидов *дастурхон* сўзини *дастор* ва *хвана* сўзларидан келиб чиққан деб изоҳлаган. “Хон эса бугунги тилимизда – стол. Ота-боболаримиз чордана куриб ўтирганлари учун бизнинг столимиз пастроқ қилиб ясалган. Уни хонтахта ҳам дейилади”¹⁵.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (ЎТИЛ) мазкур истилоҳга шундай изоҳ берилган:

ДАСТУРХОН [ф. дасторхон – овқат қўйиладиган мато; унга қўйилган таомлар] 1 Ўртага ёзиб, устига овқат қўйиладиган махсус мато, рўзғор буюми. (ЎТИЛ, I, 574)

Алишер Навоий *дасторхон* сўзини унинг *хон*, *суфра* каби синонимлари билан алмаштириб қўллаган:

Ёйилди чу шоҳона хонлар баса,

¹³ Биз ишимизда Алишер Навоийнинг “Фан” нашриёти томонидан 1987-2003 йилларда кирилл ёзувида нашр этилган йигирма жилддан иборат “Мукамал асарлар тўплами”дан фойдаландик. Кейинги ўринларда олинган манбалар кавс ичида асар номи қисқартмаси, жилди ва бети тарзида кўрсатилади.

¹⁴ Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги маиший лексикага оид сўзлар ҳақида / “Ilm sarchashmalari” илмий-методик журнали. Урганч – 2020. -№1. –Б. 140.

¹⁵ Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014. –Б. 111.

Қуёш қурсидек анда нонлар бaсе. (СИ, XI, 403)

Арабча *суфра* лексемаси ва унинг *супра* шакли учрайди:

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,

Берур анга тўнки, ялангоч эмас. (ҲА, VII, 153)

“Садди Искандарий”нинг бир фасли сарлавҳасида *хон* ва *суфра* лексемалари синоним тарзда қўлланган: “*Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, зиёфат хонин не навъ очмоқ яхшиидур ва мурут суфрасин не навъ ёймоқ мустаҳсан кўрунур ва дононинг ул бобда нукта сургони ва ҳикмат мoidасидин Скандарга фойда етсургони*”. (СИ, XI, 440)

Кўринадики, *дасторхон, хон, суфра (супра)* маълум ошхона буюмини ифодалашда синонимик қаторни ташкил қилган. ДЛТда *дастурхон* лексемасининг туркийча *ашлақ* варианты бўлгани қайд этилган¹⁶.

Қозон “турли таомлар пишириш, тайёрлаш ёки сув иситиш учун чўяндан куйиб тайёрланган рўзғор буюми” эканлиги маълум. (ЎТИЛ, V, 323) Бу сўз Алишер Навоий асарларида айна маънода қўлланган:

Итки қозон ошига тегурди тил,

Юз қаролиқ бирла дурур юз қизил. (ҲА, VII 278)

Осмоқдин анинг қозони тушмай,

Тун-кун ўти ўчгали ёвушмай. (ЛМ, IX, 58)

Қадимда қозонлар дастлаб сополдан тайёрланган. Алишер Навоий даврида металл қозонлар аллақачон маиший турмушда ўрин эгаллаган. “Девону луғотит турк”да қозон *ашич* атамаси билан ифодаланган: *Ул ашич ичра эт ўлтурди – У қозонда эт ивитди, хўллади. (ДЛТ, I, 86; 228)*

Қозон лексемаси туркий тил ёзма манбаларида XIII асрдан учраши қайд этилади. Г.Вамбери *қозон* сўзини *қазмоқ* маъносини англаган *қаз* феълидан келиб чиққанини тахмин қилади. Бу этимология кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қувватланса-да, ЭСТЯда бу нуктаи назар шубҳа

¹⁶ Бердиев Х. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. -Сам.: 2017. –12 б.

остига кўйилган. Уни бошқа тилдан ўзлашган деб қараш ҳам мавжуд. (ЭСТЯ, V, 187-188)

Қозон сўзи барча туркий халқлар учун характерлидир. Қадимда бўлгани каби, ҳозирда ҳам бу тилларда кенг қўлланади: қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, нўғай, татар, бошқирд, уйғур тилларида – *қазан*; кўмик – *къазан*; ўзбек – *қозон*; туркман – *газан*; олтой – *казан*; хакас – *хазан* ва ш.к.¹⁷.

Кўмочдон. Алишер Навоий асарларида учрайдиган нон турларидан бири *кўмоч/кумоч* – қўрга кўмиб пишириладиган нон (АНАТИЛ, II, 151). Аждодларимиз нонни чўғ кулида пишириш технологиясини ҳам билишган. “Чўғ кулига кўмиб пиширилган нон” маъноси *кўмач* лексемаси билан ифодаланган. (ДЛТ, I, 51) Ҳозирги ўзбек тилида “иссиқ кулга кўмиб пишириладиган нон” семемасида (ЎТИЛ, I, 415) қўлланаётган *кўмач* сўзининг “кўммоқ” маъносидаги “кўм” феълидан ясалган. Ўз навбатида *кўмач* асосидан *кўмачдон* ҳосил қилинган. Лайли ва Мажнуннинг висолга етишган онлари даҳо шоир томонидан шунчалар таъсирли, гўзал, сеҳрли ва санъаткорона чизилганки, бунга қиёс топиш қийин. Шу манзара тасвирида шундай байт учрайди:

Ой қурсида йўқ зиё нишони,

Ер анга қуёш кўмочдони. (ЛМ, IX, 260)

Бироқ мазкур истилоҳни луғатларда кузатмадик. *Кўмачдон* – нон пиширадиган асбоб, яъни хамирни унга солиб, чўғ кулига кўмиладиган буюм экани равшан.

Аёқ “Девон”да *идиши, коса, пиёла* маъноларида ифодаланади: *ол ајақ толтурдї.* (ДЛТ, II, 202)

Э.Севортян АЙАҚ/АЈАҚ жуда кўп туркий тилларда (қорақалпоқ, кўмик, кабардин-болқор, қирғиз, қозоқ, нўғай, бошқирд, уйғур, олтой, тува тиллари ва уларнинг шеваларида) қадимдан учрашини қайд қилган. Ёкут ва хакас тилларида бу сўз *айах*, баъзи ёзма ёдгорликларда *адақ* шаклида қўлланган. (ЭСТЯ, I, 105)

¹⁷ Хайрутдинова Т.Х. Бытовая лексика татарского языка. Казань: Фикер, 2000. –Б. 22.

АЙАҚ сўзининг этимологияси тўғрисида Г.Вамбери ва Ю.Неметларнинг қарашлари асосли деб ўйлаймиз. Олимларнинг умумий фикрига кўра бу сўз “қадам”, “одим” маъносидаги АЙ/АД феълига *-ағ/-ақ* кўшимчаларини кўшиш орқали ҳосил бўлган: АЙАҚ/АДАҚ. Сир эмаски, идиш маъносидаги бу сўз инсон ёки бошқа махлуқотларнинг АЙАҚ (оёқ) сўзи билан боғланади.

АЙАҚ қирғиз, қозоқ ва ўзбек тилларида *коса*; турк тили диалектлари, қорақалпоқ, қабардин-болқор, қўмик, ўзбек тилларида *бокал, қадах*; қабардин-болқор, қирғиз, қозоқ, нўғай, татар диалектларида, олтой, тува, хакас тилларида *косача, пиёла*; қабардин-болқор тилида *ёғоч косача*; турк диалектлари, қабардин-болқор, нўғай, хакас тилларида *кенг ва чуқур коса*; бошқирд тилида *катта коса, товоқ* эканлиги қайд этилган. (ЭСТЯ, I, 105)

Алишер Навоий ижодига мансуб бўлган эски ўзбек тилида сўзнинг *аёқ/аёғ* шакллари қўлланган. “Ҳайрат ул-аброр” достонида бунга мисоллар учрайди:

Топса киши бодия ичра зулол,

Олтун аёқ қайдау сингон сафол. (ҲА, VII, 178)

Чини аёғлар била маст эт мени,

Чин элидек боданараст эт мени. (ҲА, VII, 327)

Ушбу атама янги сўзлар ясашда ҳам асос вазифасини ўтаган:

Чу ерлик ўз ерида тутти ором,

Аёқчилар паё-най туттилар жом. (ФШ, VIII, 306)

Шафақ андоқки чархи ахзар ичра.

Аёқчилик этиб ҳар сори ойин. (ФШ, VIII, 109)

Алишер Навоий асарлари бир сўзнинг турли синонимлари қўлланиши билан ажралиб туради. Хусусан, *аёқ* лексемаси ўзининг *қадах, соғар, жом, тустугон, коса, пиёла, паймона* каби маънодошларига эга. Мисолларга мурожаат қиламиз.

Қадах:

Яна бир гулрухи паризода

Тутти чини қадаҳ била бода. (СС, X, 364)

Соғар:

Майи гулранг чини соғар ичра,

Шафақ андоқки чархи ахзар ичра. (ФШ, VIII, 109)

Жом:

Ҳар нафас айлаб тўла ул жомни,

Сипқориб ул бодаи гулфомни. (ҲА, VII, 63)

Пиёла:

Қизил роҳу яшил чини пиёла,

Нечукким сабза саҳни ичра лола. (ФШ, VIII, 108)

Идиш номи олдидаги сифатловчилар унинг қандай материал, ашёдан эканлигини кўрсатади. Юқоридаги байтда пиёла чиннидан эканлиги кўринса, ушбу байтда бу идиш ёғочдан ҳам тайёрланишини билдиради:

Дарё санга толиби навола,

Кишти кафида йизоч пиёла. (ЛМ, IX, 7)

Паймона – май пиёласи, қадаҳ. Бу форсий сўз айна маънода қўлланган:

Манга чун насиб ўлди майхонае,

Сумур сен доғи неча паймонае. (СИ, XI, 633)

“Қадаҳ идиши”ни атаган *паймона* лексемаси ҳозирда тилимизда “Паймонаси тўлди” ибораси таркибида қўлланиб, “қазоси етди” маъносини англатади. (ЎТИЛ, I, 567)

Таъкидлаш жоизки, *қадаҳ*, *соғар* каби лексемалар *май*, *бода*, *шароб* маънолари ўрнида ҳам ишлатилган.

“Садди Искандарий”да арабча **кос**, **каъс** ўзлашмаси “коса, май ичиладиган қадаҳ” маъносини англатган:

Яна айлабон шаҳ сўзи посини,

Ниҳоний ичиб захрлар косини. (СИ, XI, 599)

Суроҳий – қадаҳ, коса; май қуйиладиган идиш. (АНАТИЛ, III, 130)

Қон ёш тўкуб уйла ким суроҳий,

Тўфони фасод ичинда роҳи. (ЛМ, IX, 84)

Паймона – май пиёласи, қадах:

Улки ичиб бодани паймонадин,

Маст чиқар кўйга хумхонадин. (ҲА, VII, 275)

...синуқ паймона аларга жоми жаҳоннамо... (ҲА, VII, 273)

Зарф – идиш. Арабча бу сўз аслида “чиройли бўлмоқ”; “ярашимли бўлмоқ” (бу маъно шу сўз билан ўзакдош арабий ўзлашмалар зариф, зарофат сўзларида кўринади) маъносидаги заруфа феъли асосида ҳосил бўлган бўлиб, иккинчи боб феъли заррафа – “чиройли қилмоқ”, “ярашимли қилмоқ” ҳосил бўлган. Алишер Навоий асарларида *зарф* ҳар қандай идиш (масалан, суяқлик идиши; қоп, халта) учун умумий қўлланган: Ва ул зарфлар бўшаб эрдилар (Алишер Навоий, “Насойим ул-муҳаббат”)¹⁸. Бу сўзнинг ушбу маъносини Алишер Навоий дostonларида ҳам кузатамиз:

Қаю қатра сув, балки дарёйи жарф

Ки, қилмиш анга Ҳақ давогимни зарф. (СИ, XI, 63)

Шоир “Хамса”дек буюк асарни ёзиб тугатганини ғоят мамнуният, қониқиш, шукроналик ва ифтихор билан изҳор қилар экан, Ҳақ давогимни чуқур дарё суви (сиёх) учун зарф, яъни идиш қилди, деб битади.

Ушбу мисолда ҳам бу ҳолни кузатишимиз мумкин:

Яна бир аёғ ҳам олиб бадсигол

Ки, ул зарф бор эрди яшил сафол. (СИ, XI, 133)

Подшолик кишиларида ёмон ўйли бир хизматчи бир бечоранинг кулбасидан тортиб олгани буюмлар ичида “яна бир аёғ ҳам олди, бу идиш яшил сафолдан эди”.

Қуйидаги мисолларда эса *зарф* май идиши маъносида қўлланган:

Зарфи сафолнингни ушотгонидек,

Лаъли майинг айласа ер қонидек. (ҲА, VII, 274)

¹⁸ Норбаева Ш. Хоразм шевалари касбий лексикаси шаклланишининг ономаσιологик тамойиллари: Филол. фан. доктори дисс. автореферати. – Тошкент: 2016. –Б. 39.

Албатта, ҳар қандай идиш, жумладан, зарфнинг ашёси турли жинслар – сополу олтиндан ҳам бўлиши мумкин:

Уй олтун, фарши олтун, томи олтун,

Май олтун, зарфи олтун, жоми олтун. (ФШ, VIII, 111)

Хум – асосан, суюқликлар: сув, май, ёғ кабилар солинадиган сопол идиш. Бу форсий ўзлашма дostonлар тилида шу маънода келади. Ундан бойлик солинадиган идиш сифатида ҳам фойдаланилган:

Бурун қирқ уй бўлуб олтун макони,

Ҳар эвда қирқ хуми хусравони. (ФШ, 8, 129)

Дostonлар тил бойлигида учрайдиган **кўза** идишлардан бирининг номи бўлиб, ўз қатламдаги бу сўз луғатда шундай изоҳланган: Кўза – хумдан кичикроғ бандли сопол идиш. (АНАТНАЛ, II, 148) Мисол:

Жудо қилса хармуҳра ферузадин,

Бутун чини ўлса синуқ кўзадин. (СИ, 11, 219)

Албатта, кўзалар сополдан бошқа қимматбаҳо ашёлардан ҳам ясалган.

Қўбқа – хум, хумдон, сув сақланадиган идишнинг туркийча номи.

Йўл устида қўбқаким, сув сочиб,

Сочар вақти сув йўқки инжу сочиб. (СИ, 11 29)¹⁹

“Садди Искандарий” дostonида бу шундай келтирилган:

Йўли устида Қўбқаким сув сочиб,

Сочар вақти сув йўқки, инжу сочиб. (СИ, 11, 27)

М.Абулхайр китобида биринчи мисранинг дастлабки сўзи “Йўл” тарзида нотўғри берилган: мисралардаги ҳижолар сони номувофиқ, биринчисида – 10 та, иккинчисида 11 та. “Садди Искандарий” дostonи матнида эса бу сўз “йўли” деб ёзилиши тўғри. Шунда барча мисралардаги ҳижолар сони 11 та бўлади.

Дoston матнида буржнинг номи сифатида бош ҳарф билан **Қўбқа** ёзилган бўлса, луғат китобида эса хум, хумдон, сув сақланадиган идиш каби

¹⁹ Абулхайров М. Навоий асарлари изоҳли луғат. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018. –Б. 436.

буюм номи сифатида кичик ҳарф билан **қўбқа** шаклида қайд этилган. Кўриниб турганидек, сўзнинг биринчи унлиларида ҳам (у-ў) фарқ бор.

“Лайли ва Мажнун” достонида эса **қўбқа** шаклида ёзилган:

Қўбқа суйи оби зиндагоний,

Ул сув била тоза Хут жони. (ЛМ, IX, 22)

АНАТИЛда эса бу сўз ҚОБҚА шаклида ва изоҳи бир қадар мавҳум кўрсатилган: челақ(ка ўхшаш идиш). (АНАТИЛ, IV, 58)

Ҳозирги ўзбек тилида асосий сув идиши сифатида адабий тилда *челақ*, ўзбек шеваларида *пақир* ва *сатил* лексемалари ишлатилади. Биринчи икки ном Навоий асарларида учрамагани ҳолда **сатил** лексемасидан “Фарҳод ва Ширин” достони тилида фойдаланилган:

Кеча Шабдезин айлаб тангбаста,

Янги ойдин қилиб сатлига даста. (ФШ, VIII, 7)

Сўзга эгалик аффикси қўшилиши натижасида ёки вазн талаби билан товуш тушиши содир бўлган: *сатил+и=сатли*. Бу худди *ўзил – ўзли, шаҳар – шаҳри* сингари юз берган. Мисолдаги сатилнинг дастаси ҳилолга ўхшатилиши, яъни эгилган кўринишида эканининг ўзи сатилнинг идиш эканидан далолат беради. АНАТИЛда ҳам бу арабий лексеманинг изоҳи тўғри кўрсатилган: сатл – челақ, пақир, сатил. (АНАТИЛ, III, 58)

Пичоқ. Алишер Навоий асарларида шу шаклда қўлланган бу сўз қадимги туркий ёзма ёдгорликлар тилида, хусусан, “Қутадғу билиг” асарида *пичоқ* сўзининг тарихий шакли **bičäk** қўлланган: *Bedük bir bičäkig elikdä tutar, solindin urayun oñindin šäkär* / Қўлида улкан бир пичоқ тутган, сўл томонида – уроғун (бир хил дори), ўнгида эса шакар (шарбат). (ҚБН, 757)²⁰

Бу сўзнинг таркиби икки хил талқин қилинади: 1) қадимги туркий тилдаги “ўтқир кесувчи асбоб” маъносини англатган *би* отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи *-чäk* қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 160); 2) қадимги туркий тилдаги “кес-“ маъносини англатган *bič-* феълидан *-(a)q*

²⁰ Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. –Тошкент: 2019. –Б.18.

қўшимчаси билан ясалган. (ЭСТЯ, II, 160) Эски туркий ёдгорликларда кўпинча *bīč*- феъли қўлланган. “Девону луғотит турк”да *бичак* шаклида берилган ва қуйидаги мақол мисол сифатида келтирилган: “Неча йитик бичак эрса, ўз сабин йўнумас” (Пичоқ қанчалик ўткир бўлса ҳам, ўз сопини йўнмайди). (ДЛТ, I, 366) Шунга кўра иккинчи қараш ҳақиқатга яқинроқ дея оламиз. Кейинчалик сўз бошланишидаги *б* ундоши жарангсиз *п* ундошига, *к* ундоши *қ* га алмашган.

Алишер Навоийда *бичак* лексемаси “игна, сўзан” маъноларида қўлланган.

Пичоқ манбалар тилида кўп учрайди:

Итик тешаларига ҳар қаро тоғ.

Пичоқ оллинда андоқким, сариг ёғ. (ФШ, VIII, 90)

Ушбу байтда Фарҳоднинг иш қуроли бўлган тешанинг ўткирлиги ҳозирги ўзбек тилидаги “Пичоғи мой устида” иборасига мос келадиган ўша даврдаги “Пичоқ олдида худди сариғ ёғ” бирикмаси билан тавсифланган. Яъни Фарҳоднинг тешаси шунчалик ўткирки, унинг олдида қора тоғ худди пичоқ остидаги ёғ сингари осон кесилади. Бу ўринда пичоқ ошхона буюми сифатида келтирилган. Мана бу мисолда эса бошқа юмушга мўлжалланган бу иш қуролнинг номи учрайди:

Йиғочеким қатикроқ бўлса зарра,

Пичоқ еткач бўлур андоқки арра. (ФШ, VIII, 92)

Алишер Навоий асарларида *пичоқ* сўзи ошхона анжомиде сифатида ҳам, ҳарбий қурол сифатида ханжар сўзига синоним сифатида қўлланади.

Кўчманчи туркий халқларда, одатда, кабоб қўй гўштидан металл ёки ёғоч **шиш** – **сих**да пиширилган. Русчага туркийлардан ўзлашган “шашлык” уни пиширишда ишлатиладиган темир маъносидаги **шиш** сўзидан келиб чиққан. “Девону луғотит турк”да **сиш** шаклида қайд этилган. Бу сўз эски ўзбек тилида **шиш** ва **сих** шаклларида қўлланган:

Базмнинг асбобини қилгил насақ,

Ҳозир этиб сиху кабобу табақ. (ҲА, VII, 225)

Ўзбек тилининг маиший лексикасига бағишланган тадқиқот ишида **шиш** лексемаси туркий тилларга форс тилидаги **сих** сўзидан ўзлашган бўлиб, бу буюм номи “юпка металл ёки ёғоч асбоб (“шампур, вертел”), “бигиз”, “хайвонларни ҳайдаш учун ишлатиладиган учланган чўп” маъноларини англатиши кўрсатилган²¹. Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки **шиш** лексемаси унинг ҳозирги **сих** шакли англатган маънода, шунингдек, тутмоч каби хамирли таомларни ейишга мўлжалланган ёғоч таёқча маъносида ДЛТдан олдинги қадимги туркий ёдгорликларда ҳам учрайди. (ДТС, 506, 524)

Табак лексемасига Алишер Навоий асарларида мисол кўп:

*Анинг оллига ҳар **табақ**ким этиб,*

*Ҳамул **ош** таъмини таъриф этиб.* (СИ, XI, 436)

Луғатда арабий номдаги бу идиш тури шундай изоҳланган: **Табак** – 1 патнус, лаган, идиш. (АНАТИЛ, IV, 145)

ЎТИЛда *табақ* сўзининг замонавийлашган шаклига қуйидагича изоҳ берилган: ТОВОҚ 1 Юзи ёйиқ, бир оз ялпоқ, коса шаклидаги чуқурроқ идиш (турли ўлчамда сопол, чинни, металл, баъзан мрамрдан тайёрланади). Сопол товоқ. Чинни товоқ. Тунука товоқ. 2 шв. Лаган. 3 с.т. Пластинка. (ЎТИЛ, IV, 130)

Табак лексемаси туркий тилларнинг кўпчилигида ҳозир ҳам мавжуд. Т.Х.Хайрутдиновнинг “Татар тилининг маиший лексикаси” китобида қуйидагилар қайд этилган: Табак – чаша, яъни, ёғоч ёки металл материалдан ишланган товоқ, коса. Изоҳланишича, одатда, столга суп (суюқ овқат) тортиш учун ишлатилади. Кейин ундан тарелкаларга қуйилади. **Табак** татар тили тарқалган барча ҳудудларда қўлланади. Шу билан бирга татар шеваларида бу кўрсатилган маънодан бошқа бир қанча бошқа семантикага ҳам эга. Масалан: *сирланган коса, чой идиши* каби.

“Татар тили луғати”да **табақ** – коса, юмалоқ ёки чўзинчоқ катта тарелка (блюда, чаша) маъноларида қайд этилган. Шунингдек, турк тилида **табақ** –

²¹ Гафурова Л.Х. Бытовая лексика современного узбекского языка. –Ташкент: Фан, 1991. –Б. 27.

*тарелка, пиёла, овқат ичиладиган идиш (блюдо); нўғай тилида табак – пиёла, лаган; қорақалпоқ тилида табак – ёғоч идиш, коса, тарелка маъноларида қўлланади*²².

Сабу форсий ўзлашма бўлиб, “кувача, май идиши” маъноларига эга:

Жисми сабу чеккали комил бўлуб,

Майга ўз оти киби ҳомил бўлуб. (ҲА, VII, 283)

Тос – ичи чуқур лаган, тоғора, жом. Бу сўз осмон, кўк сингари мажозий маънога ҳам эга (НАЛ, 614). Достонларда идиш маъносида кўп учрайди:

Тос аро гар мева эрур дилфиреб,

Устида гуллар эрур ортуқси зеб. (ҲА, VII, 258)

“Сабъаи сайёр”да Шоҳ Жунанинг ҳаммом қабул қилиши билан боғлиқ лавҳаларда ювиниш-артиниш анжомлари қаторида дастали тослар ҳам тилга олинади:

Тослар зарнигору меҳрмисол,

Сиймгун дастадин бошида ҳилол. (СС, X, 267)

Ташт – бу форсий ўзлашма лаган, тоғора маъносига эга:

Чун не бут қолдию не ташту лаган,

Хожа арз этти хорхори ватан. (СС, X, 206)

Шира – май идишлари қўйиладиган хонтахта. Ширинликка алоқадор *шира* сўзига омоним бўлган бу буюм номи ҳам манбалар тилида мавжуд:

Музаҳҳаб ширада олтун суроҳи,

Бўлуб олтун суйи лавн ичра роҳи. (ФШ, VIII, 111)

Ҳар икки *шира* лексемалари форсий ўзлашма ҳисобланади.

Ғирбол – элак, ғалвир. Бу форсий ўзлашма ҳам достонлар тили бойлигидан ўрин олган. “Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига” халқ мақолини ҳазрат Алишер Навоий шундай шеърий шаклга солган:

Тор уни сичқонга солиб эрди ғам,

Қуйруқига боғлади ғирбол ҳам. (ҲА, VII, 260)

²² Хайрутдинова Т.Х. Бытовая лексика татарского языка. Казань: Фикер, 2000. –Б. 39–41.

Элак лексикаси ўрганаётган объектимида учрамаса-да, бу сўз Навоийнинг бошқа асарларида мавжуд.

Танур – тандир. Маиший лексикага хос бу сўз Навоий асарларида кўп учрайди:

Танур ўлмайн кундуз отаифишон,

Кеча шамъда шуъладин йўқ нишон. (СИ, XI, 229)

Мажнуннинг фироқ чоҳида танур ичидаги ўтдек тоби ва ҳажр бандида тузоққа тушган қушдек изтироби. (ЛМ, IX, 119)

Бу ўзлашма от араб тилида асли *tannūr(un)* шаклига эга бўлиб, “ўчоқ” маъносини англаган. *Tannūr* ўзбек тилига иккинчи *n* товушини *d* товушига, чўзиқ *ū* унлисини *u* унлисига алмаштириб қабул қилинган: *tannūr* → *tannur*. (ЎТЭЛ, II, 415)

Бу сўз Алишер Навоий ижодида, кўринганидек, **танур** шаклида, “нон ёпиш учун қурилган махсус лой ўчоқ” маъносида ишлатилган:

Бир лаҳза танур ичинда итти,

Ўтлуг дамидин ани қизитти. (ЛМ, IX, 191)

Ўчоқ – қозон ўрнатиб, ўт ёқишга мўлжалланган махсус қурилма, уй-рўзғор буюми. Бу қадимий сўз туркий тилларнинг деярли барчасида турли фонетик фарқлари билан учрайди ва қуйидаги маъноларни англатади: ҳар қандай ўт ёқиладиган жой; ўт, олов; мўри; чуқур; турар жой, уй; ўртасида ўчоқ бўлган бино; оила; сулола²³.

Қайд қилинган маънолардан ташқари туркчада, ўзбекчада “хона ўртасида ўт ёқишга ва унинг атрофида ўтириб исинишга мўлжалланган чуқур”; “қозон турадиган ер” сингари маъноларни ҳам ифодалайди. Шу билан бирга ўзбек, уйғур, қорақалпоқ, туркман тилларидаги *ўчоқ* сўзи, рус тилига ўзлашган *очаг* ҳам кўчма маънода, яъни бирон нарса пайдо бўладиган, амалга ошадиган, тарқаладиган жой, манба, марказ (билим ўчоғи, касаллик ўчоғи ва ш.к.) маъноларида ҳам ишлатилади.

²³ Усмонова. Ш. “Ўчоқ” сўзининг этимологияси ҳақида / Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами). III. –Тошкент: 2006, –Б. 101–106.

Алишер Навоий асарларида *ўчоқ* ўз маъносида, мана бу мисолда эса кўчма маънода, *оила*, *сулола* семасида қўлланган:

*Бу ўтлугдин эрур бағримда доғим,
Қурутмосун дебон даврон ўчоғим.* (ФШ, VIII, 64)

Ўчоқ сўзининг этимологияси хақида турлича қарашлар мавжуд. Ш.Раҳматуллаев *ўчоқ* сўзи хусусида асли **о:т** (“олов”) сўзига кичрайтириш маъносини ифодаловчи **-чуқ** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган, шунга кўра дастлаб “кичик олов” маъносини англатган, “олов ёқиладиган қурилма” маъноси кейин пайдо бўлган деган фикрни билдиради. (ЎТЭЛ, I, 496)

Э.В.Севортянга кўра *ўчоқ* о:t-/ от- “ёнмоқ”+ афф. -*ҷақ~јақ~ҷау* (харакат жойи ва ташувчиси маъносидаги) бирикувидан ҳосил бўлган²⁴.

Ш.Усмонова *ўчоқ* сўзининг этимологиясини қуйидагича белгилайди: о:јақ ~ ојақ ~ оҷақ ~ оҷәу < о:t-/ от- “ёнмоқ” + -*ҷақ~јақ~ҷау* “бурчак” = “ўт ёнадиган бурчак // ўт ёнадиган жой”²⁵.

Умуман, *ўчоқ* сўзи бўйича билдирилган фикрларда “ўт ёнадиган жой” маъносининг устуворлиги кўзга ташланади. Шундай қилиб, энг қадимги даврлардан то кунимизга қадар *ўчоқ* ҳар бир хонадоннинг зарур рўзгор буюми бўлиб, у уйнинг маълум бир жойига, кўпинча бурчагига ўрнатилган.

Мўри форс тилидан ўзлашган бўлиб, “ғиштдан қилинган қувур” маъносига эга. *Мўри* ошхона, печка, *ўчоқ* ва шу кабиларнинг тутун чиқиб кетишига мўлжалланган йўлидир, у яна дудбурон, мўркон деб ҳам юритилади. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин”да даҳшатли девни тасвирлар экан, унинг бурнини олов отилиб турган тандир ва мўрига ўхшатади:

*Тешуклар бурнида ваҳшат танури,
Танури йўқки, нафт ўтига мўри.* (ФШ, VIII, 158)

Манқал арабий ўзлашма бўлиб, унинг форсий муқобили – *оташдон*. Луғатларда бу асбоб “совуқ кундарда исиниш учун устига ўт ёқиладиган

²⁴ Этимологический словарь тюркских языков (ЭСТЯ), 1. Москва, 1974. –С. 422-423.

²⁵ Усмонова. Ш. “Ўчоқ” сўзининг этимологияси хақида./ Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) III. –Тошкент: 2006, –Б.101-106.

тўғарак темир идиш” маъноси билан қайд этилган (НАЛ, 361). Алишер Навоийда шу маънода қўлланади:

Тонг откунча фуруги шамъу машъал,

Ёрутуб қалъани андоққи манқал. (ФШ, VIII, 345)

Манқал, кўра сингари бино ичини, хонани иситишда, ошхона, темирчилик ишида ишлатиладига темир асбоб-қурилмалар номини атовчи сўзлар ҳам Навоий сўз бисотидан ўрин олган:

Манқал, йўқ кўра, эрур гар танур,

Сувки етар қолмас анга тобу нур. (ХА, VII, 279)

Манқал ҳозирда рус тилига *мангал* шаклида ўзлашган.

1.2. Турар жой, унинг қисм ва жиҳозларини ифодаловчи лексемалар

Барча замонларда уй-жой, яшаш учун мўлжалланган уй, турар жой кишилиқ ҳаётида, ҳар бир халқ моддий маданиятида энг муҳим элементлардан ҳисобланади. Шунингдек, уни ташкил этувчи қисмлар ва жиҳозлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Алишер Навоий дostonлари тилида уй, яшаш жойи тушунчасини ифодалаш учун бир неча лексемалар қўлланган. Булар: *қўрғон, эв, уй, оқ уй, олачуқ, кулба, хиргоҳ, боргоҳ, чодир, шомиёна* ва б.

Қўрғон лексемаси асосан олий табақа яшайдиган, мустаҳкам қурилган, атрофи девор билан ўралган, қўриқланадиган турар жойни ифодалаган, қалъа маъносига ҳам мос келади:

Кўяр эрди гаҳи қўрғон сори гом,

Тутуб бир дам алар қошида ором. (ФШ, VIII, 373)

Атама асли “**қўриқла-**” маъносини англатувчи **қоры-** феълининг кучайтириш маъносини ифодаловчи **-ға** қўшимчаси билан ҳосил қилинган шаклида **-н** қўшимчаси билан ясалганини қайд этади. Кейинги унлиларда бўлган товуш ўзгаришлари туфайли **қорған** ҳолатига келган. (ЎТЭЛ, I, 558-559)

Ўw / эw ~ уй. Алишер Навоий ижодида туркий тилининг уйни ифодалаган қадимги **эв** шакли кўп учрайди:

Ичи бир эв, вале олам эвидек,

Не олам, нилгун торам эвидек. (ФШ, VIII, 221)

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк”да қайд этганидек, қадимги туркий тилда öw “уй” маъносига эга. **Ўw** тарзида тил олди **ў** билан талаффуз этиш энг тўғрисида, деб ёзади Кошғарий (ДЛТ, I, 109). Аммо уй мазмунидаги сўз учраган барча мисолларда унинг номланиши эw (эw) эканлиги кўринади. Масалан: *Жазіда бөри уліса эwда іт бағрі тартішур* – саҳрода бўри улиса, унга ачиниб, меҳрибонлик қилиб, уйдаги итнинг кўнгли ачийди. (ДЛТ, III, 272)

Аж эwләнди – ой ўтов тутди.

Ол бу эwни эwләнди – у бу уйни турар жой ҳисоблади, ўзини шу уйда турувчилардан санади. (ДЛТ, I, 258) *эwак эwгә тэгмәс* – шошган киши уйига ета олмайди. (ДЛТ, II, 27)

ДЛТда эw сўзи уй семаси билан бирга чодир маъносини ҳам англатган²⁶.

Қадимги туркий тилда “уй, турар-жой”, “оила” (ДТС, 162) маъноларида истифода этилган эw сўзи “Қисаси Рабғузий”да “уй” семасини ифодалаш учун хизмат қилган: *Эwi исиндә көлкәдә олтуриб ишләгил теди*²⁷. Ушбу сўз замонавий туркий тилларда турли фонетик вариантларда қўлланади: турк, қараим, крим-татар эв, гагауз ев, хакас иб, олтой диал. ив°, сой. иix, сюг. (сарыг-югурский) жи/жи/жи/эб ва ш.к.

Ўрганилаётган истилоҳнинг қадимги шакли **әб** эканлиги бўйича тадқиқотчиларнинг фикри бир жойдан чиқади. Хартман бу масалада әw

²⁶ Бердиев Х. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. –Сам.: 2017. –12 б.

²⁷ Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филол. фан. доктори (DSc) диссертацияси. –Тошкент: 2017. –Б. 75.

дастлабки шакл бўлган, бундан кейинчалик жанубий туркий эв ва шарқий туркий эб ривожланган деб ҳисоблайди²⁸.

Эски ўзбек тили лексикасида **эв** билан бирга **уй** ҳам кўпроқ ишлатила бошлади. Навоий **уй** ва **эв**ни айна маънода алмаштириб қўллайверади:

Бурун қирқ уй бўлуб олтун макони,

Ҳар эвда қирқ хуми хусравони. (ФШ, VIII, 227)

Умуман, **уй** ҳам тилимизнинг қадим даврларига бориб тақалади. Ш.Раҳматуллаев бу сўзга шундай изоҳ беради: “**Уй**” “яшашга, ишлашга хизмат қиладиган қурилма”, “бино”, “хона”. Қадимги туркий тилда ҳам ана шундай маънони англатган бу от **өй** тарзида талаффуз қилинган (ЭСТЯ, I, 513), ўша даврлардаёқ **үй** тарзида талаффуз қилинган (ДТС, 513), ўзбек тилида **ў** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **өй > үй > уй**”. (ЎТЭЛ, I, 382) Шу билан бирга ҳозирги *уй/өй* “юрта”, “оила” маъносидаги *оба* сўздан (Кононовга кўра), *өж* “кибитка” *ои* “ўймоқ”, чуқур қилмоқ”, “уя” (Вамбери); *ип* қадимги хитойча “шаҳар” (Е.Д.Поливановга кўра) кабилардан келиб чиққанлиги ҳам тахмин қилинади. (ЭСТЯ, I, 513-514)

Алишер Навоий асарларида *уй* бир неча маънога эга. Луғатда уйнинг олтига маъноси берилган:

Уй 1. Уй, хона, манзил, макон: *Сурди Масъуд уйин сўроғ айлаб, Базмини мояи фароғ айлаб.* 2. Иморат, бино: *...ва шишадин бир уйи бор эдиким, анда тоат қилур эрди* (“Тарихи анбиё ва ҳукамо”дан). 3. Тана, жисм, гавда. 4. Ватан. 5. Даргоҳ. 6. Ўтов, чодир: *Вале базм юз бошлиқ оқ уй аро....* (АНАТИЛ, 3, 281)

Алишер Навоий ижодида **уй** лексемасидан *жисм уйи*, *кўнгил уйи*, *жсон уйи*, *кўз уйи*, *вужуд уйи* каби мажозий маъно кўчириш учун фойдаланилган. Масалан:

Кўнглум уйин этти қайғу зиндон,

Жисм уйи яна қаронғу зиндон. (ЛМ, IX, 127)

²⁸ Хазиева А. Лексика словаря Махмуда Кашгари «Дивану лугат ит-тюрк» в сравнении с современным башкирским языком. Дисс. на соискание ученой степени к.филол.наук. Уфа, 2018. –С. 140.

Уй, эв ин, уя, ошён маъносида ҳам қўлланган:

Кабутар етишгач уйин топмади,

Ва лекин учардин қанот ёпмади. (СИ, XI, 535)

Оқ уй. Навоий тилга олган *оқ уй* шоҳона чодир, аслзодалар, юқори табақа учун тикиладиган ўтовни англатади.

Оқ уйга эшик руст, тунглуб дағи,

Бўлуб кўрага эв даврига тўк дағи. (СИ, XI, 250)

Алишер Навоий даврида олий табақа вакиллари бирор муносабат билан сафарга чиққанда, юриш, кўчиш маҳали, кўшин тушганда, албатта, оқ уйлар тикилиши, уларнинг адади кўп бўлиши табиий. Бундай пайтда базмлар ҳам тез-тез уюштирилган.

Атоқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов бир мақоласида туркий халқларда тилга олинган ва тушунилган “оқ уй”нинг маъно-мазмунини анча кенг ва хилма-хил бўлганини мисоллар билан, шунингдек, шоир шеърларида учрайдиган бу бирикмани шарҳлаб, яхши очиб берган. Олим ёзади: “Хон, бек, ҳар турли мансаб соҳиблари, бой-бадавлат кимсалар кун ўтказадиган даргоҳлар ҳам оқ уйлар бўлган. Улар ўзининг кўрки, маҳобати ва яшашга жуда ўнғайлиги билан ажралиб тургани учун бўлса керакки, Алишер Навоий оқ уй ҳақида қайта-қайта тўхталиб, ҳам шеърини, ҳам насрий асарларида ҳар турли фикрларини баён қилади. Шоир “Фавоид ул-кибар” девонидаги бир ғазалида (595-ғазал) қиш фаслидан сўз юритиб:

Бу фасл аро хуш эрур оқ уй ичра бода ўти,

Бу ўт ёрурга муганний оғзига олмоқ най, – дейди. Демак, совуқ қиш кунларида оқ уйда ўтириш вужудга қанча роҳат ва хузур бағишласа, унда ўтказилган йиғин ва гурунгларида ичилган май, тингланган куй-қўшиқлардан дил янада ортиқроқ шавқланади²⁹.

Алишер Навоий оқ уйни халқ яратувчанлик маданияти ва санъатининг ўзига хос намунаси сифатида “Муҳокамат ул-луғатайн” китобида мана

²⁹ Иброҳим Ҳаққул. Ул кўёш оқ уйдаю мен... // <https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/2011-sp-476264307/>

бундай тасвирлайди: “Бир мутаайин нимаким **оқ уйдур**, анга **хиргоҳ** от кўюптурлар. Аммо ани ажзосини кўпини турк тили билан айтурлар”. (МЛ, XIV, 144-145)

Тилшунос олим Э.Умаровнинг фикрича, “биринчидан, Алишер Навоий **оқ уй** ва унинг қисмларини яхши билибгина қолмай, унда яшаган”, иккинчидан, “уни қуриш ва тиклаш” ишларида бевосита иштирок этганлигини маълум қилади³⁰. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам “Муншаот” асарида буни қайд этган. (Мунш., XIV, 18)

Шоир бир ғазалда маъшуканинг ажиб киприкларидан кўнгулда *оқ уй* бино қилиш истагини шундай битади:

*Кўнгулда угларидан **оқ уй** айласам, не ажаб,*

*Ки кўнглум ичра ватан қилди моҳи **хиргоҳи**.*

Байтдаги **оқ уй** ашёси сифатида кўринган *углар* – ўтовнинг устки ёғочларидир. (НАЛ, 629) **Хиргоҳ** эса форсча сўз бўлиб, юқорида Алишер Навоий қайд этганидек, **оқ уйнинг**, **шунингдек**, **чодир**, ўтовнинг синоними сифатида қўлланган. “Фарҳод ва Ширин”да эса бу сўз иштирок этган **етти хиргоҳ** етти осмон маъносида ишлатилган:

Кўзи тушгач ул ойга, чекти бир оҳ

*Ки, дудидин қорорди етти **хиргоҳ**.* (ФШ, VIII, 305)

Фарҳод шарафига уюштирилган зиёфат қаср ичида бўлмоқда. Шоир Ширинга кўзи тушган Фарҳод шундай бир оҳ торттики, етти осмон унинг дудидан қорайиб кетди дер экан, муболаға санъатининг игроқ турини қўллайди.

Достонларда подшоҳларга хос турар жой, даргоҳ маъносидаги **боргоҳ** номи қайд этилади:

*Тўрида **боргоҳнинг** бир бийик тахт,*

Анинг устида бир шоҳи жавонбахт. (ФШ, VIII, 355)

³⁰ Умаров Э. Алишер Навоий асарларида “оқ уй” атамаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. № 1. –Б. 31-32.

Боргоҳ - 1. подшоҳ қабулхонаси; қаср; маҳкама; даргоҳ. 2. Чодир, ўтов.

*Ҳамул сабзага тушиди хайлу сипоҳ,
Тикилди яна чархсо **боргоҳ**. (НАЛ, 314)*

“Сабъаи сайёр” достонида Ахий шаҳзода Фаррухни муродига етказиб, уни юртига кузатиб қўйишда яна кўпдан-кўп инъомлар ва сафар улову анжомларини тортиқ қилади:

*Ҳачиру тева борчаси зебо,
Борчанинг рахти атласу дебо.
Уй ила **боргоҳу шамиёна**,
Анга лойиқ гилими ҳам ёна. (СС, X, 177)*

Бу ўриндаги сўзлар тасвиридан *уй, боргоҳ, шамиёна* каби асбобу анжомлар сафар чоғида фойдаланишга мўлжаллангани ва уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида уй ёки чодир экани англашилади.

Шомиёна/шамииёна луғатларда *чодир, соябон* деб кўрсатилган: Шамёна – ф. чодир, соябон. (АНАТИЛ, III, 496)

“Фарҳод ва Ширин” достонида хоқон ўғли Фарҳод туфайли Юнон мамлакатига сипоҳ тортганда, қўшин тушган жойда ўрда тикилиши манзараси тасвирланган мана бу парчада шоҳона турар жойлар, аслзодалар учун ясалган уйлар *оқ уй, боргоҳ, хиргоҳ*, шунингдек, *харпушта, саронарда* сингари номлар билан ифода этилганини кўрамыз:

*Ҳар **оқ уй** чархи гардун коргоҳи,
Яна гардунча онинг боргоҳи.
Дучўба учи бу феруза **хиргоҳ**,
Анинг икки кўмочи меҳр ила моҳ.
Чекиб **харпушта** гоятдин фузунроқ,
Саронарда ниҳоятдин фузунроқ. (ФШ, VIII, 144)*

Бу олиймақом уйларни қуриш, безаш, уларга ишлатиш учун зарур ашёлар ҳам бунга монанд: *қозуқ сиймину зарринким қоқилгон, ўн икки поялие бир тахти олий, хазу иксуну атлас, ончаким бўз каби.*

Харпушта ва *саронарда* ҳам подшоҳларга хос, олий табақага мўлжалланган чодир экани маълум. Бу сўзлар форсий тилдан ўзлашган.

АНАТИЛда *харпушта* ва *саронарданинг чодир* маъноси мавжудлиги кайд этилган (АНАТИЛ, I, 520), аммо *дучўбанинг чодир* деб кўрсатилгани тўғри эмас, бу сўз форсийча бўлиб, икки чўп маъносига эга.

Олачуқ – чайла, капа, уй. “Садди Искандарий” достонида Баҳроми Гўр ҳақида ҳикоят келтирилган 18 байтдангина иборат кичкина фаслда **олачуқ** ва **уй** лексемалар айна маънода қўлланганини кўриш мумкин. Фасл сарлавҳасидаёқ бунга дуч келамиз: *Баҳроми Гўр ҳикоятиким, уч олачуқ элига меҳмон бўлди, икиси ифрот ва тафрит кўргузуб, мухотаб ва матъун бўлдилар ва бириси адолат тариқидин Қорун.* (СИ, XI, 438)

Достоннинг бу ўриндаги воқеалар тасвиридан маълум бўладики, шоҳ Баҳром овда бир қулоннинг ортидан отда қувиб, ўз сипоҳидан узоққа кетиб қолади:

Чопиб эрди кўп шоҳи саҳронавард,

Ики-уч олочуқ аро етти фард. (СИ, XI, 438)

Достоннинг насрий баёнида бу шундай ифода этилган: “Саҳро кезувчи шоҳ бағоят кўп елиб-югурганидан сўнг ёлғиз ўзи икки-уч **капа** тикилган бир жойга бориб етади”. Олочуқ – капа деб берилмоқда.

Шоҳ жуда оч ва емоққа муҳтож эди. Достонда ёзилишича:

Ул уйлар қошида эди бир дарахт,

Тушуб сояга шоҳи фархунда бахт.

Насрий табдилда бу: “У хонадонлар олдида бир дарахт бўлиб, саодатли шоҳ шу дарахт соясига етади”. Кўринадики, *уйлар* насрий баёнда *хонадонлар* сўзи билан ифодаланмоқда. Хуллас, шоҳ бу уч уй эгаларига уларга меҳмон эканлиги, қорни очлиги боис ўзини меҳмон қилишларини сўрайди.

Насрий баёнда номутаносиблик бор. Достонда айтилишича, уч уй аҳлидан (элидан) бири Қорун каби бадавлат эди:

Ул уч уй элидин бири дун эди,

Агарчи тамаввулда Қорун эди. (СИ, XI, 438-439)

Шундай экан, унинг уйини **капа** деб берилиши нотўғри. ЎТИЛда **капа** сўзи форсий-тожикча сўз бўлиб, усти шох-шаббалар билан ёпилган омонат уй, чайла маъносида келиши кўрсатилган. (ЎТИЛ, II, 315) Шунга кўра бу кўпроқ оддий одамлар, камбағалларга хос бошпана. Шу сабаб Алишер Навоий *олачуқ* ва *уй* сўзларини айна маънода қўллайди. Воқеалар саҳрода, чўлда кечмоқда. Бундай жойларда яшайдиган кишилар, албатта, ўтов, чодир сингари уйларда истиқомат қилишган. Ҳоким ва олий табақа вакиллари юқорида кўрганимиздек, оқ уйларни маскан қилишган. Шунга кўра, бу ўринда **олачуқни** ҳозирги тилимиздаги *ўтов* деб тушуниш тўғри бўлади.

Қиёсий тилшуносликда тилларнинг ўзаро муносабатлари муаммоларини ўрганишда лингвистик контактология энг устувор йўналишлардан биридир. Маълумки, лингвистик контактология тилларнинг муносабатларини улкан майдон ва кенг маданий-тарихий ракурсда тавсифловчи, моддий ва типологик ўхшашликларни тиллар ривожланишидаги конвергент ва дивергент жараёнлар натижалари сифатида ўрганади. **Олачуқ** лексемасига ҳам шу жиҳатдан ёндашсак, бу сўзнинг туркий тиллардаги қадимги ва замонавий шакл ва маъно кўлами намоён бўлади. Ушбу сўз кўпчилик туркий тилларда учрайди. Қиёсланг: “қадимги туркий тилда: *аласи* “чодир”, чиғатой тилида: *аласуқ*, кўмик: *аласуқ*, татар: *аласеқ* “капа”; бошқирд: *аласеқ* “ҳовлидаги ёзги ошхона”, ққалп. *уласуқ*, қозоқ: *аласуқ*, қирғиз: *аласуқ* “кичкина ўтов, кулба, капа”, олтой: *аласуқ* “ўтов”, шор. *аласуқ* “ўтов”, тува: *аласу*, ёкут: *алаһа*, чуваш: *алас* “чодир” ва б.”³¹.

Мўғул чўпонлари узоқ яйловларда юрганда фойдаланадиган ва улар тилида *алцаг* деб номланган вақтинчалик яшаш уйини ҳам ёдга олмасдан ўтиш мумкин эмас. Бу сўз “кулба” маъносига эга. Эски мўғул тилида алсау шаклида қайд этилган. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича ушбу сўз, шубҳасиз, қадимги туркий *аласи* (чодир)га бориб тақалади. Ҳозирги туркий тилларда

³¹ Абдина Р.П. Наименования жилищ и зональных мест традиционной юрты в хакасском языке. Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2019. Том 12. Выпуск 10. –С. 167.

алажық, алажуқ, алачак, алачық, алачуқ, алашық, ылашық, аласық, аланчық ва ш.к. шаклларда *намоён бўлиб, чодир, ўтов, кулба, уйча* маъноларига эга. (ЭСТЯ, I, 130-132)

Бундан ташқари, чўпонлар чўл ва яйловларда оловда овқат пишириш учун уй ўртасида қозон ўрнатиладиган учта тошдан иборат ўчоқ қуришган, бу мўғул тилида *оцог* дейилган. Шу тариқа узок яйловларда яшаш билан боғлиқ барча терминлар мажмуи қадим ўтмишдаёқ қадимги туркий халқлардан мўғуллар томонидан ўзлаштирилган³².

Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатларда олочуғ/олочуқ – чайла, капа, уя (НАЛ, 483), алочуғ/алочуқ – чайла, капа (АНАТИЛ, I, 81) деб изоҳланган.

Дарҳақиқат, эски ўзбек тилида ҳам истеъмолда бўлган *олачуқ* лексемасидан Алишер Навоий давридан анча кейин ҳам ўзбек мумтоз шоирлари фойдаланишган. Биргина XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Махмурнинг машҳур “Ҳапалак” шеърини эсга олиш мумкин:

Бору йўқ уйларини банда баён гар қилсам,

Бир катак, икки капа, уч олачуқ, тўрт каталак.

Юқоридагилардан маълум бўладиги, Алишер Навоий тилга олган *олачуқ/олачуғ* қўлланиш ўрнига қараб *уй, ўтов, капа, чайла* маъноларини англатади.

Таъкидлаш жоизки, бу қадимий туркий ном “Девони луғотит турк” асарида қайд этилган: *олачу – олачуқ; бошпана, чодир, капа, олачуланди – кичик чодирга, олачуққа эга бўлди*³³.

Чодар, чодир – чодир, ўтов. Бу форсий ўзлашма илк марта Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида **čatir** (ДТС,142), **čašir** (ДТС,141), **čačir** (ДТС,135) фонетик шаклларида ишлатилган³⁴.

³² В.И.Рассадин, С.М.Трофимова, Ч.Лувсанжавын. Общомонгольская лексика по разделу традиционное жилище в халхаском, бурятском и калмыцком языках. Вестник Калмыцкого института гуманитарных исследований РАН. 2017. № 4. –С.138.

³³ Азизова Н. “Девону луғотит турк”даги лексемалар семантикаси хусусида. Лингвист: илмий мақолалар тўплами / Масъул муҳаррир Ҳ.Дадабоев. – Тошкент: Akademnashr, 2012. III жилд. –Б.96.

³⁴ Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2008. –Б. 216.

Алишер Навоий яшаган замонда кўчиб юрилганда, узоқ сафарга, сайру саёҳатга чиқилганда қуриладиган бундай вақтинчалик кўчма турар жой, бошпанага эҳтиёж катта бўлган. Айниқса, чодирлар ўтмишда кўчманчи туркийлар орасида кенг тарқалган. Улар кичик кўринишда бўлиб, қалин, пишиқ матодан, кўпинча, устун, синчга тортиб, арқонлардан фойдаланиб қилинади. Чодир тепасида ҳаво алмашиб туриши, тутун чиқиши учун туйнук бўлган. Бу сўз *чодар*, *чодир* шаклларида дostonлар матнида кўп учрайди:

Керак топиб ул нақб бошин бурун,

Тиқиб чодир ул ерда тутқай ўрун. (СИ, XI, 303)

Кузатишимизча, *чодар* шакли, асосан, кўғирчоқ ўйини билан боғлиқ тасвирларда қўлланган. Маълумки, чодирхаёл ўзбек анъанавий кўғирчоқ театри тури ҳисобланади. Парда ортида чодир ичида турган кўғирчоқбоз дастчўпдан ушлаб ипларни тортиш орқали кўғирчоқларни ҳаракатга келтирган. Маълумотларга кўра, чодирхаёл Ўзбекистон ҳудудида тахминан VI асрда майдонга келган. XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг бошигача кенг тараққий этган³⁵.

Алишер Навоий тақдир (фалак)нинг турли ўйинларини мана шунга ўхшатиб тасвирлайди:

Балки қовурчоқчи киби ҳийлагар,

Кўргузубон чодаридин минг сувар.

Шодурвон – соябон; чодир (НАЛ, 699) бўлиб, бу лексема ҳам Алишер Навоий ижодида шу маъноларда қўлланган.

Қаср жоҳингга пардаи айвон,

Боргоҳингга балки шодирвон. (СС, X, 300)

“Ҳайрат ул-аброр” дostonида **чодир**нинг фонетик варианты сифатида **чатр** ҳам ишлатилган. Қуйидаги байтда бу сўз *соябон* маъносига эга:

Соя учун чатрни қилмай писанд,

Йўл аро раҳиға йўқ пойбанд. (ҲА, VII, 365)

³⁵ Қодиров М. Халқ кўғирчоқ театри, – Тошкент: 1972.

Алишер Навоий дostonларида оддий уйча, бошпанани ифодаловчи **кулба**, **чотма** каби лексемалар ҳам учрайди:

*Кулба*даву масканимда бу ўт,
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт. (ЛМ, IX, 128)

Қизиқки, “Ҳазойин ул-маоний”даги шеърларда *кулба* лексемаси ниҳоятда кўп қўллангани ҳолда бу сўз дostonларда санокли учрайди:

Кулбаси ой шамъидин ўлса ёруқ,
Эшиги ел илгидин ўлса очуқ. (ҲА, VII, 182)

Луғатларда **чотма** – чайла, қапа (АНАТИЛ, III, 479), **чотма** – дарахт шохларини ерга кўмиб, учларини бир-бирига чатиб, боғлаб қилинган қапа (чайла) (НАЛ, 683) тарзида изоҳланган. Қуйидаги парчада ҳам *чотма* ва *уй* маънодош сўзлар сифатида ишлатилган:

Ов аро бир кун озиқиб бегумон,
Бўлди биров чотмасига меҳмон.
Чотма дема ҳажр қаро шоми де,
Зулму тааб уйларининг доми де. (ҲА, VII, 338)

Алишер Навоий дostonлари тилида учрайдиган, умуман, уй-жой, оилага алоқадор *ҳужра*, *хона*, *хонадон* ва *хонумон* сўзлари тўғрисида ҳам тўхтаб ўтиш лозим.

Ҳужра – араб тилидан ўзлашган бу сўз *хона*, *бўлма* маъноларига эга. ЎТИЛда бу сўзнинг икки маъноси қайд этилган: 1 Киши яшайдиган кичкина хона, уйча; 2 тар. Мадраса, қорихона ва масжидда шогирдлар, домуллалар яшаши учун ажратилган кичик хона(лар). (ЎТИЛ, V, 557) Алишер Навоий асарларида *ҳужра* ҳар икки маънода ишлатилган:

Келу ҳужрам супургил, эй иқбол,
Гирд болишт равзан олига сол. (СС, X, 59)
Бу мадрасада ясай висоқин,
Ҳужра аро соз этай яроқин. (ЛМ, IX, 233)

Уй ва **ҳужра** ўзаро синоним қўлланган:

Кўз очиб кўрар, уйда Лайли эмиш,

Қаро тунда равшан Суҳайли эмиш.

Ани хужрада Лайли айлаб ниҳон

Ки, фаҳм этмагайлар эли ногаҳон. (СИ, XI, 201)

Хона – бу тожикча от “бинонинг девор билан ажратилган ҳар бир қисми”, “бўлма”, маъносини англатади. (ЎТЭЛ, III, 242) Бу сўзнинг “уй, паноҳ, макон” маънолари ҳам мавжуд. (АНАТИЛ, III, 412) Алишер Навоий ижодида хона юқоридаги маъноларда қўлланган:

Ер остики сичқонга кошонадур,

Яна анда ҳар ён ниҳон хонадур. (СИ, XI, 104)

Ёки:

Ҳар киши ҳам қилса бу сувдин тараб,

Хона сиёҳ ўлмоғи эрмас ажаб (ҲА, VII, 279).

Қайд этиш керакки, **хона** лексемаси шоир дostonлари тилида алоҳида шаклда жуда кам учрайди, аммо *меҳмонхона*, *омочхона*, *суратхона*, *майхона*, *хумхона* (*майхона*), *камонхона*, *хонақаҳ*, *бутхона*, *ҳамхона*, *бандахона*, *гулобхона*, *занбурхона* (*ари уя*), *хонагур*, *хонавайрон*, *хонасиёҳ* каби қўшма от ва қўшма сифатлар таркибида қўшлаб қўлланганини кўришимиз мумкин.

Масалан:

Анга уй эрди меҳмонхона,

Анда кўп ошнову бегона. (СС, X, 165)

Бу янглиз қаср топиб зебу ойин,

Латофат ичра суратхонаи Чин. (ФШ, VIII, 282)

Улки ичиб бодани паймонадин,

Маст чиқар кўйга хумхонадин. (ҲА, VII, 275)

Хонадон – бу от тожикча хона отига **-дон** қўшмчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “оила”, “бир оила яшайдиган жой” маъносини англатади (ЎТЭЛ, III, 242). Бу сўз айни маъноларда шоир томонидан қўлланган:

Ҳам обоси бу хонадон бандаси,

Ҳам аждоди аждодим афкандаси. (СИ, XI, 155)

АНАТИЛда **хонумон** – уй-жой, уй жиҳозлари ва маишат асбоблари тарзида изоҳланган. (АНАТИЛ, III, 414) Ш.Раҳматуллаев мазкур атама этимологиясини шундай талқин қилади: **хонумон** – одатда *хонумондан айрил-* бирикмаси таркибида ишлатиладиган бу от “*еб-ичиладиган овқат тўла дастурхон*” маъносини англатадиган форсча (хон) отини **-у** боғламаси орқали “уй жиҳозлари” маъносини англатадиган **мон** отига қўшиб тузилган бўлиб, “уйдаги мол-мулк, бор бисот” маъносини англатади. (ЎТЭЛ, III, 242) Лекин бу сўзнинг *хонадон аҳли, хотин ва бола-чақалар* каби маънолари ҳам бор. Алишер Навоийда *хонумон* юқорида кўрсатилган маъноларда ишлатилган:

Кечиб аввал диёру хонумондин,

Вале сўнгра жаҳондин, балки жондин. (ФШ, VIII, 496)

Қуйидаги мисолда *хонумон* лексемаси асли *хон+у+мон* морфемаларидан ташкил топгани яққол кўринади:

Эй ўртаб ул ўтқа хонумонлар,

Не хону не монки, жисму жонлар. (ЛМ, IX, 3)

Алишер Навоий дostonларида уй маъносида туркий **юрт**, арабча **висоқ** лексемалари кузатилади:

Яралари ичра қайнашиб қурт,

Ҳам анда аларга туъма, ҳам юрт. (ЛМ, IX, 192)

То сайр ила етти иттифоқи,

Ул ергаким ул санам висоқи. (ЛМ, IX, 190)

Дostonларда қўлланган айрим сўзлар уй концепти билан боғлиқ бир неча маъноларни англатади. Масалан, форсий ўзлашма **даргах** 1. эшик, остона, бўсаға. 2. даргоҳ; ҳовли, уй, хонадон маъноларига эга. (АНАТИЛ, I, 453) Қуйидаги байтда бу сўз остона маъносида келган:

Отланиб шаҳ сари хиром этти,

Ўнубон даргах, эҳтиром этти. (СС) (АНАТИЛ, I, 453)

Остон / остона фонетик вариантлари дostonлар тилида ҳозиргидек “уй остонаси” маъносида, “бўсаға” сўзига синоним тарзда қўлланган:

Ётиб бош қўйсалар ул остонга,

Қолур эркинму ер бу нотавазга. (ФШ, VIII, 419)

“Остона” форс тилидан ўтган бўлиб, дастлаб “бинога, ҳовлига кираверишдаги ерга кўндаланг ётқизилган ёғоч, тахта, харсанг” маъносини англатган, кейинчалик “бўсаға”, “зина” маъноларини ифодалаш учун қўлланган (ЎТИЛ, I, 157).

Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” асарида яна бир форсча **кирёс** атамасидан уй қисмларини ифодалаш учун фойдаланган:

Еттию кўрди бир бийик кирёс,

Тоқу айвон анга сипеҳр асос. (СС, X, 266)

Кирёс кўп маъноли сўз ҳисобланади, унинг дарбоза, остона; подшоҳ саройи; боргоҳ, қаср маънолари мавжуд. (НАЛ, 313) Юқоридаги байтда бу сўз дарбоза маъносида келган.

Айвон арабий ўзлашма бўлиб, бу тилда “зал”, “галерея” каби маъноларни англатади. ЎТИЛда айвон сўзига берилган изоҳ, бизнингча, аниқ ва тўлақонли эмас: **айвон** – кўпинча уч томони берк, олди очиқ хона. (ЎТИЛ, I, 52) Ш.Раҳматуллаев буни ўз луғатида шундай изоҳлаган: “уйнинг уч томони девор, олд томони очиқ қисми”. (ЎТЭЛ, III, 22) Бу ҳам, фикримизча, ўзбек тилидаги айвон сўзининг маъносини аниқ ифодаламайди. Биз шундай таърифни таклиф этамиз: “уйнинг хоналарига тақаб солинган усти ёпиқ ва олд томони очиқ қисми”.

Алишер Навоий асарларида, жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонида бу сўз анча фаол қўлланган:

Ичинда гунбази айвонга лойиқ

Яна даҳлезги гунбазга мувофиқ.

Яна уч сори ҳам уч тоқу айвон,

Уёлиб ҳар биридин тоқи Кайвон. (ФШ, VIII, 281)

Келтирилган мисолда гарчи қасрга хос бино, шоҳона уйларнинг қисмлари тилга олинган бўлса-да, **айвон**, **даҳлиз**, **тоқ** кўпчилик тўқ хонадон уйларида ҳам мавжуд бўлган.

Тоқ – бу арабча сўз **tāq(un)** шаклига эга. Ўзбек тилига **тоқ** шакли билан қабул қилинган бу сўз кўп маъноли **tāqa** феълнинг “ўради” маъноси билан ҳосил қилинган I масдари бўлиб, “бино, эшик, дераза тепасининг ярим доира шаклида ишланган қисми” маъносини англатади. (ЎТЭЛ, III, 447) Алишер Навоий асарларида **тоқ** лексемаси ўз ва кўчма маънода ишлатилган:

Айвон била тоқ бешумора,

Ул навъки гунбазу манора. (ЛМ, IX, 325)

“Кўк тоқи” қуйида “осмон” маъносида келган:

Ҳардамки бўлуб алар мисоси,

Кўк тоқини дарз этиб садоси. (ЛМ, IX, 51)

Тоқ дostonлар тилида **тоқча** маъносида ҳам қўлланган:

Шишаки рухсор уза сенгай гулоб,

Тоқ уза асрарлар ани орзулаб. (ҲА, VII, 257)

Даҳлез – форсий ўзлашма. Ҳозирги ўзбек тилига даҳлиз шаклида қабул қилинган. Дастлаб бу “кириш жойи”; “усти ёпиқ йўлак” маъноларини ифодалаган бу сўздан уйнинг кираверишига қурилган, одатда, пойабзал ва уст кийимлар ечиб кириладиган биринчи хонаси тушунилади. (ЎТИЛ, I, 582)

Алишер Навоийда сўзнинг **даҳлез** фонетик шакли қўлланган:

Ичинда гунбази айвонга лойиқ,

Яна даҳлези гунбазга мувофиқ. (ФШ, VIII, 281)

Араб тилидан кириб келган **сақф** истилоҳи дostonлар тилида “шип, уй тепаси, гунбаз” маъносини англатган:

Сақфи сандал, равоқи ҳам сандал,

Эшигу фаршу тоқи ҳам сандал. (СС, X, 345)

Сутун – устун уй, иморатларнинг яна бир зарур ашёси. Тилимизга кўчган бу форсий сўз асли “тиргак”, “поя”, “тирговуч”, “таянч” маъноларини билдирган. ЎТИЛда уч маъноси кўрсатилган: **1.** Томни кўтариб турувчи тик таянч ёғоч. **2.** *архит*. Бино пештоқи ва шифтининг асосий таянчи; колонна. **3.** Умуман, бирор нарсани кўтариб туриш, осиб қўйиш ва ш.к. учун фойдаланиладиган узун тик ёғоч ёки шу тахлитда ишланган қурилма. (ЎТИЛ,

IV, 302) Алишер Навоий ижодига *сутун* шакли хос ва юқоридаги маънолар акс этган:

*Миҳу сутунсиз тикибон чодарин,
Даври этиб чодарининг пайкарин. (ҲА, VII, 262)*
*Сутуне бу сифат ким кўрди бори,
Бир учи ёна бир уйнинг мадори. (ФШ, VIII, 221)*

Қадимги туркий **там** сўзнинг бирламчи маъноси “уйнинг, бинонинг устини бекитиб турувчи тепа қисми”ни англатади. Маҳмуд Кошғарий *том* сўзини *девор* маъноси билан кўрсатган. ДЛТда том уй сўзи билан ҳам таржима қилинган. (ЎТЭЛ, I, 346) Бу сўзнинг ҳозирда “уй, ховли-жой” маъноси ўзбек шеваларида, қозоқ тилида ҳануз мавжуд: том солди – уй солди.

Бу от қадимги туркий тилда **там** тарзида талаффуз қилинган. Бу шакл ва ифода ҳозирги туркий тилларнинг кўпида сақланиб қолган, ўзбек тилида эса а унлиси â унлисига алмашган: там > tâм. ДСда кўрсатилишича, қадимги туркий тилда **тағам** сўзи “бинонинг устини бекитиб турувчи қисми” маъносини англатган. Бу сўз таркибида **ға** кейинги даврларда тушиб қолгани тахмин қилинади: тағам > там > tâм. (ЎТЭЛ, I, 346)

“Ҳамса” дostonларида бунга доир мисол келтирамиз:

*Уй олтун, фарши олтун, **томи** олтун,
Май олтун, зарфи олтун, жоми олтун. (ФШ, VIII, 111)*

Зийнатли қасрни таъриф этган бу байтда бинонинг томи маъносида келган. Яна бир мисол:

*Чарх **томига нардобон** ясамоқ,
Меҳр шамъига шамъдон ясамоқ. (СС, X, 57)*

Ушбу байтда *чарх томи* – осмон маъносида қўлланган. Бажарилгуси ишнинг қанчалик оғир ва масъулиятли эканлигини Алишер Навоий “пашшага фил иши” юклатилганидек, “осмонга нардобон”, “қуёшга шамъдон” ясаш” ишига қиёс қилади.

Юқоридаги байтда яна бир уй-рўзғор жиҳози *нардбон* тилга олинган. Мазкур атама тожик тилидан ўзлашган бўлиб, нарвон сўзининг фонетик, *шоти* сўзининг лексик варианты. Бу от асли “шоҳча” маъносини англатадиган нард отига “боғла” маъносини англатадиган *банд* ҳозирги замон асосини қўшиш билан ясалган. Тожик тилида сўздаги товуш ўзгаришлари натижасида *нардбон* шакли юзага келган. Ўзбек тилига эса бу шакл *нарвон* тарзида ўзгариб ўтган: *нардбон* сўзидаги *р* товуши тушиб қолган, *б* товуши в товушига алмашган ва *нарвон* ҳосил бўлган. Бу сўз “юқорига чиқиб тушишда ишлатиладиган буюм” маъносини англатади. (ЎТЭЛ, III, 150) Алишер Навоийда тожик тилидаги шакл ва юқорида кўрсатилган маънода ишлатилган:

Тоқизга кўк поясидин нардбон,

Кунгури даврида Зуҳал посбон. (ҲА, VII, 336)

Зина – поя; нарвон; зинапоя. Бу сўз “Ҳайрат ул-аброр”да ҳозирги маънода қўлланган:

Чарх уза зина анинг минбари,

Пояси ул ерга ким Муштари. (ҲА, VII, 309)

Қуйидаги байтда **зинанинг** тўлиқ лексик варианты бўлган **зинапоя** ҳам айни маънода, фақат ашёси тошдан эканлиги билан ифодаланган:

Торилди чун бу янглиз турфа воя,

Кўрунди тошдин бир зинапоя. (ФШ, VIII, 191)

Тўр – уйнинг тўри. Қадимги туркий тилдаги бу сўз, Ш.Раҳматуллаев изоҳига кўра, “пойгакнинг қарама-қарши томонидаги жой” маъносида қўлланган. Бу от асли **төр** тарзида талаффуз қилинган (ПДП, 433; Девон, III, 133, ДС, 580); кейинчалик **ө** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **төр** > **тор**. (ЎТЭЛ, I, 372)

“Муҳокамат ул-луғатайн” асарида **тўр** лексемасининг омонимик қатори, жумладан, уйнинг тўри маъносидаги сўз ва бошқа омонимлар уларнинг талаффуз қиёси билан кўрсатиб берилади: *Яна бир мисол: тўрки, домдур, яна тўрки, андоқ дақиқроқдурки: қуш ўлтурур йиғочдур ва тўрки,*

андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва тўрки, барчадин ариқдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак уйдур. (МЛ, XIV, 15)

Алишер Навоий асарларида бу сўзга мисоллар кўп:

Эшик ит еридур, гар олсун бўри,

Мушукка мақом ўлди уйнинг тўри. (СИ, XI, 218)

Дарвоза – ҳовлиги, кўрғонга кириладиган, очиб-ёпиладиган катта эшик. (ЎТИЛ, I, 209) Бу от тожик тилида “катта эшик” маъносини англатадиган *дар* отига “очик” маъносини билдирувчи *боз* сифатини кўшиб ясалган *дарбоз* ясалмасига *-а* кўшимчасини кўшиб ҳосил қилинган; *б* товуши в товушига алмашиб, кейинчалик шу шаклда тилимизга кўчган. (ЎТЭЛ, III, 77) Алишер Навоий ижодида бу сўз ҳозирги маъносида қўлланган:

Бор эди дарвозага сурмак ҳамон,

Ҳар соридин халқ югурмак ҳамон. (ҲА, VII, 185)

Қадимги туркий, эски туркий тилларида ишлатилган, туркий тиллар, жумладан, ўзбек шеваларида ҳам қўлланишда бўлган, эшик, дарвоза маъноларини англатувчи *қапы*, *қапу*, *қапуғ/қапуқ*, *қапқа-қапга* (ЭСТЯ, V, 274) ўрнини Навоий даврида *дарвоза*, *эшик* атамалари эгаллаган. Достонлар тилида *қапу* учрамади.

Эшик “уйга, хонага кириладиган жой”, “шундай жойга ўрнатилиб, очиб-ёпиладиган қурилма”. Бу от қадимги туркий тилдаги **и:ш-** феълининг “боғла-” маъносидан (ЭСТЯ, I, 396) **-(и)к** кўшимчаси билан ясалган бўлса керак; сўз бошидаги **и:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ПДП, 382) ва бу унли **э** унлисига алмашган (Девон, I, 78; ДС, 185): **и:ш-** + **ик** = **и:шик** > **ишик** > **эшик**. (ЎТЭЛ, I, 472) Лексема “Хамса” достонларида “уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишида ўрнатиладиган, очиб-ёпиб туриладиган қурилиш буюми”, “дарвоза” (ЎТИЛ, V, 64) маъноларида учрайди:

Очилғоч эшик, уйга кирмиш юруб,

Магар уйга кирмак будур бош уруб. (СИ, XI, 257)

Қўюб қасрига юз, андоққи Рустам,

Эшикда боғлабон раҳшини маҳкам. (ФШ, VIII, 173)

Шунингдек, бу сўз “уйнинг ташқариси, ҳовли” маъносида ҳам қўлланган:

Эшик ит еридур, гар олсун бўри,

Мушукка мақом ўлди уйнинг тўри. (СИ, XI, 218)

Ўзбек шеваларида (Андижон) эшик уй, хонадон маъноларида қўлланади: *Эшикка чиқамиз. Эшикка ўтинлар.* Умуман, эшикнинг уй маъносида ишлатилиши ўзбек тилида аввалдан мавжуд: *Эшигимда жуда кўп одамлар ишлаган.* (Ойбек, Танланган асарлар) (ЎТИЛ, V, 64)

Тунглюк туйнукнинг Навоий қўллаган шакли:

Оқ уйга эшик руст, тунглюк даги,

Бўлуб кўрага эв даврига тўк даги. (СИ, XI, 250)

(Оқ уйнинг эшиги, туйнути ҳам маҳкам, бу эв (уй)га тўшалган кигизи ҳам кўркам).

Тунглюк/ тўнглўк. Туйнук “эски замон уйларида ёруғ тушиши, тутун чиқиб кетиши учун хизмат қилган тешик”. Қадимги туркий тилда ҳам шу маънони англатган бу от асли “кечаси” маъносини англатувчи **тўн** отидан -**лўк** қўшимчаси билан ясалиб, **тўнлўк** тарзида талаффуз қилинган (Девон, III, 394); кейинчалик **ң** // **н** ундоши **й** ундошига, шундан кейин **л** ундоши **н** ундошига алмашган; охири **ў** унлиларининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўң** // **тўн** + **-лўк** = **тўңлўк** // **тўнлўк** // **тўйлўк** // **тўйнўк**. (ЎТЭЛ, III, 356)

Туркийшунос Э.Наджиб ўзининг туркий сўзлар талқинига бағишланган луғат китобида бу сўзни шундай изоҳлаган: **ТЎҢЛЎК** “ўтовнинг тутун чиқиши ва ёруғ тушиши учун хизмат қиладиган юқори қисмидаги чамбарак (тўгарак)”. Шу жойда тўнглук сўзининг туркий тиллардаги шакллари ва маънолари қиёсий изоҳланган³⁶.

Тадқиқот объекти қилиб олинган дostonларда уй-рўзғор буюм ва жиҳозларидан: **кат**, **курси**, **сандалий** кабиларни ҳам учратиш мумкин.

Кат – ёғоч каравот. Бу форсий сўз шу маънода қўлланган:

³⁶ Наджиб Э. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV на материале «Хосрау и Ширин» Кутба. Книга I. – Астана: Ёғлым баспасы, 2017. –С. 256.

Кат юзида тўшак солиб неча қот,

Анда ётқузди зору хастани бот. (СС, X, 288)

Кат “Бобурнома”да ҳам қайд этилган: “Сақарлот **кат** зайлучасиға чирмаб, **кат** остиға қўюб, устиға гилемларни ёптук”³⁷.

Сандалий – сандал ёғочидан ясалган курси. (АНАТИЛ, III, 39) Достон қаҳрамонлари Меҳинбону ва Ширин арман элига беҳад яхшиликлар қилган Фарҳодни меҳмон қилиш учун базм асбобини тузишни маслаҳатлашаётиб, жумладан, шундай дейишади:

Ясосоқ сандали узра мақомин,

Қилиб дилжўлиқ этсак эҳтиромин. (ФШ, VIII, 295)

Сандал дарахти ёғочи уй, бино қуришда ҳам ишлатилган:

Бўлур чун арраси чекмакда маҳрур,

Ёғиб сандал нечукким қишда кофур. (ФШ, VIII, 88)

Курси тилимизга арабчадан ўзлашган бўлиб, “бир киши ўтириши учун мўлжалланган, одатда, тўрт оёқди оддий мослама, ўриндик; суянчиқсиз стул” маъноларига эга. (ЎТИЛ, II, 436) “Фарҳод ва Ширин”да *курси / курсий* шаклларида юқоридаги маънода ишлатилган:

Етишигач Бону айлаб беҳад икром,

Дедиким, курси узра тутсун ором. (ФШ, VIII, 297)

Мана бу мисолда омоним сўзлар (*курсий*), шунингдек, *поя* лексемалари қўлланганини кўраимиз:

Солиб ҳам Аршу ҳам Курсийга соя,

Бўлуб курсий анинг тахтига поя. (ФШ, VIII, 14)

Биринчи мисрадаги *Курсий* қуёш, иккинчи *курсий* ўз маъносида, киши ўтирадиган буюмни аташ учун қўллланган. **Поя** – пой, аёқ. Бу сўз форс тилидан ўзлашган бўлиб, *курси, кат, тахт* кабиларнинг оёғи, умуман, буюмларни тик туриши учун уларни тутиб турадиган оёқни билдиради. Ушбу сўзнинг мартаба маъноси ҳам мавжуд.

³⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 344.

1.3. Уйга тўшаладиган буюмларни ифодаловчи лексемалар

Ўзбек халқи турмушида ором олиш учун ёзиладиган, бош қўйиладиган ва суяниладиган кўрпа-тўшак ва ёстиқлардан фойдаланилган. Уларни ифодаловчи лексемалар хилма-хил. Туркий тилларнинг кўпида бўлгани каби ўзбек тилида *тўшак* сўзи қадимдан мавжуд. Алишер Навоий дostonларида ҳам бу сўзга дуч келамиз:

Кат юзида тўшак солиб неча қот,

Анда ётқузди зору хастани бот. (СС, X, 288)

Атама луғатда шундай изоҳланган: **тўшак** – тўшак, полос; оёқ остига тўшаладиган ҳар бир нарса. (АНАТИЛ, III, 272) Кўринадики, тўшак сўзининг маъноси умумий тарзда изоҳланган. Юқорида келтирилган байтда эса **кат** (ёғоч каравот) устига, хаста кишининг остига бир неча қават солинган тўшак кўрпача эканлиги англашилади.

ЎТИЛда қуйидаги семалари келтирилган: **ТЎШАК** 1. Жун, пахта сингари юмшоқ нарса солиб тикиб тайёрланган, ётиш, ўтириш учун тўшаладиган буюм, анжом. 2. Ётиш учун солинган ўрин; ост ва устга ташланадиган (солинадиган) нарса. (ЎТИЛ, IV, 250). Алишер Навоий асарларида шу маъноларда қўлланган бу сўз баъзан *ёстиқ* маъносида ҳам келган:

Нетиб қилгай сафодин саждае фош,

Тўшакдин улки олмас лаҳзае бош. (ФШ, VIII, 513)

Бу атама ДЛТда *тўшак* шаклида учрайди. (ДЛТ, I, 374) Ҳозирги ўзбек тилида *тўшак*, туркман тилида *душек*, қирғиз тилида *дошак*, уйғур тилида *чушек* тарзида қўлланади.

Надежда Ерленбаеванинг ишида олтой тили маиший лексикаси таркибида *јастык* / *төжөк* – “постель” (букв: “подушка-постель”), *төжөк-орын* “постельные принадлежности” (букв: “постель-кровать”) каби жуфт сўзлар борлиги қайд этилган³⁸.

³⁸ Ерленбаева Н. Бытовая лексика алтайского языка, автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Уфа, 2005. –С.18.

Алишер Навоий дастонларида лексеманинг форс-тожикча, арабча синонимлари ҳам қўлланган:

Қасрким эрди меҳмонхона,

Фарш ила рахти борча шоҳона. (СС, X, 266)

Арабча фарш “тўшак, гилам, палос, ерга тўшалган нарса” (АНАТИЛ, III, 331), форсча ўзлашма **рахт** сўзи эса “уй асбоб-анжомиди, кийим-кечак” маъноларини билдиради. (НАЛ, 523)

Алишер Навоий асарлари тилида *кўрна* ёки *кўрпача* сўзлари учрамайди. Маълумки, кўрна киши устига ёпилса, кўрпача остга солинади. Шоир булар ўрнига форсийча **бистар** сўзидан фойдаланади:

Келтурдию бистарига солди,

Ётқуздию ёнди пўя олди. (ЛМ, IX, 107)

Бу истилоҳ форс тилидан ўзлашган бўлиб, “ўрин-бош, кўрпа-ёстик” маъноларини англатади. (НАЛ, 121)

ЎТИЛда *кўрна-тўшак* жуфт сўзи алоҳида қайд этилмаган. “Фарҳод ва Ширин” достонида кўрпа-тўшак, ўрин-жой ўрнида эски ўзбек тилига ўзлашган *фирошу бистар* жуфтлиги қўлланган:

Аёқ қўйгай фирошу бистаримга,

Илик сунгай сироҳу кишваримга. (ФШ, VIII, 64)

Мана бу байтда эса вазифаси жиҳатдан кўпинча бирга тилга олинадиган кўрпа-ёстикнинг маънодошлари *бистар* ва *такя* лексемалари ишлатилган:

Жисмингга зарурат ўлса бистар,

Бошинг доғи бўлса такя истар. (ЛМ, IX, 280)

Бистар ҳозирда Бухоро шеvasида “келин-куёв учун махсус тикилган шойи кўрпа” маъносида қўлланди³⁹. Бу сўз татар тилининг айрим шеваларида *сочиқ* маъносида ишлатилади. Т.Х.Хайрутдинованинг монографиясида *бистар* ҳақида шундай фикр билдирилган: “Сочиқ тушунчасини ифодалаш учун кряшин шеvasида *бистар* сўзи қўлланади. (Остроумов, 1892) Нагайбак,

³⁹ Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: 1971. –Б. 52.

шунингдек, мензелин шеваларида бу сўз “уч томонига нақш тикилган узун сочиқ”ни билдиради, Лаишев шевасида (Қозонбўйи) *бөстәр* фонетик варианты қўлланади. *Бистәр / бөстәр* форс тилидан ўзлашган”⁴⁰.

“Хамса” дostonлари тилида **болишт** – *ёстиқ, болиш* ва **гирд болишт** – *лўла болиш, юмалоқ ёстиқ* маъноларида қўллангани луғатларда қайд этилган (НАЛ, 126):

*Келу хужрам супургил, эй иқбол,
Гирд болишт равзан олига сол.* (СС, X, 59)

Ёки:

*Синехр узра бўлсун санга тахтгоҳ,
Куюш гирдболиштидин такягоҳ.* (СИ, XI, 341)

Дostonларда *ёстиқ*қа маънодош **такя** сўзи ҳам қўлланган:

*Девонага ёру ошно ул,
Такя қилур ўлса муттако ул.*

Таъкия хоро – “тош ёстиқ”, “қаттиқ ёстиқ”:

*Уйқуға қўймоқ тиласам ерга бош,
Таъйи хоро манга бир хора тош.* (ҲА, VII, 366)

Эски ўзбек тилига оид луғатларда **такя** ёстиқдан ташқари “суянчик”; “дарвишларнинг махсус турар жойи; “умумий ётоқхона” маънолари ҳам кўрсатилган.

Такя сўзи арабча бўлиб, “мискинлар уйи”, “ғарибхона” маъносидадир. Шунингдек, бу сўз “суянмоқ, таянмоқ”; “одамлар тўпланиб улфатчилик қиладиган жой”; “кўкнорихона” маъноларида ишлатилади.

Қашқадарё ўзбек шеваларида лўла сўзи кўшилиб *лўлатакйа*, Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида *лўлатакйа* “узун, юмалоқ ёстиқ” маъносида қўлланади. Хоразм шеваларида *така* ёстиқнинг барча турларини ифодалаш учун қўлланилади⁴¹.

⁴⁰ Хайрутдинова Т.Х. Бытовая лексика татарского языка. – Казань: Фикер, 2000. –Б. 82.

⁴¹ Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаригаги маиший лексикага оид сўзлар хақида // Pm sarchashmalari. Urganch, 2020, №1. –Б. 142-143.

Чодаршаб/чодиршаб ҳам кўрпа-тўшаклар сирасига мансуб. Бу форсий ўзлашма луғатларда *чойшаб* тарзида изоҳланган. “Ҳайрат ул-аброр” достонида “тўшаб қўйиш; ёпиниш учун ишлатиладиган мато” маъносида кўзга ташланади:

Чарх қилур зоҳир этиб кавкабин,

Дурға мукалал қора чодаршабин. (ҲА, VII, 360)

Достонлар тилида яна турли-туман: *бўрё/бўриё, киз/кийз/кийиз, гилем, кўрака/кўрга/кўрага, зайлуча, полос, шол* сингари тўшак номлари учрайди.

Бўриё ҳозирги ўзбек тилида *бўйра* шаклига ўзгарган. Бу истилоҳ асли форсий тилга мансуб бўлиб, тозаланган қамиш чўпидан тўкилган тўшама ҳисобланади. Гиламга ёки бошқа тузукроқ бундай тўшамаларга қурби етмаган қашшоқ кишилар ундан кўпроқ фойдаланишган. Шунингдек, бўйралар нам ва захдан, чанг-тупроқдан сақланиш учун гилам остига ҳам солинган. Алишер Навоий ижодида бу сўз қўлланган шундай байт мавжуд:

Хонақоҳ ичраки солиб бўриё,

Ранг анга зарқ ўлубон, бўриё. (ҲА, VII, 141)

Мана бу мисолда ҳам бўрё эски бир тўшак сифатида қайд этилган:

Бир кўҳан бўрё фирош эрди,

Муттако гўша узра тош эрди. (СС, X, 141)

Шу байтдаги арабий ўзлашмалардан *фирош – тўшак, ўрин-кўрпа* эканини, *муттаконинг* эса *суянчиқ* маъносидан ташқари *ёстиқ* маъноси ҳам борлигини қайд этишимиз лозим. Яъни, “Бир эски бўйра тўшак эди, бир чеккадаги тош суянчиқ эди”.

Киз / кийз / кийиз – наMAT. “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод умрининг сўнгги паллалари тасвирида **киз** сўзи иштирок этган шундай байт келади:

Қаро кизлар бўюнларига солиб,

Ки, юздин кизу киздин юз бўёлиб. (ФШ, VIII, 456)

Фарҳод айтадики, агар Мулкоро ва Баҳром аҳволимни ўлимга қадар етганини, ҳалок бўлганимни билишса, менга мотам тутиб, бўйинларига қора

кийиз осардилар, бу кигиздан юзларига қорага бўяларди. Навоий асарларида мотам ҳолатларини, манзарасини чизганда, инсонлар яқин кишисини йўқотганда, қора кийишлари, эгнига эски, жулдур кийим, бўйниларига қора кигиз илишиб, юзларига қора суртиб, сочлари, юзларини юлиб йиғлашларини тасвирлайди ёки шунга ишора қилади. Бунга ушбу байт ҳам мисол бўла олади:

Булбул топмай ўзин азосиз,

Бўлғай пари бўйнига қаро кийиз. (ЛМ, IX, 292)

“Навоий асарлари луғати”да *тахта кийиз* – кигиз парчаси деб изоҳланганки (НАЛ, 602), бу тўғри эмас. Фикримизни шоир асарларидаги кўйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди:

Шаҳиким, кўкка чиққай тахту жоҳи,

Гадоким, тахта киз бўлғай паноҳи. (ФШ, VIII, 425-425)

Қадимги табобатда ярага кийиз куйдириб босиш қўлланилган. Мана бу байтдаги фикр шу ҳақида:

Кийиз порасин оҳи куйдуруб чувт,

Боши ярасига боғлади руст. (ЛМ, IX, 191)

Қайд этиш керакки, кўпгина матолар, ашёлар тўшак учун ҳам, кийим-кечак учун ҳам, уй-ўтовларни қоплаш учун ҳам ишлатилган. Масалан *кигиз, ширдоғ, палос, шол*, шундай материаллар ҳисобланган. Масалан:

Секин қилиб уй кийзини пора,

Ул фуржадин айлади назора. (ЛМ, IX, 246)

Киймак учун эгнига топмай палос,

Элга тилар, берса мунаққаш либос. (ҲА, VII 179)

Зоҳир этиб йиғлазудек ҳол анга,

Кийдурубон эски қаро шол анга. (ҲА, VII, 65)

“Мажолис ун-нафоис” тазкирасида **кийиз** сўзи **кийиз бўрк** (кигиздан қилинган телпак) бирикмасида учрайди: “Мавлоно Ашраф дарвешваш ва номурадшева киши эрди. Ва **кийиз бўрк** устига **қурчук** чирмар эрди. (МН, XIII, 11)

Тилшунос олим А.Примов ўз мақоласида Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги маиший лексикага оид сўзлар ҳақида сўз юритар экан, *кигиз, гилам, тўшак, тақя, ёстиқ* сингари уй-рўзғор буюмларининг маъноси, этимологияси, тил мансублигини яхши кўрсатиб берган⁴².

Гилам лексемаси “жун, ипак каби ашёлардан тўкилиб, уйга тўшаладиган ёки деворга осиб қўйиладиган буюм” номини ифодалайди. Асли, форс-тожик тилида “палос”, “тақир гилам” маъносини ифодаловчи *келим* сўзи тилимизга *гилам* бўлиб ўзлашган. Тожик тилида *гилем* шаклида қўлланади. Араб тилида ҳам *гелим//келим* ишлатилади. (ЎТЭЛ, III, 62) Алишер Навоий асарларида бу сўз *гилем* шаклига эга:

Гилеме солиниб гулгуну зебо,

Ясолиб кўргаси гулрангу дебо. (ФШ, VIII, 97)

Иккинчи мисрадаги **кўрга** яна бир туркийча тўшак номи бўлиб, *кийгиз, намат; палос, шол, кигиз* маъносини англатган. Бизнингча, луғатларда бу сўз 1. Май тўлдирилган идиш билан қадахлар қўйилган сандалча; 2. Май идиши (НАЛ, 327); май идишлари қўйиладиган махсус сандалча; май идиши; катта куб (АНАТИЛ, II, 155) тарзида янглиш изоҳланган. Сабаби, НАЛда бу сўз изоҳига иллюстрация келтирилмаган бўлса, АНАТИЛда юқоридаги байт мисол келтирилган. “*Ясолиб кўргаси гулрангу дебо*” мисрасидаги *дебо* сўзининг “*нозик, нафис ипак мато; ҳарир*” (АНАТИЛ, II, 477) эканлиги **кўрга** сўзининг сандалча ёки май идиши эмас, балки тўшак эканлигини исботлайди.

“Садди Искандарий”да **кўрга** сўзининг *кўрага/кўрака* шакллари ҳам мавжуд:

Оқ уйга эшик руст, тунгрук даги,

Бўлуб кўрага эв даврига тўк даги. (СИ, XI, 250)

Юқоридаги луғат китобларда *кўрага* – “кийгиз, намат; *кўрака* – полос, шол, намат” маъносида тўғри изоҳланган. (НАЛ, 327; АНАТИЛ, 155)

⁴² Ўша манба, ўша саҳифа.

Зайлуча – гиламча, шолча. (НАЛ, 241) Бу форсий ўзлашма “Фарход ва Ширин” достонида ишлатилган:

Инак зайлуча ҳам солдирди филҳол,

Деди: Ўлтурсун ул шўрида аҳвол. (ФШ, VIII, 287)

“Бобурнома” матнида ҳам бу сўзни учратамиз: “кат **зайлучаси**га чирмаб, кат остига кўюб, устига гилемларни ёптук”⁴³.

Эски ўзбек адабий тилида **бисот** бир мунча хусусий маънода, айнан “гилам, палос”, шунингдек, “шахмат тахтаси” маъноларида ҳам қўлланишда бўлган⁴⁴. Мисол:

Тўшалгач бу бисоти комрони,

Ўзи ўлтурди, лек ўлтуртуб они. (ФШ, VIII, 302)

1.4. Меҳнат қуролларини атайдиган лексемалар

Маълумки, меҳнат қуроллари инсониятнинг ибтидоий даврларига бориб тақалади. Инсон ўзининг тараққиёти давомида моддий қизиқишларини акс эттирган ҳолда, ҳаёт учун зарур меҳнат қуролларини яратиб келди. Улар инсоннинг ўзи сингари босиб ўтилган давр мобайнида такомиллашиб борди. Бу воситаларнинг кўпи одамнинг бутун умри давомида ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келди. Инсон фойдаланадиган ҳамма нарсалар ўз мазмун-моҳияти, бирор мақсадга мўлжалланганлиги, бажарадиган вазифасига алоқадор тарзда муайян номга эга бўлди. Бу лексик бирликлар тарихи, ўзбек тили луғат фондидаги ўрни, улар бизга бурунги ёзма манбалар орқали етиб келган, аксарияти ҳозирги ўзбек тилида айнан ёки муайян ўзгаришда қўлланиб келмоқда.

Алишер Навоий “Хамса” дostonларида учрайдиган меҳнат қуролларини уларнинг лексик-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин:

А) Тикиш-бичишга оид иш қуроллари номлари

⁴³ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 344.

⁴⁴ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2017. –Б. 12.

Игна – игна:

*Гарчи синук **игна** ҳаққунноссдур,*

Бағринг аро ханжари олмосдур. (ҲА, VII, 130)

Маълумки, “Ҳайрат ул-аброр”нинг 3-мақолоти “Салотин боби” – султонлар ҳақида. Алишер Навоий бу ўринда меҳнат қуроли номини қўллар экан, унинг воситасида султонларни огоҳликка даъват этади. Шоир эътиқодича, бир кишининг бир синиқ игнасига хиёнат қилган бўлсанг, яъни инсонларнинг ҳаққи бўлган синиқ игнани олган бўлсанг, нариги дунёда у бағрингга олмос ханжар бўлиб қадалади.

Қуйидаги сатрларда *игна* лексемаси иштирокида ажойиб бир фразеологик бирликдан фойдаланилган:

Анингдек тоғ сори туттилар йўл

*Ки, **игна** солса ерга тушмагай* ул. (ФШ, VIII, 283)

Фарҳоднинг Ширин юртида бунёд этган мўъжизакор ишларини томоша қилишга йўл олган одамлар кўплигидан гўёки “игна солса ерга тушмагай”. Тилимиздаги бу қадимий фразема ҳозирда ҳам “Игна ташласанг, ерга тушмайди” шаклида деярли ўзгаришсиз яшаб келмоқда.

Тилшунос Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да **игна** сўзи анча батафсил изоҳланган: тикиш учун хизмат қиладиган учи ўткир, охири кўзли метал асбоб”. Бу от асли қадимги туркий тилдаги “ёпиштириб, зич тикилган” маъносини англатган **йиги** сифатидан (ДЛТ, III, 32) –**нә** қўшимчаси билан ясалган: **йиги+нә**. Кейинроқ ўзбек тилида товуш тушиши, ўзгариши сабабли **игнә** шаклини олган. Сўзлашув нутқида **йигнә**, **йийнә**, **нийнә** **ийнә** шаклида ҳам ишлатилади. (ЎТЭЛ, I, 108) Адабий тилда сўзнинг *нина* шакли ҳам бор. Бу тикув қуроли номи туркий тилларнинг деярли барчасида фонетик вариантларда учрайди.

Игна сўзининг яна бир туркийча синоними **бичак** ҳам қўлланганки, бу сўз буюк шоир давридаёқ нодир бўлиб қолган эди. Негаки, уни биз фақат бир ўринда – “Ғаройиб ус-сиғар”га кирган бир ғазалдагина учратдик холос:

*Ярамни тиккали бошинг уза **бичакми** экин,*

Бичакда риштаи жонимму ё ипакму экин. (ҒС, III, 357)

НАЛда **бичак** – игна, сўзон деб кўрсатилган. (НАЛ, 121) Алишер Навоий дostonларида игна, бичакнинг маънодоши сифатида *нина* ёки форсийча *сўзон/сўзан* учрамайди.

“Лайли ва Мажнун” асарида қайчи ўрнида арабча **микроз** истифода этилган:

Микроз ила лом-алифлари руст,

Таън аҳли тилин тутуб кесиб чуст. (ЛМ, IX, 15)

Шоир дostonлар тилида *микроз* бир жойдагина учраса, ғазалларида бу сўз кўп қўлланган.

Б) Деҳқончиликка оид иш қуроллари номлари

Дос – ўроқ. Фарҳод маҳв қилган аждаҳонинг тирноқларини тасвирлашда Навоий *ўроқнинг* форсча муқобили *дос* сўзини қўллайди:

Бўлуб ҳар панжанинг тирноғи беш дос

Ки, ҳиддат ичра ҳар дос ўлгай олмос. (ФШ, VIII, 158)

Шоир ғазалларида ҳам бу ўзлашмага мурожаат қилинган:

Ғам мазраъида кўнглуму ул қош хаёли,

Деҳқонки мудом асрагай ўзи била досин. (НШ, IV, 340)

Яъни, *ул қош (ёр) уй-хаёли мени ҳеч тарк этмай, кўнглим ғам экинзорида, чунки деҳқон доим ўроғини ёнида асрайди, олиб юради.* Бу ўринда ёрнинг қайрилма қоши ўроқнинг эгрилигига ҳам ўхшатишмоқда.

Алишер Навоий дostonларида, жумладан, бошқа асарларида ҳам **ўроқ** лексемасига дуч келмадик, аммо “Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар” жумлалари билан бошланадиган деҳқонлар зикридаги ғаслида бу сўздан ясалган касб эгасини англатувчи **ўроқчи** лексемаси учрайди: *“Ўроқчига андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи”*. (МҚ, XIV, 35) Яъни, деҳқон меҳнати туфайли ўроқчининг ҳам куни ўтади, бошоқчи ҳам насибасиз қолмайди. **Ўроқчи** сўзини қўллаган шоир сўз бойлигида **ўроқ** лексемаси ҳам бўлганлигига шубҳа йўқ.

Қадимдан туркий тил эгалари лексиконида мавжуд бўлган, “Девону луғатит турк” асарида ҳам қайд этилган *кетмон* (*кетман*) лексемаси Навоий асарларида учрамади. Албатта, бу иш қуролидан у пайтларда ҳам фойдаланилган. “Бобурнома” кетмоннинг форсийча эквиваленти – *каланд* қўлланган⁴⁵.

В) Дурадгорлик, уй қурилишига оид иш қуроллари лексикаси

Арра ва теша, айниқса, бу соҳаларга оид иш қуроллари қаторида ажралиб туради. “Сабъаи сайёр”дан олинган қуйидаги парчада тилимизда ҳозирда ҳам шаклу маъноси ўзгармай келаётган *арра* ва *теша* лексемалари қўлланган:

Деди сўргон дам ул гадопеша:

“Ҳожатимдур бир арра, бир теша”. (СС, X, 258)

Адабиётшунос Д.Юсупова яхши таҳлил қилганидек: “Ҳайрат ул-аброр” достонининг биринчи боби Қуръони Каримдаги бош илоҳий жумла “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” (“Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман”)нинг поэтик шарҳига бағишланган. Ушбу жумладаги ҳар бир ҳарфга алоҳида маъно юклатилади. Дастлаб рад этувчиларга тўхталинар экан, жумладаги ҳар бир ҳарфнинг бу тоифа кишиларини жазолантиришга хизмат қилдирилганини кўрамиз. Хусусан, “син” ҳарфи ҳақида гапирилганда, унинг шакли наҳанг балиғининг умуртқа суягидаги аррадек бўлиб, рад этувчилар учун офатдек, деган ташбеҳлардан фойдаланилади”⁴⁶:

“Син”и наҳанг арқосининг арраси,

Юз кеманинг офати ҳар парраси. (ҲА, VII, 6)

Туркий тиллардан кўмиқ тилида *бичгы* “арра” эканлиги қайд этилган⁴⁷.

Теша “Хамса” достонларида энг кўп қўлланган иш қуроли номи бўлиб, “Фарҳод ва Ширин” достонида бунга гувоҳ бўламиз. Асарнинг XXXII фасли насрий сарлавҳасида теша лексемаси бир неча бор учрайди:

⁴⁵ Холмонова З. “Бобурнома” – тил қомуси. – Тошкент: Академнашр, 2021. –Б. 198.

⁴⁶ Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент: Академнашр, 2013. –Б. 90.

⁴⁷ Абдуллаева Э. Бытовая лексика кумыкского языка. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Махачкала, 2013. –С. 14.

*Фарҳоднинг мадҳуш димоғига ҳуш боғидин насим етмак ва насимдек тебраниб тоғ сори азимат этмак ва **теша** била тоғ бағрин ёрмоқ, балки тоғ пораларни ҳавога учурмоқ била қиёмат қўпармоқ ва Шопур ани пайдо қилиб Ширинни анинг зами ишқи шайдо қилмоқ ва Шириннинг кўнгли хорасини анинг **тешаси** фикри харош қилгонин Миҳинбону маълум қилиб, **теша**дек тафаккур бошин қуйи солмоқ ва гоҳи дилжўйлуқ била ул бедилга кўнгул бермак, балки кўнглин олмоқ”. (ФШ, VIII, 269)*

Албатта, бажарадиган вазифасига кўра бу меҳнат қуроли ёғочларни чопишда ишлатиладиган асбобдан фарқ қилади. Алишер Навоий даврида ҳам тош йўнишга мўлжалланган кесувчи қуроллар – тешалар бўлган. Аммо дostonда тасвирланган Фарҳод ва унинг тешасининг ақл бовар қилмас куч-қудрати асарнинг фантастик хусусияти билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳар қандай улкан тоғ Фарҳоднинг ўткир тешаси олдида гўёки **пичоқ** билан сариёғ кесгандай:

*Итик **тешалари**га ҳар қаро тоғ.*

Пичоқ олдинда андоққим, сариг ёғ. (ФШ, VIII, 90)

Тадқиқот объекти қилиб олинган манбаларда **бел**, **пору** “курак, белкурак” маъносида кузатилади:

*Таширга тошу **хишту бел ароба**,*

Тутуб Чин ичра ободу хароба. (ФШ, VIII, 87)

Яна мисол:

*Ки, болчиг руштасин нўғи итик **бел**,*

*Ва ё **пору** била қор ортур эл. (ФШ, VIII, 272)*

“Фарҳод ва Ширин”дан келтирилган бу парча мазмуни насрий ифодаси шундай: “Фарҳоднинг тоғ қазиси ва парча-парча қилиб итқитиши ўткир **бел** билан балчиқ тўдасини итқитгандай ёки халқ **пору**, яъни курак билан қор курагандай эди”.

Кейинги икки байтда меҳнат қуролининг туркийча номи – *бел*, яъни *белкурак* ва унинг форсий тилдаги маънодоши *пору* бирдай қўлланганига гувоҳ бўлдик. Қадимги туркий тилда *kürgak* мавжуд бўлиб, бу лексема

ҳозирда ҳам кўпчилик туркий тилларда турли фонетик вариантларда қўлланаётган бўлса-да, негадир *курак*, *белкурак* ёки буларга асос бўлувчи *кура(моқ)* феъли Алишер Навоий асарларида учрамади.

Юқорида келтирилган мисолда яна *хишт* ва *ароба* каби маиший лексика номларини кўришимиз мумкин. Бу форсий ўзлашмалар ҳозирги тилимизга *гишт* ва *арава* шаклида ўзлашган. *Гишт* ва унинг туркий синоними *кирпич* ўзаро алмашиб қўлланган:

Лаб-балаб ул май била хуми сипехр,

Оғзидаги кирпич анга хишти меҳр. (ҲА, VII, 62)

Достонлар тилида *паншаха* маъносидаги форсий ўзлашма *каҳзан* ҳам учрайди:

Тоғжирғаки даст топти раҳзан,

*Ногаҳдур анинг ёнида каҳзан*⁴⁸.

Мазмуни: Қароқчи савдогарни тўсганда, қўлидаги паншахасини ҳам найза ўрнида ишлатиб, уриб ола беради.

Г) Кесувчи, чархловчи, қисувчи асбоблар лексикаси

Эговнинг форс-тожик тилидаги маънодоши **суҳон** форсий ўзлашмаси “Лайли ва Мажнун”да учрайди:

Ханжаре асрар эди пинҳоний,

Ёшурун ҳам бор эди суҳони(й). (ЛМ, X, 199)

Луғатларда *суҳоний* – *арра* деб кўрсатилган ўринлар ҳам мавжуд.

Навоий асарлари тилида ҳозирги эговнинг **эгак** шакли ишлатилган:

“Хамса” достонларида **эгов** учрамайди, бу сўз Алишер Навоий ғазалларида **эгак** шаклида қўлланган:

Қайд қилмангки жунун силсиласи қайдидамен

Ким, кеса олмас ани қилсалар олмос эгак. (НН, II, 300)

Метин – тошлоқ ва қаттиқ ерларни қазिश, тош кесиш учун ишлатиладиган учли чўкич ёки теша (ЎТИЛ, II, 582). Араб тилида

⁴⁸ Абулхайр М. Навоий асарлари изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018. –Б. 159.

мустаҳкам, маҳкам маъноларига эга бу ўзлашма дostonлар тилида қайд этилган:

*Ўйлаки метин урар ўз ханжарин,
Кон анга исор этар ўз гавҳарин.* (ҲА, VII, 156)

Бошқа мисолларга ҳам мурожат қиламиз:

*Топиб метини бирла тешасини,
Аён айлаб равон ўз пешасини.* (ФШ, VIII, 271)

*Олиб метин сув очмоқ этти бунёд,
Етишти ул сори хури Паризод.* (ФШ, VIII, 290)

АНАТИЛда *метин* – керки, чўкич деб кўрсатилган. (АНАТИЛ, II, 298)

Анбур – мих суғуриш, нарсаларни қисиб ушлаш, кўтариш, эгиш, қирқиш, синдириш каби ишлар учун қўлланадиган икки жағли асбоб номи. (ЎТИЛ, III, 122) Бу форсий ўзлашма айна маънода “Фарҳод ва Ширин” тилида мавжуд:

*Су мавжин оғзида қилгил тасаввур
Ки, бир жавшанни тутқай ҳардам анбур.* (ФШ, VIII, 225)

ЎТИЛда **кўра** “тунука-темирдан тарнов шаклида ясалган, кабоб пишириладиган асбоб; темирчи ва заргарларнинг металл эритадиган ўчоғи” тарзида изоҳланган. (ЎТИЛ, II, 465) **Кўра** ва **дам** сўзлари форсча бўлиб, Навоий дostonларида темирчилик анжомларини англаган:

*Дам учин кўрага чун маҳкам этти,
Равон тўкти кўмур, доғи дам этти.* (ФШ, VIII, 253)

Шундай қилиб, “Хамса” дostonлари лексикаси тадқиқи XV аср эски ўзбек адабий тили луғат таркиби, фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини ўрганишда, туркий тил тараққиёти, туркий лексемалар семантикаси, ўзбек тили тарихий лексикологияси, тарихий диалектология масалаларини, Навоий асарлари луғат бойлиги, уларнинг қўлланишини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. “Хамса” дostonларида XV аср эски ўзбек адабий тилидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий соҳа, айниқса, маиший ҳаётга оид лексик birlikлар жамланган. Халқнинг яшаш тарзи,

маданияти, турмуш даражасини акс эттирувчи маиший ҳаётга тааллуқли туркий сўзларнинг, хусусан, меҳнат қуроллари номларининг кўпи туркий тилларда бўлиб, шунингдек, арабча, форсча-тожикча сўзлар ҳам фаол қўлланган.

“Хамса”даги меҳнат қуролларини атаган туркий сўзларнинг асосий қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида, ўзбек шеваларида ишлатилади. Уларнинг бир қисми айнан қўлланади: *игна, арра, теша, бел, пичоқ* каби, баъзилари эса бир оз фонетик ўзгаликка эга: *супургу (супурги), амбур (омбир)* каби.

“Хамса” достонларида эски ўзбек адабий тилига хос бўлган меҳнат қурол ва ашёларининг синонимлар парадигмаси акс этган: *бел – пору; супургу – жоруб; кирпич – хишт* каби.

Достонларда айрим иш қуроллари номи иштирокида бугунги кунда ҳам қўлланиб келаётган фразеологик birlikлар ҳосил қилинган: *Пичоқ оллинда андоққим, сариг ёғ, Ки, игна солса ерга тушмагай ул.*

1.5. Алоҳида ажратилмаган (туркумланмаган) маиший лексемалар

Инсон кундалик турмуши, уй-рўғор ишлари, хўжалик юритиши, ақлий фаолияти, руҳоний тутумлари билан боғлиқ яна кўплаб нарса-буюм, қурилма, ҳодиса ва ҳаракатларнинг номларини қамраб олган хилма-хил маиший лексик birlikлар бўлиб, уларни шу фаслда ўрганишни лозим топдик. Бу маиший лексиканинг ғоят турфалигига кўра муайян қисмини маълум лексик-семантик гуруҳ таркибида белгилаш имконияти чекланганлиги билан изоҳланади. Масалан, *кўзгу, айнак, соат, тароғ, собун, ип, шамъ, асо, мисвок, қалам, дафтар, китоб, кафан, ҳаммом, тегирмон* кабилар инсон турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб, бу номинациялар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш, албатта, муҳим ҳисобланади.

“Ҳайрат ул-аброр”дан олинган ушбу мисолда бир йўла шундай учта маиший лексика номи тилга олинган:

*Кўзга чу ўчти басардин чароғ,
Шишаи айнакдур анга эски доғ.*

Икки букулган қадду мадди асо,

Чархи нигун бирла хати истиво. (ҲА, VII, 307)

Бу ўринда чароғ – чироқ, шишаи айнак – кўзойнак, асо – ҳасса эканлиги кўриниб турибди.

Инсоният ўз тарихида тараққиётига мос равишда қуёш соати, олов соати шам соати, сув соати, қум соат, механик соат, электрон соатлардан фойдаланиб келмоқда. XIV аср бошидаёқ Европада механик соатлар турмушга кириб келган. Навоий даврида механик соат ишлатилганлиги ҳақида аниқ маълумотимиз йўқ, аммо қум соатлари бўлгани аниқ:

Тогни қум айламаклик саъй ила бўлғай, валеқ

Шишаи соат қумининг риштаси бўлмас тугун. (ФК, VI, 533)

Маълумки, *соат* – арабий ўзлашма. Араб тили кўп асрлар давомида мусулмон оламида илм тили бўлгани, дунёдаги машҳур алломаларимиз бу тилдан истифода этганлиги, умуман, араб тилининг ўрта асрлардаги юқори мавқеи туфайли дин, илм-фан соҳасидаги тушунчаларни ифодаловчи жуда кўп атамалар тилимиздан ўрин олган. Шоир асарларида *соат* лексемаси кўп бор қўлланган:

Йигирми тўрт соат кеча-кундуз,

Йигирми тўрт дам урсам нафас туз. (ФШ, VIII, 523)

Айтиш жоизки, соат сингари **айнак** (кўзойнак)дан фойдаланиш ҳам бу замонда оддий ҳол эди. Буни алломанинг “басорат айнакин кўзиға қўюб” (Назм ул-жавоҳир, XV, 150) каби сўзлари ҳам яна бир бор тасдиқлайди.

Кўзгу – **ой(и)на** – **мирьот** каби бир сўзнинг туркий, форсий ва арабий вариантлари Навоий ижоди учун хос:

Жилваи хуснунгга чу йўқ эрди ҳад,

Кўзгу керак бўлди анга беадад.

Очти бу гулшанники рангин эрур,

Ҳар гул анга ойнаи чин эрур.

Жилваи хусн ўлгали зоҳир анга,

Бўлди бу мирьот мазоҳир анга. (ҲА, VII, 15)

Лаган / лакан – шамдон; мис лаган, мис тоғора. (НАЛ, 331)

Балки олтун лаган била қандил,

Борча топти темур била табдил. (СС, X, 206)

Шуни ҳам қайд этиш керакки, *лагун* ДЛТда “ичи чуқур қилиб ёғочдан қилинган идиш. Унда сут, қатиқ ва шунга ўхшаш нарсалар ичилади. Ёғоч товоқ” деб изоҳланган. (ДЛТ, I, 389) Алишер Навоий асарларида *лаган* лексемаси “шамдон, шам ўтқазиб қўйиладиган ясси идиш” маъносида қўлланган:

Ҳалқа дема, балки мудаввар лаган,

Шамъи анинг машъалаи анжуман. (ҲА, VII, 86)

Албатта, *шамдон* сўзининг ўзидан ҳам фойдаланилган:

Чарх томига нардобон ясамоқ,

Меҳр шамъига шамъдон ясамоқ. (СС, X, 57)

Мутафаккир дostonларида учрайдиган **мижмар(а)/мажмар(а)** араб тилидан ўтган бўлиб, мушк-анбар каби турли хушбўй нарсаларни солиб тутатиладиган идиш шундай аталган. Бу сўз манқалнинг маънодоши сифатида ҳам ишлатилади. (НАЛ, 349) Алишер Навоий бир ўринда куёшни ер мижмари остидаги ўтга, кўкни бу асбоб устига ёпилган этакка ўхшатади:

Ўт киби ер мижмари остида меҳр,

Ёпиб этак мижмара узра сипеҳр. (ҲА, VII, 41)

Шарқда *мажмар (мижмар)* деб аталган бу махсус манқалга қора рангли дарахт чўплари – удни ташлаб, ёқимли хид таратиш одати қадимдан мавжуд бўлган.

Алишер Навоий яшаган даврда энг зарур бўлган ва кўп фойдаланилган уй-рўзгор буюмларидан *қоп, халта, саноч* номлари дostonлар тилида учрамади, лекин “Садди Искандарий” ва “Насойим ул-муҳаббат” асарларида *тўрва* номига, тўғрироғи, бу сўзнинг товуш ўзгариши ва метатезага учрамаган асл варианты **тўрба** лексемасига дуч келдик:

Ўтунни уйидин чиқоргон замон,

Солиб тўбра ичра доғи сомон. (СИ, XI, 133)

Ул тўбрани силкиди, ярим дирам қолиб эрди. (НМ, XVII, 167)

Достонлар тилида тўрванинг форсий эквиваленти бўлган *анвон* лексемаси ҳам қўлланган:

Тутмоқ мутааззир эрди гўша,

Анбончада ҳарне эрди тўша. (ЛМ, IX, 182)

М.Абулхайрнинг “Навоий асарларининг изоҳли луғати”да анбон – 1. Анбон – ф. тўрва, халта. 2. Тасаввуфда Солик ва дарвешлар йўл юрганларида ўзлари билан бирга олиб юрган тўрва-халталари “анбон” деб изоҳланган ва мисол келтирилган: *Бир анбонда тўла ўтмакдур (Насойим ул-муҳаббат)*⁴⁹.

Ўзбек тилининг узоқ тараққиёт босқичларидан бери қўлланиб келаётган **тегирмон** лексемаси манба тилида кўпгина ўринларда учрайди:

Ариг нови чу бўлди сув мақоми,

Тегирмон новидек бўлди хироми. (ФШ, VIII, 291)

Тегирмон – “ғаллани ун қилиб, шолини оқлаб гуруч қилиб берадиган курилма”. Бу от қадимги туркий тилда “айлан-” маъносини англатган **тегир**–**феъ**лидан (Девон, I, 452: **тегирмә нең**) -**мән** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 177; Девон, I, 350); ўзбек тилида учинчи бўғиндаги **ә** унлиси **â** унлисига алмашган: **тегир**– + **мән** = **тегирмән** > **тегирмân**. (ЎТЭЛ, I, 328) Дарҳақиқат, Э.Севортяннинг кўрсатишича, тегирмон туркий тилларнинг аксариятида айни маънода, аммо турли фонетик вариантларда қўлланади. (ЭСТЯ, III, 177)

“Фарҳод ва Ширин”да қўлланишда бўлган лексемалардан бири *қин* бўлиб, пичоқ, қилич каби кескир нарсаларнинг қини, ғилофи маъносини англатган:

Бурун қиндин чекиб тиги сиёсат.

Аларга айлади биги сиёсат. (ФШ, VIII, 392)

⁴⁹ Абулхайр М. Навоий асарлари изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018. –Б. 31.

Ҳозирги ўзбек тилида *қин* лексемаси аёллар жинсий аъзосини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. (ЎТИЛ, V, 297)

Достонлар тилида маиший лексика ҳам ўз маънодошлари билан унумли ишлатилган. Бунга *бешик* – *маҳд*, *занжир* – *силсила*, *ип* – *ришта* – *расан*, *қовурчоқ* – *арусак*, *кўзгу* – *ойна* – *миръот* синонимик қаторини кўрсатишимиз мумкин. Масалан:

Бешик даврида чинию хитойи,

Бўлуб юз нўшлаб дастонсаройи. (ФШ, VIII, 70)

“Лайли ва Мажнун”да *бешик*нинг арабий маънодоши *маҳд* ишлатилган:

Ётқуздилар они маҳд ичинда,

Гул ёфроғи тушти шаҳд ичинда. (ЛМ, IX, 61)

Маълумки, *бешик* “чақалоқни белаб ухлатиш учун ясалган, тебратишга мосланган рўзғор буюми”. Бу сўз туркий тилларнинг кўпида, жумладан, ўзбек тилида қадимдан мавжуд. Мазкур от “йўргак” маъносини англаган **бе:** отига **-ши** кўшимчасини кўшиш билан ҳосил бўлган феълга **-к** кўшимчасини кўшиб ясалган (ЭСТЯ, II, 123), кейинроқ е унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган (ДЛТ, I, 386) (**бе:+ши = бе:ши-**) + **к = бе:шик** > *бешик*. (ЎТЭЛ, I, 47)

“Сабъаи сайёр” асарида буюмни англаган форсча *парда* икки маънода кўлланган: 1) бино, хона, турар жойда бошқалардан пана қилиш, тўсиш учун тутиладиган парда; 2) аёллар юзини тўсадиган парда:

Парда ичра қилиб навозиш чанг

Унун ул чанг ила қилиб оҳанг. (СС, X, 367)

Пардада қай бири бўлуб мастур,

Парда юзинда ёна бирга зухур. (СС, X, 45)

Алишер Навоийнинг тарихий асарларида ҳам маиший лексикага хос *парда*, *чодир*, *фарш* сингари атамаларнинг ўн еттитаси мавжудлиги илмий ишларда қайд этилган⁵⁰.

⁵⁰ Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. –Б. 14.

“Ҳайрат ул-аброр” достони луғат таркибида **қовурчоқ** асосида ясалган **қовурчоқчи** лексемаси учрайди:

*Балки қовурчоқчи каби ҳийлагар,
Кўргузубон чодиридин минг сувар.* (ҲА, VII, 262)

Аммо Алишер Навоийнинг бошқа асарларида **қовурчоқ** ҳосиласининг ўзи ҳам қўлланган:

*Дема бозики, луббатбоз эрур гардун фарсангга,
Бу луббатларки, эл кўнглин олур анинг қовурчоғи.* (ФК, VI, 414)

Юқоридаги байтда арабий *луббат* **қовурчоғ** сўзининг синоними сифатида қўлланган. (НАЛ, 342) **Арусак** эса “келинчак” маъносидаги *арус* сўзига форсий кичрайтириш *-ак* аффиксини кўшиш билан ясалган яна бир синоним сўздир:

*Қиш меҳрини чун итикрок эттинг,
Қорнинг садафин арусак эттинг.* (ЛМ, IX, 4)

Алишер Навоий ижодида туркий **ип** атамаси кўп бор учрайди:

*Роз лабин тиккон ипин сўкмаса,
Ҳарнеки кўнглида эрур тўкмаса.* (ҲА, VII, 190)

Ип пахта, хом ипак, зиғир, жун ва ш.к. толасидан ингичка қилиб йиғирилган ёки йиғирилмаган тикув, тўқув материали лексик маъносига эга. Ўз қатламга тегишли сўз қадимдан тилимизда мавжуд. Бу от дастлаб **йип** шаклида бўлиб, сўз бошидаги **й** ундоши талаффуз қилинмай қўйиши натижасида ҳозирги шаклини олган. Фонетик ўзгаришнинг бу прокопа тури *йироқ – ироқ, йилон – илон* мисолида ҳам мавжуд. Бу туркий сўзнинг форсча муқобили **ришта** ҳам фаол қўлланган:

*Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил йилон.* (ҲА, VII, 130)

Адолатли шоҳ тимсоли бўлган Искандарнинг бозорларда тўғрилиқ ўрнатиши тасвирланган мана бу сатрларда **муҳр, қари, газ** каби маиший лексикага хос мисолларни кўриш мумкин:

Туз айлаб тарозу ики бошини,

Темурдин ясаб, муҳр этиб тошини.

Қари ҳам темурдин анга бўлди хос

Ки, эл бўлди кам газ олурдин халос. (СИ, XI, 124)

Қари арабча ўзлашма бўлиб, бу сўз бир метр чамасидаги узунлик ўлчови бирлиги, шунингдек, ўлчов асбоби маъноларида қўлланган. Унга синоним сифатида ишлатилган форсий ўзлашма – *газ* лексемаси ҳақида ҳам шу фикрни айтишимиз мумкин.

Қуйидаги мисолда *занжир* маъносидаги арабча ўзлашма **силсила**, арқон маъносидаги форсий ўзлашма **расан** каби маиший лексемалар қайд этилган:

Эй силсилаи жунун алингда,

Дад қуйруғидин расан белингда. (ЛМ, IX, 203)

“Лайли ва Мажнун”да *занжир* ва *силсила* ўзаро маънодош сифатида параллел қўлланаверган:

Бу силсила ҳалқасида дилғир,

Бу навъ чекар садойи занжир. (ЛМ, IX, 57)

Занжир – форсий, *силсила* – арабий ўзлашма. Ўзбек тилида уларнинг маъносига тенг келадиган ўз сўзимиз мавжуд эмас. *Занжир* оти таркибидаги -р қўшимча бўлиб, у билан “йирик” маъносини ифодалаган. *Занжи* – металл ҳалқалар бўлса, *занжи+р* = *занжир* – йирик металл ҳалқалар маъносини англатган дейиш мумкин. (ЎТЭЛ, III, 102) *Силсила* эса асли *силсилат(ун)* шаклида бўлиб, ўзбек тилига *силсила* шаклида ўзлашган. *Силсилат* асли *занжирлади* маъносини билдирган *салсала* феълининг 1 боб масдари бўлиб, араб тилида “занжир”, “қатор” маъноларини англатади. (ЎТЭЛ, II, 385-386) Бу сўз айни маъноларда Алишер Навоий ижодида ишлатилган бўлса, ҳозирги ўзбек тилида “воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро зич боғланиши”, “шажара” маъноларини англатиш учун қўлланади.

Юқорида кўрсатилган маиший лексикага хос лексемалардан ташқари ёзув-чизув асбоблари: *китоб, дафтар, битик, хат, нома, варақ, қалам, хома, мижара (сиёҳдон), довод, мистар, жилд*; пардоз-андоз лексемалари: *гоза,*

гулгуна, вусма, сурма; диний урф-одат, амалларга хос лексемалар: *тасбиҳ, субҳа* (тасбеҳ), *мусалло* (жойнамоз), *кафан, тобут, наъи* (тобут), *қабр, лаҳад*, уй ҳайвонларига алоқадор нарса-буюмлар: *катак, эйар/эгар, тўқа, тақ(қ)а, ялог* (итялоғ), *жарас* (қўнғироқча), *диرو* (қўнғироқ) *тавила* (отхона), *маҳмил* (кажава), *амори* (кажава), ақлий ўйин буюмлар: *бисот* (шоҳмот тахтаси ва доналари), *арса* (шоҳмот тахтаси), *байдақ* (шоҳмот пиёдаси), *нард*; *огирлик ва узунлик ўлчовчи* каппон / каппон (оғир юк тарозиси), кайл / кайла (ғалла ўлчайдиган идиш), *тош* (тарози тоши), *газ* кабилар ҳам ўрганилаётган манбалари луғат таркибида мавжуд. Шунингдек, *тароз, шона* (тароқ), *шонадон* (тароқ ғилофи), *шикол* (тушов), *тузоқ, дом, чангак, гилоф, чақмоқ, чақмоқ тоши, тегирмон тоши, фирфирак* (пирпирак), *ҳамён, гугирд* (гугурт), *карбид, мум, қир / қийр* (қорамум), *соябон, бозича* (ўйинчоқ), *ялов* (байроқ), *тузро* (герб), *шамъ, фонус, собун, шиша, мисвок, ҳаммом, мабраз* (ҳожатхона), *калид, қуфл* (кулф), *дурж* (кутича), *зулфин* сингари маиший соҳага хос хилма-хил сўзлар ўз ифодасини топган.

Достонлар тилида *гавҳар, лаъл, инжу, дур, олтин* (тилло), *кумуш, мис, биринж, қалъи* (қалай), *темур, қўрғошин, кўмир* каби қимматбаҳо тош, металл ва турли маъданларни атовчи кўплаб лексемалар борки, улар маълум маънода маиший лексикага алоқадор бўлса-да, биз уларни таҳлилга тортмадик.

Боб бўйича хулосалар:

1. Достонлар тилидаги уй-рўзғор лексикасини лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, у кўп компонентлиги, фонетик ва маъновий вариантлилиги билан тавсифланади. Ошхона буюм-жиҳозлари ва турар жой номлари мансуб лексик-семантик гуруҳлар маиший лексиканинг энг қадимийлари саналади;

2. “Уй”, “яшаш жойи”, “турар жой” тушунчаларини ифодалаш учун бир неча лексемалар қўлланган. Булар: *эв, уй, оқ уй, олачуқ, кулба, хиргоҳ, боргоҳ, чодир, шомиёна, хона, чотма, харпушта, саронарда, висоқ* ва б.;

3. Меҳнат қуролларини атаган туркий сўзларнинг асосий қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида, ўзбек шеваларида ишлатилади. Уларнинг бир қисми айнан ишлатилса (*игна, арра, теша, бел, тичоқ*), баъзилари бир оз фонетик ўзгаликка эга (*супургу, амбур*);

4. “Хамса” дostonларида эски ўзбек адабий тилига хос бўлган меҳнат қуролларининг синонимлар парадигмаси акс этган: бел – пору; супургу – жоруб; тузоқ – дом – каманд – рибқа.

II БОБ. КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ЛЕКСИКАСИ

2.1. Кийим-кечаклар ва уларнинг турлари

Алишер Навоий асарлари луғат таркибидаги кийим-кечак лексикаси (ККЛ)ни аниқлаш тилимиз тарихи, ўзгаришлари, лексик бойлиги, XV асрда ўзбек халқининг турмуш-тарзи, маданияти, урф-одат ва анъаналари ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Алишер Навоий асарларида учрайдиган ўз қатлам кийим-кечак номлари тарихи кўҳна ёзма манбаларга бориб тақалади. Масалан, *тўн*, *бўрк*, *кўйлак*, *бурунчак*, *ўтук* (*этук*) сингари ККЛ қадимги ва эски туркий тил ёдгорликларида учрайди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида биров фонетик ва маъно ўзгариши билан қўлланиб келмоқда.

Алишер Навоий асарларида қўлланган турли соҳаларга оид лексик бирликлар қаторида маиший соҳага оид сўзларни, хусусан, ККЛни тадқиқ этиш жамият ва тил тарихи ҳамда ўзбек тилининг луғат бойлигидан бохабар бўлишда муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали ўзбек адабий тилининг маълум ривожланиш босқичида лексемалар ва уларнинг маъно тараққиётини аниқлаш, тарихий-маиший терминология ва лексикологияда кечган сўз ўзлаштириш, умуман, лексик-семантик жараёнларни кузатиш мумкин бўлади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги кийим-кечакка оид сўзлар узоқ тарихга эга. Улар жамият тараққиёти ва турмушдаги ўзгаришларга мос равишда тилнинг ўз ички имкониятлари ва четдан сўз ўзлаштириш орқали бойиб борган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлса, муайян қисми ўзбек шеваларида учрайди. Табиийки, давр ўтиши билан кийим-кечакни ифодалаган бир қатор лексемалар архаиклашган. Умумтуркий бўлган кўпгина кийим номлари бугунги кунда ҳам туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида қўлланиб келмоқда.

Маълумки, Алишер Навоий асарларида қўлланган ККЛ ўз қатлам ва ўзлашган қатламдан иборат. Илмий тадқиқотларда шоир ижодида эркак ва аёллар киядиган 60 дан ортиқ либос турлари тилга олингани қайд этилади⁵¹.

Алишер Навоий дostonлари тилида истeъmolда бўлган туб ва ясалган туркий сўзларнинг тарихи кўхна ёзма манбаларга бoриб тақалади. Масалан, *тўн, қафтан (қаптон), бўрк, кўйлак (кўнглак), бурунчак, ўтук (этук), турқу, қур, киши* сингари ККЛ қадимги туркий ва эски туркий тил ёдгорликларида учрайди⁵². Бу кийим-кечак номлари Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қайд этилган⁵³.

Алишер Навоий асарларида юқорида келтирилган ККЛ билан бирга *чопон, қалпоқ, тўппи, чакман, олтойи, терлик, белбоғ, қур, қурчуқ (саллача), ширдоғ, декла/дакла/деклай), ёғлиғ, ҳамён* сингари эски ўзбек тили атамалари ҳам қўлланган.

Алишер Навоий асарларида ўзлашган кийим-кечак лексемалари нисбатан салмоқли миқдорни ташкил қилади. Зеро, ҳеч қандай халқ ўз тараққиёти йўлида бошқа халқлар билан маданий, иқтисодий, бошқа томондан алоқа қилмасдан, айри ҳолда хўжалик юритиши мумкин бўлмаганидек, бирор-бир халқнинг тили, хусусан, луғат бойлиги ажралган ҳолда ривож топиши мумкин эмас⁵⁴. Худди шундай ўзбек тили ҳам ўз тарихий тараққиёти давомида бир қанча тиллар билан муносабатга киришган, улардан сўз олган, сўз берган. Шу тариқа, лексик қатламда турли тиллардан ўзлашган сўзлар пайдо бўлган. ККЛ ҳам фақат ўз қатламга тегишли бўлмай, уларнинг орасида турли тилларга оид ўзлашмалар кўп. Алишер Навоий асарлари тили ҳам бундан мустасно эмас, албатта, уларда туркий номлар билан биргаликда бошқа тиллардан, хусусан, араб, форс-

⁵¹ Ўтанова С. Навоий ижодидаги либос номлари умумтуркий халқларнинг этнографик-маданий бойлиги / Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий, 2017 йил 11 февраль. –Б. 99.

⁵² Тенешев Э., Благова Г. и др. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Лексика. – Москва: Наука, 2001. –Б. 479.

⁵³ Маҳмуд ибн Хусайн Кошғарий. Туркий сўзлар девони. Девону луғотит турк. 3 жилдик. 1-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. –Б. 212; 217; 230; 281; 285; 328.

⁵⁴ Абдуллаев Ф.Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир маъсаларига доир. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари тўплами. 1-китоб. –Тошкент: 1949. –Б.29.

тожик тилидан ўзлашган ККЛ салмоқли қисмни ташкил қилади. Ўзлашма ККЛни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Араб тилидан ўзлашган кийим-кечак номлари.
2. Форс тилидан ўзлашган кийим-кечак номлари.

Ўзбек тилидаги кийим-кечаклар борасида махсус тадқиқот иши олиб борган М.Асомиддинова араб тилидан ўзлашган кийим-кечак номларини ўзбек тилида тутган мавқеига кўра икки қисмга ажратади:

а) эски ўзбек тилига хос, ҳозирда фақат сахна кийимига айланган, тарихий воқеликни ёритган бадий, тарихий, ёзма адабиётларда учрайдиган номлар: *або, қабо, қинаъ, далқ, жубба, хилъат, декла/дакла/деклай/даклай, ридо, хирқа, алоқа, амома, бурқа ва бошқалар*;

б) эски ўзбек тилида учровчи ва ҳозирги ўзбек тилида кенг қўлланилувчи номлар: *жубба, астар, мамуз/мамуқ, либос, лозим/лозима, бахмал/махмал, садаф, ҳошия* кабилар⁵⁵. Муаллифнинг фикрига асосан қўшилган ҳолда, бу ўриндаги баъзи чалкашликларни ҳам қайд этишимиз лозим. *Жубба* ҳар икки қисмда кўрсатилган. Бу кийим номи биринчи қисмга хос. *Хилъат* қайд этилганидек, биринчи қисмга эмас, ҳозирги ўзбек тилида *халат* шаклида кенг қўлланиши боис иккинчи қисмга мансуб. Биринчи қисмда қайд этилган *декла/дакла/деклай/даклай*, иккинчи қисмга киритилган *мамуз/мамуқ* эса араб тилидан ўзлашган кийим номлари эмас. Булар туркий-ўзбекча эканлиги кўришиб турибди.

Ислом динининг XV асрда ўзбек халқи ҳаётида ажралмас ижтимоий-маънавий қадриятга айлангани боис Алишер Навоий асарлари тилида арабча истилоҳлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу кийим-кечак лексикасида ҳам ўз аксини топган. Арабчадан ўзлашган кийим-кечак номлари қаторида *ридо, хилъат, ҳулла, қабо, ҳирқа, тоқия, амома, жубба, тайласон, бурқаъ, кулоҳ* сингари сўзларни кўрсатиш мумкин⁵⁶.

Бугунги кунда тилимизда фаол қўлланадиган ва барча учун тушунарли

⁵⁵ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. –Б.14.

⁵⁶ Тоғаев Т. Навоий асарларида кийим-кечак номлари. “Филологик тадқиқотлар – VIII” илмий анжуман материаллари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, 2018. –Б.16.

либос лексемаси арабчадан ўзлашган бўлиб, умуман кийим маъносини билдиради:

*Санамлар жилвагар меҳри сомоваш,
Аёздин-бош либоси каҳрабоваш. (ФШ, VIII, 99)*

“Лайли ва Мажнун” асарида либос, кийим-бош сўзларининг маънодоши сифатида **кисват** сўзи ҳам ишлатилган:

*Бир қўй терисин чиқорди филҳол,
Мажнунга дедики: “Эгинга сол.
Қўйдек бу терини хилъат айла,
Бошдин аёгинга кисват айла. (ЛМ, IX, 237)*

Ўзбек тили сўз бойлигида форс-тожикча ўзлашмалар салмоқли ўрин тутади. Форсий сўзларнинг ўзбек тилига ўзлашиши ўзбек ва тожик халқларининг “*турку тожик*” бўлиб қадимдан бир ёки ўзаро қўшни ҳудудда, муштарак ижтимоий тузум, иқтисодий ва маданий-маънавий муҳитда яшаб келганлиги билан боғлиқ. Хусусан, Хуросонда Алишер Навоий яшаган даврда туркий ва форсий билингвизмининг кенг тарқалгани бу борада кучли омил саналади. Форсий ўзлашмалар сирасига *пўстин, тунбон, дастор, кафш, фута, наврўзи, жанда, руймол, шол, палос, лунг, кулоҳ, синжоб* каби лексемалар киради.

Хуллас, баданни беркитиш ва ёпиш, шунингдек, ясаниш, оройиш, ижтимоий мақомини кўрсатиш учун кийиладиган, асосан, турли мато ва теридан тикиб тайёрланган нарсаларнинг умумий номи кийим-кечак дейилади. Алишер Навоий дostonларидаги кийим-кечак ва унга алоқадор буюмлар ўзининг қўлланиш вазифасига кўра қуйидаги лексик-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганилди:

- 2.1. Устки ва ички кийим номлари.
- 2.2. Бош ва оёқ кийим номлари.
- 2.3. Кийим қисмлари ва либосларга ёрдамчи буюм номлари.

2.2. Устки ва ички кийим номлари

Кийим турларининг турли шакл ва вазифада бўлиши ҳар бир халқ яшаган манзилнинг маданий тараққиёти, шарт-шароити, иқлими, ўсимлик ва хайвонот дунёсига боғлиқ бўлган. Алишер Навоий яшаган даврда туркий-ўзбек халқлари орасида устки ва ички кийим турлари кенг тарқалган бўлиб, буни халқимиз яшаган ҳудудларда йилнинг тўрт фасли ҳам ўз ўрнида тўлиқ кечиши билан изоҳлаш мумкин.

АНАТИЛда ТЎН – 1 кийим; сиртки кийим; чопон; пўстин эканлиги қайд этилган. (АНАТИЛ, III, 268) “Ҳайрат ул-аброр” достонидан келтирилган ушбу парчада *ипак тўн* ҳақида маълумот оламиз:

Тўни ипак бўлмаса, кўнгли ҳазин,

Жинси хитой бўлмаса қошида чин. (ҲА, VII, 287)

Алишер Навоий асарларида *тўн* умуман кийим ва маълум бир кийим тури маъноларида қўлланган. Шунингдек, *тўн* материали, тикилиш усули ва кийиш ўрнига кўра ҳам фарқ қилган. “Садди Искандарий” достонидан олинган мана шу мисолда *тўн* ва *яланг тўн* каби кийимнинг икки хил тури қаламга олинган:

Яна уч тўқуз давлат аркониға,

Тўну жубба бирла анинг ёниға –

Ики юзга ҳам деклаю яна ўн бериб,

Яланг тўн аларга тўн бериб. (СИ, XI, 313)

Ўзбек тилидаги кийим номлар бўйича махсус илмий тадқиқот яратган М.Асомиддинова *тўн*нинг бир тури Алишер Навоий ва Бобур асарларида *яланг тўн*, *ялак* тарзида учрашини ва у *таш тўн* бўлгани учун *чопон* устидан кийиладиган авра-астар ёки аврадан иборат енгил кийим эканини қайд этади⁵⁷. Юқоридаги парчада *тўн* билан жуфтлик ҳосил қилган *жубба* арабчадан ўзлашма бўлиб, “ҳашаматли кенг, узун ва енгил тўн” (НАЛ, 234), туркий *декла* (*дакла*, *деклай* вариантлари ҳам учрайди) эса “енги қалта устки кийим” (НАЛ, 175) маъноларини англатади.

⁵⁷ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. –Б. 66.

Қуйидаги мисолда, бизнингча, *тўн* сўзи махсус кийим маъносида келган. Паҳлавон жангчилар кийган бу уруш либоси йўлбарс терисидан тикилан:

Палангина баргуствон отиға,

Кийиб бабр тўн халқ офотиға. (СИ, XI, 201)

М.Асамуддинова текширишича, қадимий ёзма манбалар тилида **тўн** сўзи умуман уст кийим, чопон, чакмон, пўстин маъноларини англатган. Чунончи, VI-VIII асрларга оид Култегин ёдномасида чопон маъносини ифодалаган қуйидаги жумла учрайди: *ичра ашсыз, таира топсыз жабыз жаблак будунта ўзә олуртым*⁵⁸. Олиманинг фикрича, *тўн* сўзининг этимологияси аниқ эмас.

“Девону луғотит турк”да *тон* лексемаси “кийим” умумлаштирувчи семасини: опрақ тон “сузилган, эскирган кийим” (ДЛТ, I, 140), шунингдек, “тўн” маъносини ҳам англатган. (ДЛТ, III, 151) Ҳар ҳолда, XI асрдан *тон* лексемасининг фарқловчи семаси шакллана бошлагани аёнлашади.

Тадқиқ этилаётган сўз ҳозирги туркий тилларда кийимга хос турли маъноларда қўлланиб келмоқда. Масалан, озарбайжон тилида *дон* “кафтан, кўйлак”, турк тилида *дон* “кийим”, туркман тилида *дон* “халат”, нўғай тилида *тон*, татар тилида *тун*, ёкут тилида *сон* “пўстин”, хакас тилида *тон* “пўстин”, қирғиз тилида *тон* “мўйнаси ичига тикилган пўстин”. Турк тили диалектларида *дон* “енгил мато, ёпинчиқ” маъноларига эга. Туркий тилларда *дон/тон* сўзининг маъноларидан бири “ички кийим, иштон”ни англатган бўлиб, бу ҳозирги гагауз ва турк тилларида сақланиб қолган⁵⁹.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *тўн* асосан қуйидаги маънони англатади: ТЎН 1 Олди очик, пахтали ёки пахтасиз узун устки миллий кийим; чопон. (ЎТИЛ, IV, 238)

Демак, қадимий туркий сўз – *тўн* ўзбек тилида ҳам умуман кийим ва кийим турлари (устки, ички кийим)ни ифодалаб, кенг маънода қўлланган.

⁵⁸ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. -Тошкент: Фан, 1981. –Б.19.

⁵⁹ Каранфил. Г. Гагаузская лексикология. Книга 1. Комарат, 2009. –Б. 33-34.

Замонлар оша моддий маданиятнинг юксалиши билан уст кийим турлари ҳам кўпайди, уларни ифодаловчи номлар ўзбек тили луғат таркибини бойитди. Натижада *тўн* сўзининг маъно кўлами анча торайиб, ҳозирда турли матолардан тикилган авра-астарли, эркаклар киядиган устки миллий кийим турини ифодаладиган бўлиб қолди.

Ҳозирги ўзбек тилида тўннинг энг мос эквиваленти сифатидаги *чопон* лексемаси Навоий ижодиётида ҳам шундай маънода, фақат *чапон* шаклида қўлланган. “Хамса” дostonларида бу лексемага дуч келмадик, аммо шоир ғазалиёти ва бошқа насрий асарларида бу кийим номи кўп учрайди.

Тўрқа – канопадан тикилган қимматбаҳо кийим. (АНАТИЛ, III, 270)

Атласи гардун била минг зебу фар,

Тўрқа тўни остида кўк остар.

Лек ўшал тўрқаси ҳар тор ила,

Фақрда юз муришид учун силсила. (ҲА, VII, 270)

Пўстин форсий ўзлашма бўлиб, жунини тўкмай ошланган теридан (қўй терисидан) чопон шаклида тикиладиган совуқда кийиладиган устки кийимдир. Унинг турлари қуйидагича номланади: *тулки пўстин* – астари тулки мўйнасидан тикилади; *барра пўстин* – барра қўй терисидан (ошлаб) тикилган пўстин; *сувсар пўстин* – астари сувсар мўйнасидан тикилади. Қуйидаги мисолда бу кийим кўзи терисидан эканлиги битилган:

Кўзи пўстин ичра пинҳон бўлуб,

Ҳамал буржидида меҳри рахшон бўлуб. (СИ, XI, 251)

XIV–XV асрларгача бўлган ёзма манбаларда пўстиннинг айрим хилларини ифодаловчи номлар учрайди. Улар пўстиннинг қандай тери, мўйнадан тайёрланишига кўра ёки маҳсулот номи билан юритилган.

Алишер Навоий асарларида ҳам **ос** ва **қоқим** “оқ пўстин” маъносида қўлланилган:

Агарчи ҳуллаларнинг ранги кофур,

Ва лекин осу қоқум бирла маҳрур. (ФШ, VIII, 113)

Мўйнали ҳайвонлардан *ос (сувсар), қоқум, синжоб, тулки (олтой тулкиси)* терисидан тайёрланган пўстинлар кийим номи сифатида уларнинг номи билан аталган:

Қизиқ кул тоби йўқ ончаки синжоб,

Йўқ олтойича ёнзон шуълага тоб. (ФШ, VIII, 112)

Пўстин туркий тилларнинг баъзиларида *тўн* номи билан юритилади, чунончи, гагауз тилида: тон – овчинный тулуп (Юдахин. 748); хакас тилида: тон, теер тон (тери тўн); ах тон (оқ пўстин) (Шибоева. 19); олтой тилида: тон (Катанов. 269); қорачой-болқор тилида: тон (Тюркские языки. II, 215, 264); нуруй тилида: тон – шуба, тери тон (баранья шуба); караим тилида: тончак – шуба⁶⁰.

Хуллас, энг қадим даврларда *тўн* сўзи устки кийим, шу жумладан, *пўстин* маъносида ҳам қўлланган.

М.Асомиддинованинг қайд этишича, қишки тўн ҳисобланган **чакмон** лексемаси, асосан, XV аср ва ундан сўнгги ўзбек ёзма адабиётда учрайди. Мазкур туркий сўз *чак/чек – чекмоқ* феълидан *-мон* аффикси қўшиб ясалган. Олима фикрича, кўчманчи туркий-тожик қабилаларда жундан чекиб босиш, жун ипдан чекиб мато тўқиш қадимдан касб бўлган. *Чакмон* – туя ёки куй жунидан хонаки усулда тўқилган кўпол мато, шунга кўра аслида тўқимани ифодалаган, кейинчалик метонимия йўли билан кийим маъносида ишлатилган⁶¹.

Текширилаётган атама Алишер Навоий асарлари тилида фақат бир ўринда – “Лайли ва Мажнун” достонида кузатилади:

Ёз ёмгури етгач айладинг бот,

Ер чакманини яшил сақарлот. (ЛМ, IX, 4)

Шу боис бўлса керак, бу сўз НАЛда қайд этилмаган. АНАТИЛда эса *чакман* – чакмон; ёмғирда киядиган тўн (ёпинчиқ) деб изоҳланган ва юқоридаги мисол кўрсатилган. (АНАТИЛ, III, 418)

⁶⁰ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981.–Б. 23-24.

⁶¹ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. –Тошкент: Фан, 1981. –Б.22.

Ш.Усмонованинг ишида “СЕКМЕН – кўпинча жун матодан тикилган, энги узун, йирмочли уст кийим” деб изоҳланган ва қадимги туркий тилда ва замонавий қардош тилларда бу сўзнинг маънолари бунга оид нуфузли илмий тадқиқотларга асосланиб кўрсатилган⁶².

Сақарлот бир жинс мато ва шу матодан тайёрланган кийим номини билдиради. Луғатларда бу сўз турлича изоҳланган. Масалан, НАЛда сақарлот – *жундан тўқилган кийимлик* деб кўрсатилган. (НАЛ, 554) Изоҳдан *сақарлот* кийим эмас, кийимлик мато экани англашилмоқда. АНАТИЛда эса *сақарлот* – *нафис шафақ мато* деб изоҳланган ва юқоридаги байт мисол келтирилган.

Шафақ сўзи уфқдаги қизиллик эканини назарда тутсак, бу изоҳ (нафис шафақ сақарлот) байтдаги *яшил сақарлот*га ранг жиҳатдан зид келиб қолади. Кейинги илмий тадқиқотларда сақарлот – “жундан тўқилган кийимлик” маъносида туркийча кийим номлари қаторида кўрсатилган⁶³. “Бобурнома”да ҳам тилга олинган бу лексема маъноси жундан тайёрланиб, зайлуча (гиламча), чодир, чакмон учун ашё бўлган материал экани кўринади: “Китоб ва ажзо ғарқ ўл бўлди. Ташвиш била йиғиштурулди. **Сақарлот** кат зайлучасиға чирмаб, кат остиға қўюб, устиға гилемларни ёптук”⁶⁴. Бу ўринда катга солинган сақарлот гиламча ҳақида маълумот берилмоқда. Шу асарда яна **сақарлот чакман; сақарлот чодир** ва **шомиёналар**⁶⁵ қайд қилинган.

Демак, сақарлот жундан тўқилган бўлиб, ундан: чодир, гилам, чакмон каби турли маиший буюмлар тайёрланган. Кўпгина кийим-кечаклар ўзи тайёрланган мато номи билан аталиб кетганидек, масалан, *сақарлот чакмон* ўрнига унинг сифатловчининг ўзи, яъни *сақарлот* либос маъносида қўлланаверган. Бу ҳолни ўрганилаётган манбаларда ҳам учратиш мумкин:

Турфа абойи анга истаб кўнгул,

Ранги сақарлот била долу гул. (АНАТИЛ, I, 24)

Хилъат Алишер Навоий асарларида кўп тилга олинган кийим

⁶² Усмонова Ш. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи. Филол. фан. доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2011. –Б. 122–126.

⁶³ Умарова Н. Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи: филология фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати. –Фарғона, 2021. –Б. 20.

⁶⁴ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б.344.

⁶⁵ Ўша асар, –Б.173; 192.

номидир. Арабчадан ўзлашган бу сўзнинг луғавий маъноси: 1. Ҳашаматли кийим; сарпо, умуман, кийим; зарбафт хилъат – кимхоб тўн. (НАЛ, 654)

Дарҳақиқат, шоир дostonларида, шеъриятида **хилъат** асосан шоҳлар, зодагонлар, бой-бадавлат кишилар кийими сифатида кўзга ташланади.

Шоҳлик хилъати қадинг била жўб,

Шоҳлар қадди ҳам аёзингга кўп. (СС, X, 67)

“Сабъаи сайёр” дostonида бошига кулфат тушган Ахий шоҳ Фаррух мамлакатига йўл олади. Бир пайтлари бойлиги беҳисоб бўлган, мисли йўк сахийлиги, инсонийлиги туфайли ғариб аҳволга тушиб қолган хожа абгор ҳолатда, бир қора шол, эски палосга ўраниб, очликдан, ташналикдан кучдан қолиб ётганда, шоҳ Фаррух унинг бошига келиб қолади. Шоҳ бу кишидан аввал мусофирликда чексиз яхшиликлар кўрган эди. Бир-бирини таниб, хушвақт бўлишади. Шоҳ хожани саройга келтириб, парвариш қилади, беҳад иззат-икром кўрсатиб, мавқеини баланд кўтарди. Энг муҳими, Ахийга айрилган ёрини пок сақлаб, қайтариб беради. Мана шу воқеалар баёнида асарда Ахийнинг кеча ва бугунги мақомини мулоҳаза қилиши, шукронаси, ички кечинмалари кийим-кечаклар билан боғлиқ тарзда ажойиб тасвирланган:

Гарчи зарбафт хилъат ичра мудом

Шаҳ ёнида тутар эди ором.

Уйга киргач қаро палоси эди

Ки, сафарда анинг либоси эди.

Тенгри шукридаким, тили эди лол,

Тоат айлар эди кийиб қаро шол

Ки: “Палос ичра етти чун дебо,

Ташласам они бўлмагай зебо”. (СС, X, 188-189)

Юқоридаги мисраларда *хилъат*, *дебо*, *палос*, *шол* каби кийим номлари қайд этилганини кўрамиз. Ўзаро қарши қўйилаётган бу либослардан *хилъат* (*зарбафт хилъат*) ва *дебо* шоҳона либосларга мансуб бўлса, *палос* ва *шол* – дарвешлар, қашшоғу бечоралар кийими сифатида акс этади.

Асарда жавонмардлик тимсоли бўлган Ахий шаҳзода Фаррухни муродига етказиб, уни мамлакатига кузатар экан, эсдалик учун унинг мусофирчиликда кийиб юрган либосини сўраб олган эди:

Ёдгор устади палосин анинг,

Тилаб олди қаро либосин анинг. (СС, X, 178)

Мана шу қора палосни Ахий шоҳ ҳузурида кейинчалик юқори мартабага кўтарилгандан кейин ҳам ташлаб юбормади. Албатта, ҳазрат Навоийнинг битганлари тасаввуфий мазмунга йўғрилган. Биз учун бу ўринда тил фактлари муҳим.

Палос, дебо ва *шол* форсий ўзлашмалардир. *Дебо* – нозик ва нафис нақшлар солиб тўқилган ипак матони билдирса, *шол* ва *палос* жун матодан тикилган оддий кийимни англатади.

Хилъат ўтмишда ҳам худди ҳозирги вақтда бўлгани каби эркак ҳам аёлларга хос кийим тури ҳисобланади. Бир оз фонетик ўзгаришга учраган бу сўз эндиликда *халат* шаклида қўлланмоқда. ЎТИЛда *хилъат ва халат* сўзларининг талқинига эътибор берайлик:

ХИЛЪАТ [а. – туҳфа. инъом қилинган уст кийим) 1 эск. кт. Одатда инъом, ҳадя қилинадиган қимматбаҳо тўн. (ЎТИЛ, IV, 398)

ХАЛАТ [а. – совға, инъом қилинган кийим; мукофот] 1 с.т. Ўзи ҳам, энги ҳам узун ва кенг бўлган, тугма ўрнига белбоғ қўлланадиган устки кийим (асосан хотин-қизлар, баъзан эркаклар ҳам кияди). Қизил халат кийган қиз.

2. Шундай ёки шунга ўхшаш бичимдаги маҳсус (тиббиёт, савдо, кимё ва айрим техника соҳалари ходимлари киядиган) уст кийим. (ЎТИЛ, IV, 378)

Луғатда *хилъат* Алишер Навоий давридаги бу сўз англатган маънога яқин изоҳланган бўлса, *халат* таърифидан бу сўз ҳозирда нафақат фонетик томондан, балки маъно жиҳатдан ҳам жиддий ўзгарганлигини кўрамыз.

Жубба – ҳашаматли, кенг, узун ва енгил тўн маъносини билдириб келади. “Садди Искандарий” достонида *тўн, декла* каби либос номлари билан бирга қайд этилган:

Яна уч тўқуз давлат аркониға,

*Тўну жубба бирла анинг ёнига –
Ики юзга ҳам деклаю тўн бериб,
Яланг тўн аларча яна ўн бериб.* (СИ, XI, 313)

Шунингдек, бу сўз ўзига сифатловчини бириктириб сўз бирикмаси ҳам ҳосил қилади. Масалан, **жуббаи синжоб** – *синжоб* (қизил тулки) терисидан тикилган пўстин:

*Жуббаи синжобинг ичра васла-васла қоқими,
Тўғри ҳижрон шоида бир-бир саодат анжуми.* (НАЛ, 234)

Қабо яна бир либос тури бўлиб, Алишер Навоий асарларига оид луғатларда бу сўз “эркакларнинг узун ва кенг уст кийими (жубба остидан кийилади)” деб қайд этилган. (АНАТИЛ, IV, 11) Қуйидаги бу мисолда *қабо* эрлар либоси сифатида тасвирланган:

*Миниб устига ҳиндуйи найзавар,
Зарогин қабо, балки заррин камар.* (СИ, XI, 333)

Аммо шоир асарларида бу сўз қаламга олинган бошқа ўринларда *қабо* нафақат эркаклар, балки аёллар, гўзаллар либоси эканлиги англашилади. Мана бу мисраларда бу ҳол янада яққол кўринади:

*Моҳ кофургун қабо пайваст,
Бўлуб ул ҳужрада худойпараст.* (СС, X, 372)

Хирқа шайх ва дарвешларнинг махсус уст кийими бўлиб, бу либос дағал матолардан кураб тикилган. (НАЛ, 656) Унинг *жанда*, *эски жулдур кийим* каби маънолари ҳам мавжуд. “Ҳайрат ул-аброр” достонида ҳазрат Навоийнинг устози мавлоно Жомий таърифида ёзилган мисраларда бу сўз қўлланганини кузатамиз:

*Хирқа анинг жисмида қаптон бўлуб,
Қаптони тан, жисми анинг жон бўлуб.* (ҲА, VII, 50)

Байтдаги яна бир кийим номи – **қаптон** туркийча сўз.

Қаптон (хафтон) луғатларда шундай изоҳланган: 1. Устдан кийиладиган ҳашаматди тўн. 2. Зирҳ (уруш кийими) остидан кийиладиган пахтали тўн, кафтан. (НАЛ, 652) Бу сўз “Девону луғатит турк”да *қафтан*

шаклида қайд этилган бўлиб, *тўн, устки кийим* маъноларини англатган⁶⁶. Рус тилига ўзлашиб кетган бу сўз *кафтан* шаклига эга.

Або арабчадан ўзлашган кийим номи ҳисобланади. Бу сўз “Навоий асарлари луғати”да шундай изоҳланган: Або – (а.) дарвеш ва қаландарлар киядиган, жун матодан тикилган, калта енгил чакмон”. Лекин бунга шоир асарларидан мисол келтирилмаган. Луғатда бу сўз “енгсиз уст кийим” деб изоҳланган ва “Ҳайрат ул-аброр”дан мисол келтирилган:

*Турфа **абойи** анга истаб кўнгул,*

Ранги сақарлот била долу гул. (АНАТИЛ, I, 24)

Дарҳақиқат, мазкур дostonнинг ўн олтинчи мақолатида “худнамо муханнасвашларнинг дунё зийнати иктисобида ҳийнласозлиқлари...” фош этилган ўринда *турфа абойи* бирикмасидаги *або(йи)* айнан уст кийимни англатган. Иккинчи мисрадаги *сақорлот – кийимлик мато* ҳам унинг либос эканидан далолат беради. Аслида *або* – кўчманчи араблар, хусусан, бадавийларнинг миллий кийими бўлиб, туя жунидан тайёрланган, қўлларни чиқариш учун йиртиқлар ҳосил қилинган узун либосдир. Лекин шуни ҳам қайд этиш керакки, араб тилида *або* – ота, оталар маъносига эга. Шоир ғазалларида ҳам учрайдиган “беш олий або” бирикмаси адабиётларда турлича талқин қилинади: Муҳаммад расулуллоҳ, унинг қизи биби Фотима, куёви Али, набиралари имом Ҳасан ва имом Ҳусайн. Айрим тадқиқотчилар булар беш буюк пайғамбар: Зардушт, Будда, Моний, Мусо ва Муҳаммад бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар⁶⁷.

Яна бир кийим номи **пашмина** бўлиб, бу форсий сўз луғатларда “жундан қилинган матодан тикилган кийим” деб изоҳланган. “Садди Искандарий”да бу сўз изофали бирикма бўлган *далқи пашмина* таркибида учрайди:

Бири нолаи дарднок айлабон,

⁶⁶ Тоғаев Т. Навоий асарларида кийим-кечак номлари. “Филологик тадқиқотлар–VIII” илмий анжуман материаллари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, 2018. –Б.16.

⁶⁷ Усмонов У. Художественная интерпретация проблемы пророчества в узбекской литературе. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 01 (69), 41-48. <http://s-o-i.org/1.1/TAS-01-69-9>

Бири далқи пашмина чок айлабон. (СИ, XI, 42)

Манбаларда арабча *далқ* – жанда, дарвешлар кийими, *далқи пашмина* эса “жундан тўқилган кийим” деб кўрсатилган. (НАЛ, 176; АНАТИЛ, I, 446)

Ридо – 1. Шайхлар, дарвешлар елкасига ёпиб ёки ташлаб юрадиган чойшаб нарса. 2. Дарвешларинг устки кийими. Мазкур истилоҳ Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашларини ифодалаш учун кўплаб ғазалларида, жумладан, дostonларида қўлланган. Чунончи:

Ўзи малакваш, кийими ҳулласон,

Хоҳ ридо бил ани, гар тайласон. (ҲА, VII, 89)

Шоир асарлари учун тузилган луғатларда араб тилидан ўзлашган *ридо* ва *тайласон* маънодош сўзлар каби изоҳланган. (АНАТИЛ, III, 165) Жумладан, таҳлилга тортилган асарларда дарвешларнинг устига ёпинадиган либоси *тайласон* деб юритилган:

Фано тайласонини қилгай кафан,

Кафан бас анга, балки гарди миҳан. (СИ, XI, 287)

Мошоб – бу форсий сўз жундан тўқилган, дарвешлар ва камбағаллар уст тўнини англатади (НАЛ, 398):

Иккиси жисмида не ким асвоб

Бор эди сарбасар яшил мошоб. (СС, X, 220)

НАЛда **жанда** – ф. йиртиқ-ямоқли; Дарвиш-қаландарлар тўни; куроқ тўн; гадо кийими; ола-була кийим маънолари билан изоҳланган. (НАЛ, 220) Бу лексема “кийим” маъносида “Ҳайрат ул-аброр” дostonи тилида учрайди:

Жандаи маҳд аро ожиз тани,

Раҳм этибон меҳр ила севдум ани. (ҲА, VII, 312)

Мураққаъ араб тилидан ўзлашган кийим номи бўлиб, луғатда икки маънода изоҳланган: 1. Ямалган, қуралган (тўн ҳақида); 2. Дарвишлар киядиган куроқ тўн, жанда. (НАЛ, 418) “Лайли ва Мажнун”да кейинги маънода кузатилади:

Ер натъида ўлтуруб мураббаъ,

Сўфи киби эгнида мураққаъ. (ЛМ, IX, 147)

Кийим-кечакка мисоллари кўплиги жиҳатдан ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидан бир парча келтиришни лозим топдик:

*Орқага дастори учи теккани,
Тебранури бирла уруб гардани.
Бўрки учин ичкари буккан аён,
Ҳирсу ҳаво қушлариға ошён.
Тўни ипак бўлмаса, кўнгли ҳазин,
Жинси хитой бўлмаса қошида чин.
Юзида зарбафтдин истаб нишон,
Ҳажв битарга варақи зарфишон.
Балки либосини паранд этмайин,
Бистар этиб тўнға писанд этмайин.
Кўнглок этиб нозу ҳавасдин катон,
Қайси ҳавас, парри магасдин катон.
Парри магас ҳам дема, шабнам дегил,
Терлик анинг устига байрам дегил.
Белига зарришта қурин банд этиб,
Балки зарофат била такбанд этиб.
Ёглиғи ул ҳуллаи зарриштакаш,
Ким анга жонлар чекибон риштакаш.
Тўн юзи олтун била жадвал анга,
Балки ўтук таққаси зарҳал анга. (ҲА, VII, 287-288)*

“Худнамо муҳаннасвашларнинг дунё зийнати иктисобида ҳийласозликлари” таърифида келтирилган ушбу парчада форс-тожик тилидан ўзлашган дастор (салла) ва такбанд (камар, белбоғ)дан бошқа ўзбек тилидаги бешта кийим-кечак ва иккита кийимларга ёрдамчи буюм номини кўришимиз мумкин. Улардан бўрк – бош кийим, тўн, кўнглок, терлик – уст кийим, ўтук – оёқ кийим, қур (белбоғ) ва тебранур (жизга) – кийимга ёрдамчи буюмни, ёглиқ – кўл, юз артадиган рўмол(ча)ни англатади.

“Тананинг юқори қисмига мослаб тикилган яланг қават юпқа кийим” семемаси ДЛТда **көнләк** лексемаси билан ифодаланган. (ДЛТ, III, 394) Бу сўзнинг XIV аср Хоразм ёдгорликларида (ЭСУЯ, I, 621) ҳамда “Қисаси Рабғузий” тилида фаоллашгани кузатилади. Айни шу шакл ва маънода бу лексема Алишер Навоий асарлари матнида (НАЛ, 326) қўлланган:

*Тўни ул рангу **кўнглаки** ул ранг,*

Ёрининг доғи киймаки ул ранг. (СС, X, 331)

*Ўз **кўнглагини** анга жул этти,*

Қон ёшидин анга гул-гул этти. (ЛМ, X, 194)

Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз **кўйлак** фонетик шаклида ишлатилмоқда. У турк тилида *gomlek*, турк тили шеваларида *gonlek*, *gonek*, *kojnak*, *koncek* фонетик шаклларига эга. Лексеманинг көн (тери) + ләк шаклида ясалгани туркологияда эътироф қилинган⁶⁸.

Н.Умарова **кўйлак** лексемаси замонавий туркий тилларда, хусусан, қалмиқ тилида – *коңлак*, тожик тилида – *kilək*, ҳозирги туркий тилларда – *кўйлак*, турк тилида – *gomlek*, ҳозирги туркий тил лаҳжаларида – *кўйнак*, уйғур тилида – *көйнәк*, уйғур тилининг лаҳжаларида – *когилек*, *коілак*, *коінак*, *конак*, *коңлак*, *коңнак*, қирғиз тилида – *көйнөк*, туркман тилида – *койнек*, қорақалпоқ тилида – *койлек*, татар тилида – *кулмәк*, бошқирд тилида – *кулдәк*, қозоқ тилида – *көйләк* шаклларига эга эканлигини кўрсатган⁶⁹.

Терлик ўзбек халқига хос қадимги кийим турларидан бўлиб, бу лексема дostonлардан фақат “Ҳайрат ул-аброр”да бир мартагина учрайди:

Парри магас ҳам дема, шабнам дегил,

***Терлик** анинг устига байрам дегил. (ҲА, VII, 288)*

Аммо Алишер Навоий ғазалларида **терлик** маъшуқа гўзал либослари таърифида кўп бор қўлланган:

*Ўзбеки гулнори **тўндин** куйдум, аммо ўлтурур*

*Лемуйи **терлик** анинг остидаким жонон кияр. (НН, II, 120)*

⁶⁸ Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. – Тошкент: Фан, 2010. –Б. 133.

⁶⁹ Умарова Н. Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Фарғона, 2021. –Б. 20.

ДЛТда либос тагидан кийиладиган ички кийим, ич кўйлак, хотин-кизларнинг енги йўқ ич кийими *тэринчйк* дейилган. (ДЛТ, I, 467) Алишер Навоий тилидаги *терлик* мана шу *теринчак*нинг лексик варианты ҳисобланади. Ич кўйлакнинг XI асрда ҳам борлиги бу кийимнинг қадимий эканлигидан далолат беради⁷⁰.

НАЛ ва АНАТИЛда *терлик* – ичкўйлак эканлиги қайд этилган. Бу либос номи ҳозирги тилимизда истеъмолдан чиқиб кетган ва бу сўз бошқа маънога эга. ЎТИЛда *терлик* шундай изоҳланган: “Отнинг терини тўқимга ўтказмаслик учун тўқим тагидан қўйиладиган қалин намат парча. Омборхонадан от абзалларини: терлик, беллик, юган, эгарни қўлтиқлаб келдим. // Т. Мурод, *От кишнаган оқшом*// (ЎТИЛ, V, 73).

Умуман, *терлик* – ичкўйлак ҳам, *терлик* – от анжомини ҳам бир хил вазифа бажаради. Кийим семасига эга терлик лексемаси эгар остидан қўйиладиган *терлик* каби *тер* ўзагидан *-лик* ясовчи аффикси воситасида ясалган. *Терлик чопон, тўн, елак, ширдог* кабилар остидан танага кийилган ва киши терлаганда, унинг устидан кийилган либосларни намланишдан сақлаган.

Рус тилига оид этимологик ёки изоҳли луғатларда *терлик* “XVI-XVII асрларга оид қадимий рус уст кийими, саройда қабул ва тантаналар чоғида аъёнлар киядиган либос” (Энциклопедический словарь Ф.А. Брокгауза и И.А.Ефрона); “танага мос калта енгли тор кафтан”, “туркий тилдан ўзлашган “енгсиз куртка тури”⁷¹; “терлик (туркийча *tarlik* сўзидан – енгсиз куртка) танага ёпишиб турадиган бўйи ва енги калта эркаклар кафтани. Қадимги Русда XV асрнинг иккинчи ярмидан пайдо бўлган” («Большой энциклопедический словарь») деб кўрсатилган. Демак, *терлик* ҳам тилнинг турли тараққиёт даврларида *кафтан, чекмен, башлык, калпак, башмак, бешимет, чекмень, итаны чалма, тулуп, ергак, тюбетейка, сарафан* каби ўнлаб кийим-кечак номлари қатори туркий тиллардан рус тилига ўзлашган⁷².

⁷⁰ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981.–Б. 23.

⁷¹ Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. Т. 4. –М.: Прогресс, 1987. –С. 48.

⁷² Қаранг: Шипова Е. Н. Словарь тюркизов в русском языке. –Алма-Ата: Наука, 1976.

Достонлар тилида учрайдиган **жул** изоҳли луғатларда ўз қатламга мансуб сўз сифатида изоҳланган. Хусусан, АНАТИЛда **жул** - жул, ёпинчиқ, ЎТИЛда: ЖУЛ 1 от. Қўлда тўқилган дағал жун мато. Бир чакмонлик жул. 2 сфт. Шу матодан қилинган. 3 фольк. От ёпиғи, ёпиқ. (ЎТИЛ, II, 112) тарзида берилган. Дарҳақиқат, бу сўз Алишер Навоий асарларида юқоридаги маъноларда қўлланган, фақат у отдан бошқа уй ҳайвонлари ёпиғи ҳам бўлиши мумкин. Мисоллар:

Ўз кўнглагини анга жул этти,

Қон ёшидин анга гул-гул этти. (ЛМ, IX, 194)

Бўлса хазу атласу иксун либос,

Ит жули қилмоққа ярар ҳам палос. (ХА, VII, 55)

2.3. Бош ва оёқ кийим номлари

Алишер Навоий асарларида қайд этилган ўз ва ўзлашган қатламга хос *бўрк, қалпоқ, тўпти, калланўш, наврўзи, амома, дастор* каби бош кийимлар ҳамда *ўтук, кави* сингари оёқ кийимларнинг лексик-семантик хусусиятлари, уларнинг ҳозирги ўзбек тили, шунингдек, қадимги ва замонавий туркий тилларга муносабатини кўриб чиқамиз.

Бош кийимлар туркий халқлар тарихида ўзига хос ўрин тутган. Кишилар улардан куюшдан, совуқдан, шамолдан, қор ва ёмғирдан ҳимояланиш воситаси сифатида фойдаланишган. Шунингдек, кўркам бўлиш, ясан-тусан, бегоналардан ўзни пана қилиш, диний удумлар учун бошга кийганлар, ўраганлар ва ёпинганлар.

Бош кийимларни лексик-семантик жиҳатдан 1) бошга кийиладиган кийим номлари; 2) бошга ўраладиган ва ёпинадиган буюм номлари каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Бошга кийиладиган кийим номлари

Бўрк. Бош кийим турларидан *бўрк* туркий сўз экани аниқ. Қадимги ёзма манбаларда “қалпоқ, бош кийими” маъноси шу сўз билан ифодаланган.

АНАТИЛда *бўрк* “бош кийим, қалпоқ, телпак, бўрк” деб изоҳланган (АНАТИЛ, I, 346)

“Ҳайрат ул-аброр” асарида салбий қахрамоннинг бўрки олифтанамо шаклда кийилганлиги, яъни унинг учи ичкарига букилган ҳолати худди “хирсу ҳаво қушлари”га ин қилинганига ўхшатилади:

Бўрки учин ичкари буккан аён,

Хирсу ҳаво қушлариға ошён. (ҲА, VII, 287)

Ш.Раҳматуллаев ўз луғат китобида *бўрк* тўғрисида шундай ёзади: “БЎРК “бош кийимнинг бир тури”, “қалпоқ”. Бу от қадимги туркий тилдаги “қопла”, “ёп” маъносини англаган **бөрү**- феълидан (Девон, II, 164) –к қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 222), кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган (ПДП, 373; Девон, I, 333; ДС, 118); ўзбек тилида **ө** унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: **бөрү**- + **к**= **бөрүк** > **бөрк** > **борк**”. (ЎТЭЛ, I, 77-78)

Дарҳақиқат, Э.Севортян ўзининг машҳур луғатида **бўрк** сўзи этимологияси, унинг туркий тилларда қўлланиши ҳақида батафсил маълумот берган (ЭСТЯ, II, 222). С.Малов бу сўзни мўғулча “*bokig*” – (покрывало) сўзидан олинган “*бош кийим*” атамаси сифатида келтирган⁷³.

Таъкидлаш керакки, “*бош кийим*” – дастлабки умумлаштирувчи сема кейинги асрлар манбалари тилида ҳам етакчилик қилган. ДЛТда “қалпоқ, бош кийими” маъноси бери=, бүрү= “беркитмоқ, ёпмоқ, ўрамоқ” феълидан ясалган бөрк сўзи билан ифодаланган. Луғатда бу сўз иштирокида мақол ҳам учрайди: Татсыз түрк болмас, башсыз бөрк болмас. (ДЛТ, I, 333)

Умумтуркий характердаги бу лексеманинг пайдо бўлиши XI аср, яъни илк эски туркий тил даврига тўғри келади. Бу сўз дастлаб “Қутадғу билиг”, “Девону луғотит турк”да, кейинроқ “Ҳибат ул-ҳақойиқ”да учрайди. Маҳмуд Кошғарий *бөрк*нинг бир нечта турларини келтиради. Жумладан, “узун, майин, оқ эчки юнгидан қилинган оқ қалпоқ” семаси *қыймач бөрк* сўз бирикмаси билан ифодаланган. Қалпоқнинг ўзига хос турини билдирувчи бу

⁷³ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. –М-Л.: Наука, 1951. –С. 373.

сўз бирикмаси чигиллар тилига хос бўлган. (ДЛТ, III, 190) “Қайтарма қалпоқ” *көтүрмә бөрк* (ДЛТ, I, 452), “узун (учли) қалпоқ” *эса сұқарлоч бөрк* (ДЛТ, I, 454) сўз бирикмалари ёрдамида ифодаланган. Қалпоқ ва унинг бошқа хилларини тикувчи қалпоқчи луғатда *бөркчи* (ДЛТ, I, 62) ясамаси билан аталган⁷⁴.

Алишер Навоий асарлари лексик бойлигидан, умуман, бу давр ёзма манбаларидан маълум бўладики, бўркнинг тури кўп бўлган. Улар турли материаллардан, турфа рангда тайёрланган, асосан, ос, қундуз, тулки, қўзи ва бошқа мўйнали ҳайвонлар терисидан, кигиздан тикилган ва турли рангда ҳатто турфа эл-элатга хос бўлган. Буни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Ва ё лимуйи бўрки топти шикаст

Ки, даврин бийик қилди, учини паст. (СИ, XI, 455)

Ёки:

Қаро бўркин эгри қўюб бошига,

Етиб бир қироғи қаро қошига. (СИ, XI, 251)

Лола киби зоҳир айлабон кўрк,

Эгри қўюбон қизил тери бўрк. (ЛМ, IX, 42)

Алишер Навоий бошқа асарларида яна **қурайши бўрк** (НН, II, 507), **сориг бўрк** (НН, II, 517), **киш бўрк** (ФС, III, 227), **кийиз бўрк** (МН, XIII, 11) кабилар қайд қилинган.

Алишер Навоий ижодиётида ушбу бош кийим номи иштирок этган мақол ҳам учрайди:

Бўрк ўрнида бош элтур, нақд ўрнига жон олур,

Атфоли гаминг ичра бас турфа ўюнлардур. (НН, IV, 137)

Алишер Навоий бўркни маълум бир бош кийими ҳамда умуман бош кийими маъноларида ҳам қўллаган. Бобурнинг “Бобурнома” асарида **муғули бўрк, ос бўрк ҳақида** маълумот берилган⁷⁵. Бу ўринда бўркнинг сифати бўлиб

⁷⁴ Шукурова Г. “Девону луғотит турк”да устки кийимни ифодаловчи лексемалар парадигмаси / Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами). IV. – Тошкент: 2008. –Б. 18–21.

⁷⁵ Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 10; –Б. 87.

келган *муғили* бош кийимнинг этник мансублигини билдирса, кейингисида бўрк ос деб аталмиш жуни оқ ва майин ҳайвон мўйнасидан тикилгани англашилади.

Бўрк билан **қалпоқ** айри-айри бош кийим эканлиги, айниқса, “Бобурнома”да тилга олинган мана бу парчада яққол кўринади. Бобур ўз асарига Хусайн Бойқаронинг портретини чизар экан шундай ёзади: “*Хушранг, қизил яшил абришимни кияр эди, қора кўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ*”⁷⁶. Муҳаммад Солиҳнинг XVI асрда яратилган “Шайбонийнома” достонида **бўрк** “бош кийим” маъносида қўлланган⁷⁷.

Ҳозирги туркий тилларда бөрк лексемаси турли фонетик шаклларда ва маъноларда учрайди. Хусусан, ўзбек тилида бўрк “қишлик қалпоқ, телпак” (ЎТИЛ, I, 164), козоқ тили ва диалектларида *бөрік* “юпка юнгдан қилинган қалпоқ”, турк тилида вөгүк “бош кийими”, “рўмол”, уйғур тилида “қалпоқ, шапка” маъносини ифодалашда давом этмоқда. (ЭСТЯ, II, 221-222) Ўзбек тилининг Фориш шеvasида бөрк “қалпоқ”, Хоразм шеvasида эса “бош кийими, телпак” маъносида қўлланишини қайд этиш лозим⁷⁸. Кўринадикки, “рўмол” ва “ёпинчиқ” иккиламчи маънолар кўрилайётган лексеманинг бирламчи маъноси негизда шаклланган ва уларни “бош ва тана учун ёпинчиқ” семаси бирлаштиради.

Бўрк сўзи ҳозирги туркий тилларда кенг қўлланилиши илмий адабиётларда қайд этилади. Масалан, қорақалпоқ тилида – *börik*; олтой тилида – *bögük*, олтой диалектларида – *pörik*, турк тили диалектларида – *pörk* ва б. Кўпроқ мўйнали шапка, шунингдек, ёпинчиқ, рўмол маъносида ишлатилади⁷⁹.

Э.Тенешев, Г.Благова ва бошқалар томонидан яратилган рус тилидаги “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси”да **бўрк** сўзи қадимги

⁷⁶ Ўша асар. –Б. 147.

⁷⁷ Холманова З. “Шайбонийхон” достони лексикаси. Филол. фан. номзоди диссертацияси автореферати. Тошкент, 1998. –Б.11.

⁷⁸ Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: 1971; –Б. 56; Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961. –Б. 29.

⁷⁹ Хазиева А. Лексика словаря Махмуда Кашгари «Дивану лугат ит-тюрк» в сравнении с современным башкирским языком. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Уфа, 2008. –С.104.

туркий тилда ва ҳозирги ўнлаб туркий тиллар ва уларнинг диалектларида асосан маълум турдаги эркалар бош кийими, қисман аёллар ёпинчиғи ва рўмоли маъноларида бир оз фонетик тафовутлар билан қўлланиши ҳақида турколог олимларнинг манбалари асосида маълумот берилган⁸⁰.

Қалпоқ. Бу қадимги туркий бош кийим номи “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам учрайди:

*Шоҳ ани билким, боши қалпоқда,
Базл этар офоқ берур чоқда. (ҲА, VII, 176)*

Туркий тилларнинг кўпчилигида қалпоқ асосан “узун конуссимон шаклдаги, уч қисми ўткир, гардиши тепага қайрилган, наматдан тайёрланган” бош кийим эканлиги, шунингдек, бу умуман бош кийим маъносига эгаллиги нуфузли луғатларда қайд этилган. (ЭСТЯ, V, 234) Ш.Раҳматуллаев “юпқа наматдан тепа томони учли қилиб тикилган устки бош кийими”, “қалин матодан тикилган устки бош кийими” маъносидаги ушбу сўзнинг этимологиясини қал (қадимги туркий тилдаги “кўтарил-”) + -ба (қўшимча) + қ (кичрайтириш қўшимчаси) тарзида кўрсатади. (ЎТЭЛ, I, 518) И.Б.Кормушин фикрича, қал- феълнинг ҳам генезиси олтой тилларидаги қадимий **qa-** ўзагига бориб тақалади⁸¹. Ш.Нарбаевага кўра, қалпақ сўзининг этимони **қа+л** тарзида ясалган от бўлиб, -ба//бу қўшимчаси билан феъл ясалган. Тадқиқотчи қал сўзини ўзакдош сўзлар ва туркий тиллардаги шу сўз маъноларига боғлаб, “ёпмоқ”, “қопламоқ” мазмунини чиқаради. Бу тарзда сўз ясалишини қадимий талбу (ўзини урмоқ, безовта бўлмоқ, ҳар томонга ташланмоқ; ўзбекча талпинмоқ феълнинг ўзаги) феълига қиёсан текширади. Феълнинг -ба//па шаклдаги қўшимча билан ясалгани, -қ қўшимчаси эса кичрайтириш вазифасини эмас, ҳаракат натижаси маъносидаги от ясагини

⁸⁰ Тенешев Э., Благова Г. и др. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Лексика. –М.: Наука, 2001. –С. 482-483.

⁸¹ Кормушин И.В. Лексико-семантическое развитие корня *qa в алтайских языках // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. –С. 14.

кўрсатади. Шу тарзда қалпақ сўзи “қоплаб турувчи”, “ёпиб турувчи нарса” деган маънони англатади⁸².

М.Асомиддинованинг қалпоқ лексемаси **қапла-** феълига **-к** кўшимчасининг кўшилишидан ясалган, метатеза юз бериши (қапла – қалпа) натижасида бу ном ҳосил бўлган, деган талқинларига Э.Севортян шубҳа билан қараб, бу фикрнинг асоси бўш деб ҳисоблайди. (ЭСТЯ, V, 235)

Шоирнинг машҳур ғазалларидан бирида *қалпоқ* туркий халқларнинг бир қавми бўлган ўзбеклар учун хослиги ифода этилган:

Шоҳу тожу хилъатиким, мен тамошо қилғали

*Ўзбагим бошида **қалпоқ**, эғнида ширдоғи бас.* (ҒС, III, 199)

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида либос турларининг ҳам баъзи бирлари сарт тилида номланмагани, бу тушунчаларнинг туркий муқобилларидан фойдаланилиши қайд этилган: “*Ва маъҳудий албисадин мисли: **дастор** ва **қалпоқ** ва **наврўзий** ва **тўппи** ва **ширдоғ** ва **дакла** ва **ялак** ва **ёғлиғ** ва **терлик** ва **қур** йўсунлуг нималарни борисин турк тили била айтурлар*”. (МЛ, XVI, 17)

Албатта, асли туркийча бўлмаган *дастор* ва *наврўзининг* бу қаторда саналиши тожик тилидан ўзлашган ушбу бош кийим номларининг бу даврда туркий тилнинг ўз мулкига айланиб кетганидан бўлса керак.

Тўппи лексемасининг ҳозирги адабий тилдаги шакли – **дўппи**. Дўппи ўзбек миллий анъанавий бош кийимлари ичида энг кенг тарқалган ва фахрли кийимлардан ҳисобланади. У фақат юртимиздагина эмас, Марказий Осиёнинг бошқа кўп жойларида, айниқса, Тожикистонда ҳам севиб кийилади. Дўппилар шакли, беағи, гуллари, тайёрланиши ва тикилиши жиҳатдан турлича бўлган. Ўзбеклар ва тожиклар орасида қадимдан мавжуд бўлган ушбу бош кийим тури ўзининг узоқ эволюцияси ва сайқалланиб бориши натижасида нисбатан кейинги даврда шундай замонавий шакл ва қиёфага эга бўлган. Дўппилар ифодалайдиган рамзлар, уларнинг шакли, ранг,

⁸² Норбаева Ш. Хоразм шевалари касбий лексикаси шаклланишининг ономасиологик тамойиллари: Филол. фан. доктори дисс. автореферати. – Тошкент: 2016. –Б. 80–82.

безак ва нақшларининг миллий, фалсафий маъно-мазмуни тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган⁸³.

“Садди Искандарий”да уруш, жанг манзараси тасвирида **тўппи** лексемасига дуч келамиз:

*Довулга бўлуб **тўппи** янглиг бари,
Ўтога бош узра сариқ қуш пари.* (СИ, XI, 193)

Эътибор берилса, *довулга* (дубулға) тўппига ўхшатилмоқда. Маълумки, жангда бошни ҳимоя қилиш учун кийиладиган дубулға асосан гумбаз ва тепа қисми чўзинчоқ шаклда бўлган. Демак, Алишер Навоий тилга олган тўппи ҳам ўша даврда шундай кўринишда бўлган.

Биз мурожаат қилган ДТС, ЭСТЯ ва ЎТЭЛда *дўппи/тўппи* қайд этилмаган. Дўппининг қачон пайдо бўлгани тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Баъзи тадқиқотчилар Хоразмда кенг тарқалган тақя ва Шаҳрисабзнинг тепаси чўққайган гилам дўппилари қадимда Ўрта Осиёда яшаган “тепаси чўққайган бош кийими кийган саклар”нинг бош кийими тадрижий такомиллашиши натижасида вужудга келган, деб ҳисоблайди. Г.Матназарова “дўппи” сўзининг этимологияси ҳақида яна шундай фикр билдиради: “Этнограф О.А.Сухарева ўзининг “Ўрта Осиё халқларининг бош кийимлари шаклида қадимий белгиларнинг акс этиши” деган рисоласида баъзи манбаларга суяниб, “дўппи” сўзининг этимологик келиб чиқишини туркий тиллардаги “тубе”, “тупе” (“тепалик”, “тепа” маъносида) сўзларига боғлайди. Дарҳақиқат, “тубе” сўзи ўз маъносини кенгайтириб, фонетик ўзгаришга учраб, “дўппи” шаклини олган бўлиши мумкин”⁸⁴.

Ҳозирда дўппи рус тилида “тюбетейка” деб юритилади. Тюбетейка русларга татар тилидан ўзлашганлиги, татарларнинг ўзида бу сўз *tübätäi* деб юритилиши кўп манбаларда қайд этилган. Тўппи ва тюбетейка лексемаларининг асоси бир жойдан – тепа, юқори маъноларини англатувчи *tüba* сўзидан келиб чиққан деган қарашлар мавжуд.

⁸³ Исмаилова Э. К семантике тюбетейки – дуппи. – Тошкент, San’at ж., 2000. №1. –Б. 34-35.

⁸⁴ Матназарова Г. Ўзбек дўпписи - зардўзлик санъати наъмуналаридан бири сифатида. / POLISH SCIENCE JOURNAL. Warsaw: 2020. № 6(27) –Б. 9–12.

Каллапўш – дўппи ва қалпоқнинг тожик тилидаги лексик варианты. Бу сўз калла (бош) ва пўшидан (ўрамоқ) сўзлари ёрдамида ҳосил бўлган. Бухоро воҳасида, Алишер Навоий ва Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг маълум туманларида яшовчи аҳоли дўппини “каллапўш” номи билан юритади. Бу сўз қадимда умуман бош кийимини англатган бўлса, ҳозирда у фақат “дўппи” маъносида келади. Навоий дostonлари тилида ҳам *каллапўш* лексемасига дуч келамиз:

Кўргузубон лола ўюн ичра жўш,

Ел учуруб калласидин каллапўш. (ҲА, VII, 300)

Алишер Навоий даврида Ҳиротда, умуман, Хуросонда ўзбек-тожик иккитиллиги амал қилиши, зуллисонайн анъаналарининг давом этиши, шубҳасиз, ҳар икки тилнинг ҳам фонетик, лексик-грамматик ривожига бойишига самарали таъсир кўрсатган. Бир нарса-буюм, тушунчани ифодаловчи жуда кўп туркий ва форсий сўзлар шоир асарлари тилида ўзаро синоним сифатида қўлланаверган. Масалан: қалпоқ – тўппи – каллапўш ш.к.

Нимтарг/нимтарк – яна бир бош кийим номи. Луғатларда “дубулғанинг бир тури”, “кичкина чодир” нимтаргнинг бошқа маънолари сифатида келади (АНАТИЛ, II, 461). Форсий луғатлардан бирида нимтарк – кулоҳ ва дубулға маънолари билан қайд этилган⁸⁵. Форсий ўзлашма эканлиги маълум. Алишер Навоий ҳам бу сўзни қўллаган:

Базмда шоҳона ясаб созу барг,

Бошим уза эгри қўюб нимтарг. (ҲА, VII, 63)

Асли негизи арабчадан келиб чиққан *тоқия* ҳам дўппини англатган. Бу бош кийим номи Алишер Навоий асарларида *тоқияфуруш* қўшма сўзи таркибида учрайди.

2. *Бошга ўраладиган ва ёпиладиган буюм номлари*

Анъанавий халқ кийимлари тўпламидаги бош кийим бир неча вазифага эга: ҳимоялаш, мақом, космогоник, жинс ва ёш, декоратив. У эгасининг шахсиятини ифодалайди. Мусулмон Шарқидаги ўрта асрлар эркакларининг

⁸⁵ Муҳаммадхусайни Бурхон. Бурхони қотъ (чилди 3).– Душанбе: Адиб, 2014. –С. 163. (400 сах.)

Ўзига хос бош кийими салла бўлиб, уни барча қатламлар ва барча ёшдагилар кийиб юришган. Салла ҳам рухонийлар кийимининг муҳим қисми ҳисобланган. Бу мусулмон кишининг исломга мансублигининг асосий ташқи белгисига айланди. Мусулмон кийимларининг мажбурий тўпламига киритилган салла ўзининг маъносини ўзгартириб, исломга содиқлик белгисига айланди. Бу бош кийим (амома, имом)нинг диний аҳамияти тўғрисида ҳадиси шарифда шундай келади: “Амома (салла) мўминларнинг кадр-қимматини ўзида мужассам этади”.

Алишер Навоий асарларида салла ўрнида форсийча *дастор* ва унга маънодош арабча *амома* каби лексемалардан унумли фойдаланилган. Масалан:

Орқага дастори учи теккани,

Тебранури бирла уруб гардани. (ҲА, VII, 287)

Дасторни аёллар ҳам ўраган. Бу шеърятда ҳам ўз аксини топган. (МН, XIII, 69)

“Лайли ва Мажнун” достонида Қайсни кийинтириш тасвирланган мана бу ўринда салла, дасторнинг арабча маънодоши **амома** қўлланган:

Ҳам тўнига еткуруб шамома,

Ҳам бошига чирматиб амома. (ЛМ, IX, 168)

Алишер Навоий ижоди ўхшатишларга бой. Қуйидаги байтда тонг отиши гўзал ташбеҳларда ифода этилган:

Субҳким кийди ҳуллаи кофур,

Қўнди боши уза амомаи нур. (СС, X, 170)

3.Рахимованинг “Салла семантикаси” (XV-XVI асрларда Хуросон ва Мовароуннахрнинг эркаклар бош кийими тарихига доир) мақоласи салла тарихи, турлари, келиб чиқиши ҳақида маълумотларнинг бойлиги билан ажралиб туради. Муаллиф ёзишча, XV-XVI асрларга оид Хуросон ва Мовароуннахр ёзма манбаларида бу бош кийимни билдирувчи турли атамалар берилган: амома, имом, салла, дастор, фута. Бу номлар унинг эгасининг ижтимоий мансублигини ҳам белгилайди. *Амома/имом* – бу асосан

олий руҳонийлар: шайхлар ва имомлар (ибодатдаги приматлар) салласининг номи. *Дастор* тантанали маросимларда кийиладиган тантанали салла бўлиб, у асосан феодал зодагонлар ва ҳукмдорларнинг салласи ҳисобланади. *Фута* – бу халқ вакиллари: ҳунармандлар, савдогарлар, оддий фуқаролар ўрайдиган кичик салла. Шунини таъкидлаш керакки, Хуросон ва Моваронаҳрда салла XV-XVI асрларда мутлақо шаҳар бош кийими ҳисобланган, кўчманчи халқлар эса турли шакл ва безакдаги кигиз қалпоқ кийишни афзал кўрган.

Хуросон ёки Ўрта Осиё салласи икки қисмдан иборат бўлган: кичкина конуссимон қалпоқ – тоқия ёки кулоҳ (унинг баландлиги урф ва салланинг узунлигига қараб ўзгариб турган) ва узун матодан иборат салла. Қалпоқ ёки кулоҳга ўралмаса, салла бошда турмайди. Саллани ўраш услуби, унинг ранги ва ўлчами инсоннинг ижтимоий мавқеини кўрсатган⁸⁶.

Алишер Навоий асарлари тилида *салла* лексемаси учрамайди. АНАТИЛда салла қайд этилиб, бу сўз “намоз ўқишда бошга ўрайдиган оқ доқа, салла” деб изоҳланган. Келтирилган мисолда матний хато мавжуд: “Бу саллани Ҳазрати Махдумдин илқо қилғай”. (АНАТИЛ, III, 3) Жумлада *масъала* сўзи янглиш *салла* деб ўқилган. Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари нашрида бу тўғри кўрсатилган: “Бу масъалани Ҳазрати Махдумдин илқо қилғай”. (ХМ, XV, 29) Чунки “*илқо қилмоқ*” бирикмаси “*қўзгатмоқ, ўртага ташламоқ*” маъносига эга ва *салла* сўзига умуман боғланмайди.

Ёғлиқ эски ўзбек тилида “дастрўмол”, “рўмол” маъносини англатган. Алишер Навоий бу сўздан ёр васфи, гўзал либослари таърифида унумли фойдаланган:

Ёғлиғи нақшики, бўлуб гул нишон,

Савсану гул узра бўлуб гулфишон. (ҲА, VII, 209)

Таъкидлаш жоизки, **оёқ кийим номлари** манбалар тилида камчиликни ташкил қилади.

⁸⁶ Рахимова З. Семантика чалмы (К истории мужских головных уборов Хорасана и Мавераннахра XV-XVI вв.) / SANAT • 01/01/2008 • Выпуск №1. <https://sanat.orexca.com/2008-rus/2008-1-2/semcha/>

Ўтук/ötük (этик) – қадимги туркий тилда мавжуд бўлган бу оёқ кийим тури номи ҳозирда ҳам туркий тилларда турли вариантларда қўлланиб келмоқда. Масалан, қадимги туркий тилда *etük*, эски турк. *etük*, эск ўзб. ад. *etük*, *ötük*, турк. *edik*, турк шев. *edük*, *etik*, *ödük*, турк. *ä:dik*, сал. *itix*, *itix*, тат. *it`ik*, қирғ. *ötük*, қоз. *etik*, нўғ. *etik*, қўм. *etik*, ққал. *etik*, ўзб. *etik*, ўзб. шев. *ädik*, *ötik*, *ötük*, уйғ. *ötük*, ҳак. *ödäk*, олт. *ödük*, шор. *üdük*, қозон тат. *üdük* фонетик вариантларда учрайди⁸⁷.

Ўтук – узун қўнжли, товонли пойафзал бўлиб, Ш.Раҳматуллаев бу отни қадимги туркий тилдаги “кий-” маъносини англатган **эт-** феълидан **(ў)-к** қўшимчаси билан ясалган, ўша даврлардаёқ иккинчи бўғиндаги **ў** унлиси **и** унлисига алмашган деб қайд этади: **эт-+ ўк = этўк > этик**. (ЎТЭЛ, I, 471)

Алишер Навоий асарларида мазкур атама *ўтук* шаклида қўлланган:

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,

Кенг ўтук ўлди оёқ осойиши. (ҲА, VII, 177-178)

Бу от дастлаб “юмшоқ чармдан тикилган оёқ кийими” маъносини англатган, кейинчалик оёқ кийимининг маълум бир турини билдира бошлаган. “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам айни маънода ишлатилган:

Тўн юзи олтун била жадвал анга,

Балки ўтук таққаси зарҳал анга. (ҲА, VII, 287-288)

Кафш. Форсий тилдан ўзлашган бу сўз Алишер Навоий даврида барча жинс ва ёш, турли табақага мансуб кишилар учун хос бўлган оёқ кийим номи бўлиб, у энг кўп тарқалган пойабзал ҳисобланган. Албатта, кимга мўлжаллангани, материалига кўра оддий ва арзон ёки қимматбаҳо ва мураккаб усулда тайёрланган.

ЎТИЛда КАВУШ (ф. – оёқ кийими, бошмоқ) чармдан тикилган ва одатда маҳси билан кийиладиган оёқ кийими тарзида изоҳланган. (ЎТИЛ, II, 290) Бунга пойафзалнинг пошнали бўлишини ҳам қўшиш лозим. Шоир асарларида кавш, асосан, кишиларнинг кундалик оёқ кийими маъносида қўлланган. Навоий майхонадан чиққан маст кишининг жамият олдидаги

⁸⁷ Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. – Тошкент: Фан, 2010. –Б. 159.

абгор ва уятли аҳволини танқид қилар экан, қуйидаги байтда бадмастнинг кавш йўқотиши ҳажв қилинган:

Қин қолибон қўлда пичогин солиб,

Кафши доғи бир тушубу бир қолиб. (ҲА, VII, 276)

Наълайн арабий ўзлашма бўлиб, бир жуфт кавуш (НАЛ, 456); этик, жуфт кавуш, пойабзал (АНАТИЛ, II, 443) маъноларига эга. Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида пири ва устози Абдурахмон Жомийни мадҳ этаркан, жумладан, шундай ёзади:

Наълайнидин айлабон малак ҳал,

Суртарга судоъ бўлса сандал. (ЛМ, IX, 33)

Алишер Навоий асарлари тилида эски туркий тилда мавжуд бўлган *бошмоқ, чорук* (ДЛТ, I, 362) каби оёқ кийим номлари учрамайди.

2.4. §. Кийим қисмлари ва либосларга ёрдамчи буюмлар номлари

“Хамса” достонларида учрайдиган кийим-кечак номларини либосларнинг таркибий қисмлари ёки уларга ёрдамчи буюмлар жиҳатидан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Кийим қисмлари: *ёқа/ёқо, гирибон, енг, этак, кис(с)а, жайб, остар, тугма.*

2. Либосларга ёрдамчи буюмлар: *белбоғ, қур, камар, такбанд, фута/фўта.*

Умумхалқ тилида муайян кийим қисмларининг ўз номлари мавжуд. Қуйида уларнинг Алишер Навоий ижодида қўлланишига эътибор қаратамиз:

Ёқа/ёқо. Қадимги туркий обидаларимизда мавжуд бўлган бу лексема ҳозирда ҳам тилимизда “кийимнинг бўйин ўрни учун очилган қисми; кийимга тикиб ёки илиб қўйиладиган мато, буюм” маъносида бурунгидек қўлланади.

ДЛТда бу сўз мақол таркибида учрайди: *йақадақи йалгағали эликдаки ичгинур* – ёқасига тўкилган овқатни ялаш билан овора бўлган киши қўлидаги

нарсалардан айрилади. (ДЛТ, III, 321) Атама Алишер Навоий асарлари, жумладан, “Садди Исагдарий”да анча фаол истифода этилган:

Ки, даме онсизин ҳалок эрди,

Ёқа ўрнига кўкси чок эрди. (СС, X, 106)

Ёқа бир йўла икки маънода қўлланган мана бу байт эътиборли:

Сув ёқосигаким ёғиб мулдур,

Бу ёқо тугмаси бўлуб ул дур. (СС, X, 6)

Умумтуркий бу сўз ҳозирги туркий тилларнинг кўпида қадимдан маълум бир фонетик фарқлар билан қўлланиб келади⁸⁸.

Жайб ёқа сўзининг арабча эквиваленти ҳисобланади. Бу ўзлашманинг *чўнтак* деган маъноси ҳам бор. Шоир асарларида жайб ҳар икки маънода қўлланган. Ёқа маъносида:

Жайби аро тугма тийру Ноҳид,

Эғнида тирози Ою Хуршед. (ЛМ, IX, 5)

Чўнтак маъносида:

Жайбу этагимни айладим кон,

Йўқ эрди кўтармак ўзга имкон,

Андин чиқтим чу шоду хуррам,

Кўйнум тўла, жайб ҳам, этак ҳам. (ЛМ, IX, 37)

Гирибон форсий ўзлашма бўлиб, ёқа, жайб сўзларининг синоними ҳисобланади. Достонлар тилида, айниқса, Навоий шеърлятида кўп учрайди:

Неча чоки гирибон қилди хома,

Тўқуб ашқини афгон қилди хома. (ФШ, VIII, 15)

Қадимий туркийча **этак** мутафаккир томонидан ҳозиргидаги каби “кийимнинг қуйи қисми” маъносида қўлланган:

Гулдек этак санчибу перохани,

Тўн этагидин кўрунуб савсани. (ҲА, VII, 209)

Ш.Раҳматуллаев бу сўзнинг маъноси ва этимологияси ҳақида шундай ёзади: ЭТАК “устки узун кийимнинг паст қисми”. Бу от қадимги туркий

⁸⁸ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. –Б. 40.

тилдаги “кий-” маъносини англлатган эт феълидан (ЭСТЯ, I, 321) –(ә)к кўшимчаси билан ясалган: эт- +әк = этак. Этак сўзи дастлаб “устки кийимнинг пастига кўшиладиган алоҳида мато” маъносини билдирган, “кийимнинг ажралмас қисми маъноси” кейинчалик юзага келган. (ЎТЭЛ, I, 470-471)

Алишер Навоий асарларида *этак*нинг форсий маънодоши *домон/домона* ҳам қўлланган. НАЛда *этак* – 1. Кийим этаги, ўнгири. 2. Охир, кет. 3. Тоғнинг этаги тарзида изоҳланган. Алишер Навоий асарлари тилида *этак*, *домона* лексемаларининг метафора йўли билан маъно кўчиши учрайди: “*Агарчи ўт тоғ этагин куйдурмагай, аммо қуёш ахтариға нечук ета олғой*” (НАЛ, 710);

Анга тегру ҳар кун ўзи отланиб,

Ҳамул тоғ домонасин айланиб. (СИ, XI, 521)

Енг – қадимий туркий сўзлардан бири. Ҳозирги туркий тилларнинг аксариятида фарқли фонетик вариантларда, “кийимнинг қўлга кийиладиган қисми” маъносида ишлатилади. Э.Севортян *енг* сўзининг этимологияси аниқ эмаслигини, бу сўз баъзи туркий тилларда асосий маъносидан ташқари “енгнинг қуйи қисми”, “этак” маъноларини ҳам англлатишини қайд этган (ЭСТЯ, I, 186).

Алишер Навоий дostonларида, умуман асарларида *енг* сўзи фаол қўлланган:

Силкибон эл яхши-ёмонига енг,

Англаб улус йўқию борини тенг. (ҲА, VII, 146)

Юзунгни олмасам эрди энгимдин,

Аритсам эрди ашқингни энгимдин. (ЛМ, IX, 410)

Алишер Навоий асарларида *ёқа*, *этак*, *гирибон* сўзлари асосий ва кўчма маъноларда кўп ишлатилган. Бу лексемалар иштирокида ҳосил бўлган турли фразеологик бирикмалардан унумли фойдаланилган. Масалан:

Ёқасини чок этмоқ:

Ҳам башар эшитгач ўлуб дарднок,

Дард ила айлаб ёқасин чок-чок. (ҲА, VII, 358)

Этакка илик урмоқ (бировнинг этагини тутмоқ):

Нетти Навоий кўюбон телбалик,

Сен доғи урсанг бир этакка илик. (ҲА, VII, 261)

Этак силкимоқ:

Ҳимматим ул авжда силкиб этак,

Ким ёрутуб гарди била кўз малак. (ҲА, VII, 367)

Нумеративлар ҳам ҳосил қилинган:

Соврулубон кўк бир этак кул киби,

Кўзғалиб анжум бир овуч гул киби. (ҲА, VII, 18)

Кис(с)а. Эски ўзбек тилида қўлланишда бўлган бу сўз форс тилидан ўзлашган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида ҳам фаол ишлатилади. Бу сўз аслида “оғзини бўғиш учун махсус ип ўтказилган, мато ёки чармдан ишланган кичик халтача” маъносига эга бўлиб, ҳозирда тилимизда *чўнтак* лексемасининг синоними сифатида қатъийлашган. Алишер Навоий асарларида *кис(с)а ҳамён*, *чўнтак* маъносида қўлланган:

Йўқ кисада нақддин нишоним,

Бордур керак эрса нақди жоним. (ЛМ, IX, 183)

Кис(с)а ўзагидан ясалган *кисадўз* (НАЛ 313), *киссабур* (ҲА, VII, 289) лексемлари ҳам шоир асарларида мавжуд.

Ҳамён – пул солиб, ёнда, чўнтакда олиб юриладиган халтача, ёнчиқ ЎТИЛда форсий ўзлашма сифатида кўрсатилган. (ЎТИЛ, V, 498) Аммо бу кўшма от соф ўзбекча сўздир. Кўрсатилган маънода манбалар тилида учрайди:

Ёғлиғ ила боғлади бўйнини руст,

Юз ҳамённинг доғи бўйнини сушт. (ҲА, VII, 137)

Тугма қадимий туркий сўз бўлиб, дастлаб ДЛТда қайд этилган: *Тигма эр тўгмәландї* – одам куйлак тугма боғичларини илди, тақди. (ДЛТ, III, 220)

ТУГМА “кийим қисмларини бирлаштириш учун хизмат қиладиган, одатда, думалоқ шаклда ясаладиган буюм”. Бу от қадимги туркий тилда

“тугун солиб боғла-” маъносини англаган **тўг-** феълидан (ПДП, 435; Девон, II, 28) -**мă** қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, III, 307; ПДП, 435; Девон, I, 406); ўзбек тилида **ў** унлиснинг юмшоқлик белгиси йўқолган: **тўг-** + **мă** = **тўгмă** > **тугма**. Бу от асли “боғич” маъносини англаган. Ҳозирги маъноси тугма кашф қилингандан кейин юзага келган. (ЎТЭЛ, I, 354)

Демак, ҳозирги шаклдаги тугма ихтиро этилмаган даврларда тугма сўзи боғични боғлаб туғиш маъносини ифодалаган ва туғмоқ (боғламоқ) феълидан вазифадошлик йўли билан ҳосил қилинган. Бу буюмнинг кийим қисмларини бир-бирига бириктириб турувчи тугма, туғмача маъносида қўлланиши кейинроқ юзага келган.

Алишер Навоий даврида тугма аллақачон кашф қилинган, ёғочдан, суяқдан, қимматбаҳо тош ва металлдан тайёрланган. Шоир асарларида тугма кийимларга қадаладиган буюмдан ташқари турли гавҳар, лаъл, ёқут, кумуш, олтин кабилардан ишланиб, кийимларга ҳашам, безак бериш учун тақиладиган ашёни ифодалаган:

Пардаси жон риштасидин тор ўлуб,

Тугмалари гавҳари шахвор ўлуб. (ҲА, VII, 39)

Ҳозирги ўзбек тилида тугма, бошқа туркий тилларда тугма ва топчу сўзлари ишлатилади. Чунончи, озарбайжон тилида *дугмэ*, татар тилида *туйма*, *туймача*, қозоқ тилида *туйма*, жанубий қирғизлар тилида *туйма*, *туймочо*, *муйуз топчу* – суяк туғмача, ёқут тилида *тумах*, қўмиқ тилида *тойме*, олтой тилларида *топчу//топчи* ва б.

Ўзбек тили шеваларидан: Фарғона, Қўқон, Андижонда *тугма*, *туйма*, Наманганда *тума*, *туйма*, Тошкентда *тувмэ*, *тумача*, Шаҳрисабз, Самарқандда *садан//садаф ту:мэ*, Ўшда *туймэ//ту:мэ*, Хоразмда *туйма*.

Тугма ўғиз гуруҳи тилларда *дуйма*, *дувма*, *илиг*; қипчоқ тилида *топчу*, марказий ўзбек шеваларида *тугма//тувма*, *туйма* тарзида қўлланилади⁸⁹.

Тугмалар кийим-кечаклардан ташқари уларни йиғиб туриш учун пардаларга ҳам қадалган:

⁸⁹ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. –Б. 39.

Айламасун деб ел ила парда сайр,

Байзасидин тугма тоқиб анда тайр. (ҲА, VII, 39)

Остар (астар) дастлаб араб тилида “ёпинчик, парда” маъноларига эга бўлган. Бу сўз форсий тилларга ўзлашиб, “ичдан тикилган мато” маъносини касб этган. Ҳозирги ўзбек тилида кийим ёки кўрпа, кўрпача сингари нарсаларнинг ички қавати, ички томонига тикилган материал астар термини билан юритилади. Атама “Ҳайрат ул-аброр” достонида айни шакл ва маънода ишлатилган:

Атласи гардун била минг зебу фар,

*Тўрқа тўни остида кўк **остар**. (ҲА, VII, 101)*

Либосларга ёрдамчи буюмлар кийилмайди, балки бош ва уст кийим устидан ўралади, боғланади ёки тақилади. Алишер Навоий асарларида учрайдиган бу буюм турларига: *қур, белбоғ, боғ, боғич, камар, такбанд, фута/фўта* кабиларни киритиш мумкин. Мисолларга мурожаат этамиз:

*Белига зарришта **қурин** банд этиб,*

*Балки зарофат била **такбанд** этиб. (ҲА, VII, 358)*

Ушбу байтда қадимги туркий тилда мавжуд бўлган, эски туркий тилда ҳам ишлатилган, замонавий туркий тил шеваларида ҳозирда ҳам истеъмолдаги **қур**, яъни *белбоғ* сўзи ва унинг синоними сифатида **камар** форсий ўзлашмаси қўлланганини кўрамиз.

Қур қадимги туркий тилда *qur*, эски турк. *qur*, эск. ўзб. ад. *qur, qor*, тур. *kur*, тат. *qur*, уйғ. шев. *qor*, сар. уйғ. *qur, qor*, хак. *xur*, ойр. *qur*, ёқ. *kur*, тува *qur*, қирғ. *qur*, қоз. *qur*, ққал. *qur* кўринишида мавжуд⁹⁰.

Ҳозирги туркий тилларда учрайдиган *қуршоқ* ва инлаутдаги *р* тушиб қолиши натижасида кейинчалик пайдо бўлган *қушоқ/қўшоқ* сўзлари қадимги *қур* сўзидан келиб чиққани маълум. *Қуршоқ* “белбоғ боғламоқ”, «қуршаб олмоқ» маъносидаги *қурша* феълидан ясалган. *Қурша* эса қадимги *қур* (*кур*) ўзагидан *-ша* қўшимчаси билан ясалган. *Қурша* феълидан эса от ясовчи *-қ*

⁹⁰ Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. – Тошкент: Фан, 2010. –Б. 138.

воситасида *қуршоқ* ҳосил қилинган. *Қур, қуршақ* XI аср ёзма манбаларида *белбоғ* маъносида ишлатилган.

Белбоғ – белга боғланадиган тўртбурчак мато, кийик. Бу қўшма от кадимги туркий тилда *бел бағи* бирикмасининг бир сўзга бирикишидан юзага келган. Кейинчалик эгалик аффикси талаффуз қилинмай қўйган; ўзбек тилида **а** унлиси **â** унлисига алмашган: **бел бағи** > **белбағи** > **белбағ** > **белбағ** (ЎТЭЛ, I, 45). “Фарҳод ва Ширин” да қайд этилган маънода қўлланган:

Чиқиб устига бармоқ шаҳсувори,

Бўғун белбоғию тирноқ-узори. (ФШ, VIII, 23)

Алишер Навоий ижодида белбоғ сўзининг *белбоғча* каби кичрайтириш шакли ҳам учрайди:

Не кўрунди қоматингча найшакар ширину туз,

Не андин банди белингда боғлагон белбоғча. (АНАТИЛ, I, 263)

Замонавий туркий тилларда бу сўз фонетик ўзгаришларда учрайди: татар тилида – *билбау*, нўғой – *белбев*, қорачой болғор – *белибау*, қирғиз – *белбоо*, қозоқ – *белбеу*.

Белбоғ ҳозирги ўзбек адабий тилида шу тарзда қатъийлашган. Ўзбек тили шеваларида: Қарши, Шаҳрисабзда – *белбақ*, Наманган, Уйчи, Тошкент шеваларида – *белбоғ*, Андижон, Фарғонада *белвоқ//белвақ//белбағ*, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах қипчоқ гуруҳи шеваларида *белбов* шаклларига эга⁹¹.

Такбанд. Бу сўз тожик тилидаги “ост” маъносини англатадиган *таг* оти билан “боғла” маъносидаги *бастан* (боғламоқ) феълининг ҳозирги замон негизи *банд* сўзини қўшиб ҳосил қилинган. Алишер Навоий луғатларида *такбанд* “камар”, “белбоғ” деб изоҳланган, шу маънода “Ҳайрат ул-аброр” да қўлланган:

Тоза гияҳ тифлга монанд ўлуб.

Белга бўғундин анга такбанд ўлуб. (ҲА, VII, 301)

⁹¹ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. –Б. 34-35.

“Бобурнома”да ҳам бу сўз учрайди: “Умаршайх Мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлик тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва **такбанд** ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур”⁹².

Таъкидлаш керакки, такбанд аёллар белбоғи ҳамдир. Бу буюм ипак ёки бахмал матога зар билан тикиб тайёрланган.

Камар – либосларга ёрдамчи буюмлардан яна биридир. Форс-тожик тилидан ўзлашган мазкур истилоҳ ўзбек тилида белбоғ, қайиш белбоғ маъносига эга. *Камар* ва унга сўз қўшиб ҳосил қилинган *камарбанд* лексемалари эски ўзбек тилида мавжуд. Достонлар тилида ҳам бу сўзлар қўлланган:

*Келиб қўйдилар бошига тожи зар,
Либоси зар устига заррин камар.* (СИ, XI, 313)

“Бирор ишга астойдил киришмоқ, жазм қилмоқ” маъносини ташиган “камар боғламоқ” ибораси шоир битикларини бойитган:

*Кулла қотиглиққа чу боглаб камар,
Тиги бўлуб чехра хароши қамар.* (ҲА, VII, 227)

Қуйидаги мисолда эса шоир *камар* сўзи ёрдамида ажойиб омонимик ифодани моҳирона яратган:

*Камар боглаб йиқорга чун ҳажарни,
Йиқиб ҳар зарби дасти бир камарни.* (ФШ, VIII, 278)

Фута/фўта. “Хамса” достонлари тилида фута: 1. Ипак ўрама белбоғ (гоҳо буни салла ўрнида бошга ҳам ўрашади). 2. Ҳаммомда белдан пастга тутиладиган лунги маъноларида қўлланган. (НАЛ, 644) Мисоллар:

*Футалар мушки анбар оғушта,
Тортилиб ип ерида зарришта.* (СС, X, 267)

Умуман, ҳовуз ёки табиий сув ҳавзаларида чўмилганда ҳам футадан фойдаланилган:

*Боғлабон белга сандали фўта,
Урди чун ҳавз аро кириб гўта.* (СС, X, 351)

⁹² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 34.

Қуйидаги парчада эса **фўта** сочиқ ўрнида ишлатилганини кўрамиз:

Еттилар хизмати амрига чолок,

*Очибон қўлда **фўталар** бори пок.*

Хожжага бандавор туттилар,

Суртубон жисмини қуруттилар. (СС, X, 344)

Форс тилида фўта (футе) дастор (салла); рўмол; лунги (ҳаммомда белга тутиладиган мато) маъноларида изоҳланган⁹³. ЎТИЛда бу сўз изоҳи етарли эмас: Фўта – (ф. матодан қилинган белбоғ) белга бир неча марта айлантириб ўраладиган узун белбоғ. (ЎТИЛ, IV, 369) Ваҳоланки, ўзбек шеваларида фўта бир неча маъноларда учрайди. Ф.Абдуллаев унинг илгари (60 йилча аввал) белбоғ, қийиқ маъноларида ишлатилгани ҳақида маълумот беради⁹⁴.

Ш.Норбаеванинг қайд этишича, **пўта** ҳозирги пайтда, асосан, бир маънода – “аёлларнинг катта рўмоли” маъносида ишлатилади. Шунга кўра, унинг *пух пўта, шерыс пўта* каби турлари кенг тарқалган. Олима бу сўзнинг этимологиясини форсий пуд (пўд) сўзига боғланишидан кидиради. Унинг фикрича, “пуд текстиль” термини сифатида арқоқ; арқоқ ипи маъносини англатади. Унга тааллуқлилиқ маъносидаги “-а” ни қўшиш натижасида пўда (пўта) сўзи ҳосил бўлган⁹⁵.

Фута лексемасининг синоними бўлган *лунг* ҳам тадқиқотимиз объектида қайд этилган:

Лек содиқ белига боғлаб лунг,

Сувга кирди нечукки баҳрга жунг. (СС, X, 344)

Умуман, Алишер Навоий сўз бойлигидаги маиший лексикага хос, хусусан, белга боғланадиган буюм номлари ҳозирги ўзбек тили ва унинг шеваларида қўлланишда давом этмоқда, бу таркиб кейинги даврларда яна бойиган, чунончи: *қур, белбоғ, камар, фўта (пўта), тасма, қурсоқ, қўшоқ, қайиш, тасма, қарс (белқарс), чорси, қийиқ, ўрама* каби.

⁹³ Персидско-русский словарь. Том I. – М.: Русский язык, 1983. –С. 312.

⁹⁴ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. –Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961. –Б. 76.

⁹⁵ Норбаева Ш. Хоразм шевалари касбий лексикаси шаклланишининг ономаσιологик тамойиллари/ Филол. фан. доктори диссертацияси. – Тошкент: 2016. –Б. 94.

Боб бўйича хулосалар

1. *Бўрк, тўн, кўнглак, қафтан, декла, ўтук* каби кўпгина асл туркий кийим номлари қадимги ва эски туркий тилда мавжуд бўлиб, ҳозирда бир қатор замонавий туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам бир оз маъно ва фонетик ўзгаришлари билан қўлланиб келмоқда;

2. Кийим-кечаклар лексикасининг лексик-семантик тадқиқи либосларнинг номланиши, келиб чиқиши, табақавий (*хилъат, дебо, ридо, тайласон*) ва жинсий (*бурунчак, фўта, миқна,*) хосланганлиги, қандай мато ёки материалдан тайёрлангани (*киш бўрк, қўзи пўстин, ҳарир ҳулла, тўрқа тўн*), кийим-кечакларнинг қисм ва атрибутлари (*қур, энг, киса, остар*), ранг-туси (*бинафша елак, қизил ширдоғ, лиму бўрк* ва бошқа сифатлари тўғрисида кенг маълумотларни тақдим этади;

3. Алишер Навоий асарларида кийим-кечак номлари ўз қатламга оид лексемалар, шунингдек, ўзлашган қатламга оид бирликлар билан ҳам ифодаланган. Форсий тилдан ўзлашган лексемалар қаторини *дастор, пўстин, киш, дебо, пашмина, ос, синжоб, жанда, мошоб, такбанд, наврўзи, нимтарк, калапўш, кафш, домана, жайб, киса, рўпок, камар, такбанд, фута, пойтоба* кабилар ташкил қилади.

4. Араб тилидан ўзлашган кийим-кечакка оид лексемалар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *хилъат, қабо, жубба, хирқа, ҳулла, або, ридо, тайласон, тоқия, амома, бурқаъ*. Булар орасида бошга кийиладиган ёки ўраладиганлари: *тоқия, амома*; уст кийимлар: *хилъат, ҳулла, қабо, хирқа, жубба, ридо, тайласон*; дин аҳлига мансуб ёпинчиқлар: *ридо, тайласон*; шайх, дарвеш ва қаландарлар кийимлари: *або, хирқа*; юзга тутиладиган парда: *бурқаъ*;

5. Эски ўзбек тили луғат бойлигидаги кийим-кечаклар лексикасини қадимги ва эски туркий тил, замонавий туркий тил ва шевалар билан қиёслаш орқали либос ва улар атамалари тараққиётини тарихий кўламда кузатиш мумкин бўлади.

III BOB. МАИШИЙ ЛЕКСИКАНИНГ ДЕРИВАЦИОН ВА ГЕНЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Достонлар тилидаги маиший лексиканинг салмоқли қисмини ясама сўзлар ташкил этади. Бундай ясама сўзлар, асосан, икки хил усул билан ҳосил қилинган: 1) морфологик усул билан ясалган лексемалар; 2) синтактик усул билан ясалган лексемалар. Аффикслар ёрдамида ҳосил қилинган сўзлар асосий қисми ташкил этса, иккинчи усулда ясалиш нисбатан камроқ. Албатта, манбалар тилида лексик-семантик усул билан ясалган лексемалар ҳам мавжуд.

3.1. Морфологик усул билан ясалган лексемалар

“Хамса”даги достонларда маиший лексикани аффиксация усули билан ҳосил қилиш сермахсул бўлиб, бунда отдан от ва феълдан от ясовчи қўшимчалар фаол қатнашган.

Маълумки, морфологик ёки аффиксал усул деганда, ясовчи исм ва феъл асосига (ўзагига) махсус сўз ясовчи аффиксларни қўшиш орқали янги сўз яшаш тушунилади. Айрим аффикслар унумли, бошқалари унумсиз. Айрим аффиксларни фақат этимологик тадқиқ қилиш, бошқа туркий тиллардаги қиёсий тарихий материаллардан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин. “Хамса” достонларидаги маиший лексика таркибига хос сўз ясалишининг бир мунча маҳсулдор аффикси **-к, -қ, -ғ, -ак, -ик, иқ, -оқ, -уқ** умумий туркий қўшимчалардир. Ушбу аффиксли отлар кўпинча қуйидагиларни билдиради:

-к, -қ, -ғ унли билан тугаган феъл асосларидан нарса-қурол оти ясайди: *тўшак, айнак, эгак, битик, тароғ, ялог*.

Мисоллар:

Кат юзида тўшак солиб неча қот,

Анда ётқузди зору хастани бот. (СС, X, 288)

Етиб маҳвашнинг оллинда ер ўпти,

Битикни ерга қўйди, доғи қўпти. (ФШ, VIII, 416)

Форсча сўзга туркий кўшимча кўшиш орқали янги сўз ясалган: ойна+к > ойнак. Мисол:

*Кўзга чу ўчти басардин чароғ,
Шишаи **айнак**дур анга эски доғ. (ҲА, VII, 307)*

-к II тақлидий сўзлардан ясалган феълларга кўшилиб, асосдан англашилган ҳаракатни бажарувчи предметлар номини ясайди: *фирфирак*. Мисол:

*Ёва кўп айтурда бири чирчирак,
Чарх кўп урмоқда бири **фирфирак**. (ҲА, VII, 143)*

Алишер Навоий дostonлари тилида одатдаги нарса-курол ясовчи -к ўрнида -ғ қўлланган. Масалан, *тароқ* эмас, *тароғ*:

*Кўруб ул рангрзлик ишларини,
Тароғ кулмакка очиб тишларини. (ФШ, VIII, 122)*

Демак, унли билан тугаган феъл асослари, айрим тақлид сўзларга -к, -к, -ғ кўшилиб янги сўз ясалиши қуйидагича:

тўша+к > тўшак, ойна+к > айнак, бити+к > битик, тара+ғ > тароғ, яла+ғ > ялоғ, яма + ғ > ямоғ, фирфира+к > фирфирак ва ш.к.

-ак, -ок, -оғ, -ук, -ук, -уғ ундош билан тугалланувчи феъл асосларига кўшилиб, нарса, курол билдирувчи отлар ясайди: *пичоқ, чангак, қозуқ, тузоқ, ўтук, узук, увуғ, ёпуғ*.

Мисоллар:

*Камар тигидин сарсар андоқ эсиб
Ки, ҳар ерга тегса **пичоқ**дек кесиб. (СИ, XI, 252)
Дебсабу сайҳа чекиб андоқки пил,
Чангаки нафс олида хору залил. (ҲА, VII 143)*

Навоийда *тузоқ/тузоғ* шакллари қўлланган:

*Бало ичра фароғи бирла келмиш,
Тузоққа ўз аёғи бирла келмиш. (ФШ, VIII, 258)*

“Лайли ва Мажнун” дostonи бобининг бошланма насрий қисмида ҳам бунга мисол учрайди:

*Мажнуннинг фироқ чоҳида танур ичидаги ўтдек тоби ва ҳажр бандида **тузоққа** тушиган қушдек изтироби.* (ЛМ, IX, 119)

Ўтук (этик):

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,

*Кенг **ўтук** ўлди оёқ осойиши.* (ҲА, VII 177)

Ёпуғ:

*Тушта кўрган киби **ёпуғи** қаро,*

Изтироб ўти тушти жони аро. (СС, X, 158)

Қозуқ:

***Қозуқ** сиймину зарринким қоқилгон,*

Кавокибдек сиреҳр узра чоқилгон. (ФШ, VIII, 144)

Демак, ундош билан тугаган феъл асосларига **-ак, -оқ, -оғ, -ук, -ук, -уғ** кўшимчалари қўшилиб, нарса, қурол отлари ясалиши қуйидагича: бич+ак > бичак, пич+оқ > пичоқ, чанг+ак > чангак, қоз+ук > қозуқ, туз+оқ > тузоқ, ўт+ук > ўтук, ув+уғ > увуғ, ёп+уғ > ёпуғ ва ш.к.

Шуни таъкидлаш лозимки, академик А.Ҳожиев ҳозирги ўзбек тилида **-ги (-ки, -қи)** кўшимчаси билан ясалган *керги, сунурги, чопқи, санчқи* каби; **-қ** аффикси билан ясалган *ўроқ, тароқ, қайроқ* каби санокли сўзлар борлигини қайд этиб, уларни унумсиз аффикслар эканини кўрсатади. Академик олим шундай ёзади: “...бу аффикслар, биринчидан, ҳозирда янги сўзлар яшаш учун қўлланмайди, ўз вазифасини тўхтатиб маҳсулсиз кўшимчага айланган. Иккинчидан, бу кўшимчалар аслида ҳам асбоб-қурол маъноли от ясовчи маҳсулли аффикс бўлмаган. Улар ёрдамида ясалган отлар бошқача маъноларни ҳам билдирган. Айримларигина асбоб-қуролни ҳам билдирган. Масалан, юқоридаги отларга қуйидаги сўзларни қиёсланг: *кулги, севги, тепки, кўчки, туртки, сочқи; буёқ, мудроқ, сувоқ, эсноқ* ва б. Демак, **-қ, -ги (-ки, -қи)** аффикслари ёрдамида ясалган отлар оз миқдорда бўлиши билан бирга, улар сўз ясалишининг муайян типини ташкил этмайди (ҳатто, кейинги келтирилган сўзларда ҳам). Шунинг учун ҳам аниқ бир типдаги сўзларни

ясовчи сифатида ўз вазифасини давом эттира олмаган, маҳсулсиз аффиксга айланган”⁹⁶.

Ҳар ҳолда биз юқорида кўриб ўтган **-к, -қ, -ғ, -ак, -ик, иқ, -ок, -ук** аффикси асбоб-қурол маъноли от ясовчилар орасида ўз даврида бир қадар маҳсулдор эканлиги маълум бўлди. Қолаверса, уларнинг бошқа маъноли от яшашларини ҳам инобатга олсак, бу айтган фикримизни қувватлайди.

-лик аффикси. Бу қўшимча ҳам қадимги, ҳам замонавий туркий тилларда энг сермаҳсул сўз ясовчилардан биридир. Бу аффикс турли фонетик вариантларда ифодаланади. Бу ҳол ясовчи асосдаги охирги ундошнинг бу аффикс бошланғич ундошига ассимилятив таъсири натижасида юз беради. **-лик** аффикси кўп маъноли аффикслар гуруҳига кирса-да, ушбу қўшимча билан ясалган сўзларда маънолар миқдори барча туркий тилларда бир хил эмас⁹⁷.

Алишер Навоий асарлари тилида **-lik / -liq / -lig / -liγ / -luk/ -lük / -luq/ -luγ** аффикслари ҳам нисбатан сермаҳсул сўз ясовчи қўшимча саналади. Хусусан, булар кийим-кечак, уй-жой, ошхона жиҳозлари номларини яшашда фаол иштирок этади. Масалан: *ёглиқ, тунглуқ, тўрлуқ, дурлуқ, асолиқ* каби.

Бу аффикс нарса-буюм оти яшашдан ташқари мавҳум от ҳам ясайди: *шоҳлиқ, дилдорлиқ, хорлиқ*. Унинг ишлатилишида палатал ва лаб уйғунлиги бузилмайди. Охирги бўғини лабланмаган унлили қаттиқ ўзакли сўзларга **-лик** қўшилади: *шоҳ – шоҳлиқ, рост – ростлиқ*⁹⁸. Охирги бўғини лабланмаган унлили юмшоқ ўзакли сўзларга бу аффикснинг **-лик** варианты қўшилади: *тер – терлик*. Охирги бўғини лабланган унлили қаттиқ ўзакли сўзларга **-луқ** варианты қўшилади: *дур – дурлуқ*.

Қуйида бу аффикс ёрдамида ҳосил қилинган маиший лексикага оид нарса-буюм номларини кўриб чиқамиз.

⁹⁶ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши тизими. – Тошкент: “О‘қитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – Б. 88.

⁹⁷ Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология / Отв. ред. Э.Р.Тенишев. –М.: Наука. 1988. –С.138.

⁹⁸ Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 73.

Тунгдук/ тўнглўк – ўтов, эски замон уйларида ёруғ тушиши, тутун чиқиб кетиши учун хизмат қилган тешик. Ясалиши: **тўн // тўн + -лўк = тўнлўк // тўнлўк**.

Мисол:

Оқ уйга эшик руст, тунгдук доғи,

Бўлуб кўрага эв даврига тўк доғи. (СИ, XI, 250)

Кўзгулук туркий тилдаги буюм отини англатувчи **kozgu** сўзига **-luk** аффиксини қўшиб ясалган: **kozgu + -luk = kozguluk**. Бу кўзгуга материал бўладиган ашё ёки кўзгу ўрнини босадиган, тиниқ акс қайтарадиган буюм маъносини билдиради:

Неча ҳусн ичра жилва зоҳир анга,

Кўзгулук айлабон мазоҳир анга. (СС, X, 7-8)

Асолик – ҳассалик, таёқлик. **Асолик** араб тилидан ўзлашган, курул отини англатувчи **aso** сўзига **-liq** аффиксини қўшиб ясалган: **aso + -liq = asoliq**. Бу сўз асо, ҳассага материал бўладиган *ёғоч, таёқ* маъносини билдиради:

Йўлимда не ким аждаҳолик қилиб,

Кўлумда мададга асолик қилиб. (СИ, XI, 55)

Дурлик араб тилида “марварид” маъносини, ўзбек тилида эса “марвариднинг йирик донаси” маъносини англатувчи **dur** отига **-liq** қўшимчасини қўшиш орқали ясалган: **dur + -liq = durliq**. Бу сўз дурга ашё бўладиган баҳоли тош маъносини англатади. Мисол:

Агарчи йўқ турур дурлуқ талоши,

Эрур тош ўлса ҳам чақмоқ тоши. (ФШ, VIII, 46)

Терлик: **ter+ -lik = terlik**. Мисол:

Парри магас ҳам дема, шабнам дегил,

Терлик анинг устига байрам дегил. (ҲА, VII, 288)

Ёғлик эски ўзбек тилида “дастрўмол”, “рўмол” маъносини англатиб, туркий тилдаги *мой* маъносига эга **yoу** отига **-liq** аффиксини қўшиб ясалган:

yoу + -liq = yoуliq. Бу лексема шоир дostonларида, ғазал ва бошқа насрий асарларида қўлланган. Мисоли:

Ёғлиғи ул ҳуллаи зарриштакаш,

Ким анга жонлар чекибон риштакаш. (ҲА, VII, 288)

Ёғлиқ ясалмасига **-и** эгалик аффикси қўшилгани боис *ёғлиғи* шаклига ўтган.

Зиналиғ “поялик, зинапоялик” маъносини ифодалаб, форсий тилдаги “нарвон, пиллапоя” маъносига эга **зина** отига **-liy** аффиксини қўшиб ясалган:

zina + -liy = zinaliy. Мисоли:

Поя етти зиналиғ тахтингга етти чарх ўлуб,

Тахт пўшунг зийнати тарсиъ ахтар бўлди тут. (НАЛ, 638)

-гу, -қу (-ғу/-қу) аффикси. Бу аффикс отдан ва феълдан иш қуроли, асбоб, нарса-буюм оти ясайди: кўз – кўзгу, супур (супурмоқ) – супургу; тепин (тепинмоқ) – тепингу (узанги). Мисол:

Сувга сафол ичра ҳаловат дурур,

Кўзгуга кул бирла тароват дурур. (ҲА, VII 177)

Қуйидаги байтларда ҳам **-гу** қўшимчаси билан ясалган бошқа иш-қурол отлари иштирок этган:

Субҳ этар ҳар сори ёғду била,

Тун қорасин пок супургу била. (ҲА, VII, 359)

-чак/-чак аффикси. Бу аффикс асбоб ва қурол оти ясайди: *алин* (пешона) – *алинчак* (отнинг пешонасига тақиладиган зийнат асбоби); *йарғу* (ёриш) – *йарғучак* (қўл тегирмон); *силкин* (силкинмоқ) – *силкинчак* (бўйинга осиб қўйиладиган тумор ёки зийнат асбоби)⁹⁹. Бу қўшимча билан *бурунчак* (аёллар ёпинчиғи) каби нарса-буюм оти ҳосил қилиниши ҳам мавжуд.

-чоқ / чуқ отларга қўшилиб, кичрайтиш маъносидаги от шаклини ҳосил қилади: *ўйинчоқ, қўғирчоқ, алачуқ* каби.

Қовурчоқ – қўғирчоқнинг эски ўзбек тилидаги шакли. Туркий тилларда турли фонетик вариантларда: қадимги турк – қудурчук, ўзб. – қоғирчак, турк., ўзб. диал. – қуржак; қирғ. – қу:рчак, турк. диал., қўм., тат., ўзб.диал. - қурчак, бошқ. – қурсак, қоз., қ.қал., нўғ. қав^о ыршақ, уйғ., эски

⁹⁹ Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1984. –Б. 70.

ўзб., эски туркий – қоғурчақ, турк диал., ўзб. диал., уйғ. диал. – қорчақ, уйғ. ко(о)рчақ, турк диал. – кавурчақ шаклларида мавжуд. Бу тилларда асосан, “қўғирчоқ”, кам ҳолда “ўйинчоқ”, жуда кам “худо”, “ҳайкал” маъноларида қўлланади. Э.Севортян туркий тилдаги *қав^о урчақ* “алдамоқ” маъносидаги *қав^о ур* феълига ясовчи *-чак* қўшимчасини қўшиб ёки “қўғирчоқ” (кукла) маъносидаги отга кичрайтириш маъносидаги **-чак** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлса керак, деб ҳисоблайди. (ЭСТЯ, VI, 161-162)

Таниқли турколог олим Калсын Кадыраджиев ишларида ҳам бу сўз этимологиясига оид қарашлар учрайди. Унинг ёзишича, тоғли олтой тилида “санам, худо” маъносидаги *қурту* теоними мавжуд бўлиб, чиғатой тилидаги “ҳайкал” маъносига эга *қўрчақ*, илк маъноси “қўғирчоқ шаклидаги аждод, худо, бут”дан ўсиб чиққан умумтуркий *қувурчақ / қурчақ* шакллари бу сўзга таққослаш, мослаштириш мумкин. *Қувурчақ* фонетик вариантнинг мавжудлиги бу ўринда бирламчи база *қур-* шаклигача қисқарган *қовур-* деб тахмин қилишга имкон беради. Қиёсланг: чиғатойча *қовурчақ*, ўзбек тилида *қўғирчоқ*, қўмиқ тилида *къурчакъ*¹⁰⁰.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, лексема ясалишини шундай кўрсатиш мумкин: **қавур+чақ = қавурчақ.**

Қовурчоқ отидан *-чи* ясовчиси билан *қовурчоқчи* ҳосил қилинган. Мисол:

Балки қовурчоқчи каби ҳийлагар,

Кўргузубон чодиридин минг сувар. (ҲА, VII, 262)

Қовурчоқчи – чодирда қўғирчоқ ўйнатувчи, қўғирчоқбоз. Байтнинг мазмуни: *қўғирчоқбоз каби бу ҳийлагар осмон ўз найрангбозлик чодирда минг хил сураатлар кўрсатади.*

Ҳозирги ўзбек тилида бу сўздаги **а** унлиси ў унлисига, **в** ундоши ғ ундошига, иккинчи бўғиндаги **у** унлиси **и** унлисига, қўшимчадаги **а** унлиси **о** унлисига алмашиб ишлатилади: **қўғирчоқ.**

¹⁰⁰ Кадыраджиев К. Мифонимы палеотюркского происхождения (О мифологических элементах кумыкского языка). <http://kumukia.ru/mifonimiyi-paleotyurkskogo-proisxozhdeniya.html>

Алишер Навоий асарларидаги бир сўзнинг ҳозирги нашрларда турлича ёзилиши ўзбек матншунослигида бундай муаммоларни ҳал этиш лозимлигини кўрсатади. Масалан, эски ўзбек тилидаги чайла, қапа; ўтов, чодир маъноларини билдирувчи **алачуқ** Алишер Навоий асарлари ва унга тузилган луғатларда *алочуқ* (8-ж., 168-б.) *олачуқ* (6-ж., 549-бет), *олочуз/олочуқ* (НАЛ, 483-б.), *алочуз/алочуқ* (АНАТИЛ, I, 81) шаклларида турлича ёзилган. Масалан:

Ичи куйган йиғоч ковоки очуқ,

*Бўлуб гулу шаётинга **алочуқ**.* (ФШ, VIII, 168)

*Баҳроми Гўр ҳикоятим, уч **олачуқ** элига меҳмон бўлди.* (СС, X, 438)

Сайл йўлида фано даштида мужгоним эмас,

*Кўз **олочуқларининг** дуд еган угларидур.* (ФК, VI, 549)

Нуфузли этимологик луғатларда бу сўзнинг туркий тиллардаги фарқли маънолари ва фонетик вариантлари қайд этилган, *алачуқ* / *алачуз* таркибидаги ўзак (*ала-*) бўйича турли талқинлар бўлса-да, *-чуқ/-чуз* кичрайтириш оти ясовчи қўшимча экани кўрсатилган. (ЭСТЯ, I, 130–132)

-ма аффикси. Ўрганилаётган объектда бу қўшимчалар билан ясалган санокли отларгина мавдуд. Аммо академик Азим Ҳожиёв кўрсатганидек, ҳозирги ўзбек адабий тилида фақат уч аффикс: **-ма**, **-нома**, **-гич** аффикслари сўз яшаш вазифасини тўхтатмаган, маҳсулли аффикслар ҳисобланади¹⁰¹.

-ма аффикси ёрдамида ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги маъноли отлар ясалган ва ясаляпти.

1. Феълдан англашилган иш-ҳаракат учун мўлжалланган, шунга белгиланган нарсани билдирувчи отлар: қоплама, тиркама, йўқлама, қўлланма, кўргазма, босма, тўшама каби.

Достонлар тилида шундай усулда ясалган сўзлар ҳам маъносига кўра шу таъриф ва қолипга мос келади: *туз-* + *ма* > *тузма*, *чот-* + *ма* > *чотма* (қапа, чайла) каби. Демак, **-ма** урғули морфема феълдан от ҳосил қилган. Мисол:

¹⁰¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: О‘қитувчи, 2007. –Б. 81.

Сув ёқосизаким ёғиб мулдур,

Бу ёқо тугмаси бўлуб ул дур. (СС, X, 6)

Ов аро бир кун озиқиб бегумон,

Бўлди биров чотмасига меҳмон. (ҲА, VII, 338)

-и/-йи аффикси. Алишер Навоий тилида форс-тожик тилидан ўзлашган, “ёйи нисбат” деб аталувчи, анча унумли **-ий** мавжуд бўлиб, отлардан сифат: диний, яқиний ва нисбий от: одамий (инсон), зиндоний (махбус), Навоий, Лутфий (тахаллус) ясайди. А.Ғ.Ғуломовнинг фикрича, ўзбекча сифат ясовчи **-и** аффикси ҳам мавжуд бўлиб, бу аффиксга алоқаси йўқдир¹⁰².

Дарҳақиқат, Алишер Навоий дostonларида, шунингдек, бу давр ёзма адабиётида бунга мисоллар учрайди. Масалан: *мўғили бўрк* (мўғулча телпак), *қалмоқи эгар* (қалмоқча эгар), *чаркаси довулга* (черкасча дубулға), *шерози гилам* каби.

Таъкидлаш жоизки, **-и /-йи** аффикси билан сифат ясалиши ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд: *баҳори олма, қишлоқи бола* каби. *Чинни идиш* ҳам аслида шу асосда келиб чиққан. Лекин негадир кейинги йилларда нашр этилган ҳозирги ўзбек адабий тилига оид дарслик ва қўлланмаларда бу ҳақда маълумот учрамайди. Бу қўшимча билан отлардан сифат ясалганда, ундош билан тугаган асосга **-йи**, унли билан билан тугаган асосга **-и** қўшимчаси қўшилади, масалан: *хитойи қозоз, пошшойи кўйлак* каби. Пошшойи кўйлак – шойи матодан (“Бухоро шойиси”) ишланган, асоси “подшо шойиси” деган маънони англатади¹⁰³. Бизнингча, Навоий асарлари нашрларида бундай усулда ясалган айрим сўзлар *черкасий, наврўзий* тарзида нотўғри ёзилмоқда. Масалан, “Садди Искандарий”даги мана бу байтга эътибор берайлик:

Кумушдек ёруғ барчанинг кўҳаси,

Боз узра довулгалар чаркасий. (СИ, XI, 190)

¹⁰² Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 1984. –Б. 76.

¹⁰³ Зайрова Қ. Қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларининг лексик–семантик хусусиятлари // Сўз санъати, 2021, №3. –Б. 152.

Маълумки, дoston аруз тизимининг сариъ баҳри – сариъи мусаддаси матвийи макшуф (рукнлари ва тақтиъи: муфтаилун муфтаилун фоилун –VV – / – VV – / –V –) вазнида ёзилган¹⁰⁴. Бинобарин, *чаркасий* ёзилган бу сўз биринчи мисрадаги *кўҳаси* каби очик ҳижода *чаркаси* бўлмоғи керак.

Сифат туркумидаги сўзлар ўрни билан (кўпинча контекста) от туркумига ўтиб, отлик вазифасини бажариб келиши мумкин. Яъни бунда сифат белгиликни эмас, предметликни ифодалайди. Сифат куйидаги ҳолларда отга кўчади: сифат аниқлаб келган предмет аниқланмиш (сифатланмиш) тушиб қолганда, яъни сифатланмишнинг тушиб қолиши сифатловчини отга (предмет маъносини англатувчи сўзга) кўчиради. Сифатловчи гапда сифатланмишнинг функциясини, маъносини ва грамматик формантларини ўзига олади. Бундай ҳолда аниқланмишни айтишга эҳтиёж бўлмайди, натижада отлашиш ҳодисаси юз беради¹⁰⁵. Бир сўз туркумининг контекста бошқа сўз туркуми вазифасида келиши, синтактик йўл билан бошқа туркумининг вазифасини бажариши мумкин. Лекин бу ҳодиса бир сўзининг бир туркумдан иккинчи туркумга тамоман кўчиб кетиши саналмайди, балки бирор сўз бошқа туркумдаги сўзнинг вазифасини бажариб келганда, кейинги сўзнинг семантик ва грамматик хусусиятларига эга бўлади. Навоий дostonларида мана шундай отлашган сифатлар қўлланган:

Қизиқ кул тоби йўқ ончаки синжоб,

Йўқ олтойича ёнгон шуълага тоб. (ФШ, VIII, 112)

Олтойи – олтой тулкиси терисидан тикилган пўстин, устки кийим номи. *Атлас кўйлак* бирикмасидаги сифатланмиш ўрнига *атлас* сифатининг ўзи қўлланавергани каби олтойи пўстин ўрнига отлашган олтойи сўзи ишлатилган ва бу кийим номига айланган.

Маълумки, узоқ асрлар яқин алоқада бўлган ўзбек ва тожик халқлари кўп жиҳатдан, жумладан, тил томондан ҳам бир-бирига жиддий таъсир кўрсатган. Ўзаро таъсирни турли оилага мансуб тожик ва ўзбек адабий

¹⁰⁴ Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент: Akademnashr, 2013. –Б. 100.

¹⁰⁵ Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифатлар. – Тошкент: Фан, 1974. –Б. 56.

тиллари лексикасида эмас, балки уларнинг товуш таркибидаги грамматик қурилишда ҳам кўриш мумкин. Лексикада: кафт, обрў, оҳанг, баҳор, бекор, хамроҳ, пойтахт, астойдил, оташин, баланд, паст, камтар, рўпара каби; фонетикада: ўзбек тили унлилар тизимидаги айрим ўзгаришлар, тожикча сўз бошида **г, л, з, в, р** товушларининг одатий қўлланиши; грамматикада: **-боз, -бон, -дўз, -намо, -паз, парвар, -фуруш, -хона** каби ясовчилар; **бе- ба-, бо-, бар, сер- но- хуш- пур-** каби префикслар ва бошқалар.

Шунингдек, араб тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг фонетик, семантик ва морфемик таркибларидаги хусусиятлар, жумладан, сўз таркибида икки унлининг ёнма-ён қўлланиш ҳоллари; *раъно, даъво, эълон, таълим* каби сўзларда айн товушидан олдинги унли кучли ва бир оз чўзиқ талаффуз этилиши; семантик жиҳатдан кўпроқ диний, ҳиссий, ахлоқий, илмий, таълимий ва мавҳум тушунчалар ифодаланиши; сўзларнинг луғавий ва грамматик шакллари флектив характерда бўлгани учун *илм, муаллим, олим, уламо; фикр, тафаккур, мутафаккир* каби сўзлар ўзбек тилида морфемаларга ажратилмаслиги ва бошқалар тилимизда ўз изини қолдирган.

Араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар орасида тарихан ясама бўлган адабий, бадий, оилавий, ғолибият, воқеан каби лексемалар ҳам бор. Бундай лексемалар билан бирга ўзлаштирилган **-ий, -вий, -ан** қўшимчалари ўзбек тилида сўз ясовчи аффикслар даражасига кўтарилган. Ҳозирги ўзбек тилида шу аффикслар воситасида ясалган жуда кўп янги лексемалар мавжуд: *техникавий, физикавий, туркий, тубан* каби. Тилимиз ўз ички ривожини билан бирга мана шундай таъсирлар натижасида узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган.

Қуйида форс-тожик ва араб тилидан эски ўзбек тилига ўзлашган маиший соҳага хос лексемалар, уларнинг структур қурилиши тўғрисида сўз юритамиз.

-дон суффикси. Бу форсий қўшимча отларга қўшилиб, бирор предметни сақлаш учун хосланган нарса, идиш, умуман, “сиғим” маъносидаги от ясади: *кўмачдон, ўқдон, тобадон* каби. Шунингдек, бу

аффикс билан ўрин, жой маъносидаги отлар ҳосил қилинади: *хонадон*, *зиндон* каби.

“Хамса” дostonларида бу қўшимча билан ҳосил қилинган ўн учта бундай сўз учратдик. Форс-тожик тилида *дон* сўзи моҳиятан мустақил ҳисобланади ва юқорида кўрсатилганидан бошқа бир қанча маънода кўлланади. Тадқиқотимиз объектида *-дон* қўшимча вазифасида сўзларнинг охирида жойлашиб, “сиғим”, “ўрин, жой”, маъноларида қуйидаги сўзларни ясаган: *жузв+дон*, *тоба+дон*, *дур+дон*, *кўмоч+дон*, *журъа+дон*, *шамъ+дон*, *сипан+дон*, *чароғ+дон*, *сан+дон*, *намак+дон*, *хона+дон*, *зин+дон*, *хок+дон* каби.

Бу ерда жузвдон – жилд, чарм халта; тобадон – эшик, девор тепасидаги туйнук; дурдон – дур сақланадиган идиш; кўмочдон – нонни чўғ кулига кўмиб пиширадиган идиш; журъадон – ичимлик идиши; қадах ғилофи; шамъдон – шам қўйиладиган мослама; сипандон – исирикдон, исирик тутадагин идиш; чароғдон – чироқ қўйиладиган идиш, сандон – темирчиларнинг темир кундаси; намакдон – туздон, туз идиш; хонадон – оила, бир оила аъзолари яшайдиган жой; зиндон – айбдорларни қамайдиган жой, хокдон – тупроқхона; олам.

-дон қўшимчаси турли тиллардаги сўзларга қўшилиб сўз ясаши мумкин. Масалан:

тожикча + дон: *тобадон*, *сипандон*, *дурдон*, *хонадон* ва ш.к.;

арабча + дон: *журъадон*, *шамъдон*, *жузвдон*;

туркийча + дон: *кўмочдон*.

Ишлатилишига мисоллар:

Тобадон:

Бўлуб гулранг равзан, тобадон ҳам,

Эшик гулранг, балким остон ҳам. (ФШ, VIII, 97)

Журъадон:

Ул териким, ринд қилур журъадон,

Мушки Хўтан айлади анда ниҳон. (ҲА, VII, 269)

Жузвдон:

*Чекиб “Хамса”ни жузвдондин равон,
Кўюб хизматида мени нотапон. (СИ, XI, 646)*

Шамдон:

*Чарх томига нардобон ясамоқ,
Меҳр шамъига шамъдон ясамоқ. (СС, X, 57)*

Дурдон:

*Хозир эрди мусофири пурдон,
Нуктадин кўнгли ҳуққаи дурдон. (СС, X, 365)*

Кўмочдон:

*Ой қурсида йўқ зиё нишони,
Ер анга қуёш кўмочдони. (ЛМ, IX, 260)*

-бон суффикси. Форс-тожик тилидан ўзлашган бу қўшимча, асосан, бирор нарсага қараб турувчи, уни сақловчи, қўриқловчи шахс маъносидаги от ясайди: *боғбон, дарвозабон, саройбон* каби. Аммо бу морфема билан кам бўлса-да буюм отлари ҳосил қилинади, улар ҳам асровчи, сақловчи каби умумий маъносига эга. Масалан: *соябон* (қўёшдан асровчи, иссиқни таъминловчи), *гирибон* (бўйинни сақловчи, ёқа) каби. **-бон** ўзи мансуб тилларда ҳам каммаҳсул қўшимча саналади. Алишер Навоий асарларида ҳам бунинг билан ясалган сўзлар кўп эмас, айниқса, нарса-буюм отлари саноклидир. Айримларига эътибор қаратамиз.

Соябон. Бу от тожик тилида “қуёш нури тик тушмайдиган жой”, “қўланка” маъносини англатган *сойа* отига (ТажРС, 364) **-бон** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “қуёш нуридан тўсадиган буюм”, “зонтик” маъносини англатади. (ЎТЭЛ, I, 216) Демак, *сойа + бон > соябон*. Мисол:

*Фариши саронардаси ёзи ёбон,
Қуш паридин боши уза соябон. (ҲА, VII, 216)*

Алишер Навоий асарларида энг кўп қўлланган қўшимчалардан бири, *истабон, борибон, айлабон, кўрибон, қилибон* каби сўзларда феъл шакли ҳосил қилувчи **-бон** аффикси билан ононимлик ҳосил қилади.

Бир қарашда **нардбон** сўзи ҳам *нард* асоси ва *-бон* суффиксидан таркиб топгандай кўринади. (нарвоннинг этимологияси ҳақида аввалги фаслда сўз юритганмиз) Аммо бу ўринда сўзнинг иккинчи қисми *бон* кўшимча эмас, балки Ш.Раҳматуллаевнинг қайд этишича, “боғла” маъносини англатадиган *банд* ҳозирги замон асосининг ўзгаришга учраган шаклидир. (ЎТЭЛ, III, 150) Бундан келиб чиқсак, бу сўзнинг тилимиздаги эволюцияси шундай: **нард+банд = нарбанд > нардбон > нарвон.**

Эроний тиллар этимологиясига бағишланган луғатларда сўзнинг биринчи қисми *нард* “дарахтнинг танаси”, “ўсимликнинг сабоғи” маънолари билан кўрсатилган ва “тиркаб кўйиладиган ёғоч зинапоя” деб изоҳланган¹⁰⁶. Таъкидлаш керакки, бу жойда ҳам *нардбон* этимологияси аниқ талқинга эга эмас. Алишер Навоий қўллаган бу сўзга мисол:

Тоқизга кўк поясидин нардбон,

Кунгури даврида Зуҳал посбон. (ҲА, VII 336)

-гоҳ/-гаҳ суффикси. Форс-тожик тилида “гоҳ” сўз мустақил маънога эга: 1. Подшо тахти; 2. Вақт ва жой, манзил, яшаш жойи; 3. Ўйинда юриш навбати¹⁰⁷. Ушбу суффикс бўйича олимлар орасида турлича қарашлар мавжуд. Айримлар уни кўшма сўз гуруҳига киритишади [Лившиц и Смирнова 1981, 145]. Бу фикрда “гоҳ” сўзининг мустақил маънога эгалигига устуворлик берилган¹⁰⁸.

Алишер Навоий ижодида **гоҳ** мустақил сўз сифатида қўлланмайди, ҳозиргидек айирув боғловчиси ёки жуфт ҳолда равиш вазифасида ишлатилган. **Гоҳ** суффикси турли маънодаги от сўз туркуми ҳосил қилишда, асосан ўрин, манзил оти яшашда фаол қўлланади. Масалан, *лашкаргоҳ*, *қароргоҳ*, *хилватгоҳ* ва ш.к. Биз бу кўшимча ёрдамида идиш, буюм оти ясалишига эътибор қаратамиз.

¹⁰⁶ Эдельман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. Институт языкознания РАН. – М.: Наука – Вост. лит., 2000. –С. 486-487.

¹⁰⁷ Муҳаммад Г. Гиёс-ул-лугот: в трех томах / Г. Муҳаммад. – Душанбе: Т.2. 1988. –С.188. (416 с).

¹⁰⁸ Низомова С. Словообразование в художественной и публицистической прозе Садриддина Айни: Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Душанбе, 2021. –С. 99.

-гоҳ суффикси турли лексик birlikларга қўшилиб, жойни билдирадиган от ясайди. Алишер Навоий асарларида ушбу қўшимча бир қатор ясама сўзларни ҳосил қилиш учун қўлланган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги ўзбекчада истемол қилинмайди, масалан: *оташигоҳ* (олов ёқиладиган жой).

Баъзи ўринларда ушбу суффикс икки вариантда ишлатилади *-гоҳ* ва *-гаҳ*: *даргаҳ* – *даргоҳ*. Бу ҳол шоир ижод қилган даврда сўзнинг ҳар икки шакли қўлланганини кўрсатади. Бунинг яна бир сабаби шеърятда аруз вазни, шеърӣ ўлчов талаблари бўлиб, ижод аҳли бир сўзнинг турли шаклларида фойдаланганлар.

Ушбу суффикс билан ясалган айрим сўзлар ҳозирга келиб янги маъно касб этган. Бунга *дастгоҳ*, *қароргоҳ* сўзларини кўрсатиш мумкин.

Ушбу қўшимча воситасида ҳосил қилинган сўзларнинг кўп маънолилиги масаласига келсак, қайд этиш жоизки, баъзи ҳолатларда ушбу суффикс вариантлари уч маънони ифодалаган. Масалан Алишер Навоий **даргоҳ** сўзини қўйидаги маъноларда қўллаган:

1. Остона, бўсаға:

Отланиб шаҳ сари хиром этти,

Ўнубон даргаҳ, эҳтиром этти. (СС, X, 214)

2. Уй:

Юругоч ул сори шаҳзодау шоҳ,

Кўрунди тўрида бир турфа даргоҳ. (ФШ, VIII, 191)

3. Ўрда, подшоҳ саройи:

Чу даргоҳига еттим истаб паноҳ,

Манга онча лутфу карам қилди шоҳ. (СИ, XI, 197)

Шунингдек, **хобгоҳ** сўзи ҳам турли маъноларда келган:

1. Тўшак:

Хобгаҳ бўлди шаҳга заррин тахт,

Уйқуси келмас эрди ўйлаки бахт. (СС, X, 191)

2. Дам олиш ўрни:

Ёз топа олмай чу исиздин паноҳ

*Соя учун кўпрук анга **хобгоҳ**. (ҲА, VII, 182)*

-гоҳ суффикси билан ясалган **коргоҳ** иккки маънода қўлланган:

1. Бутун олам, коинот маъносида:

*То тикилиб ушбу бийик **боргоҳ**,*

*Бўлди муҳайё бу улуғ **коргоҳ** (ҲА, VII, 22).*

2. Корхона маъносида (тўн тайёрланган коргоҳ):

Хунарвардин бари омода бўлгон,

*Мукамал **коргоҳ** ичра тўқулгон. (ФШ, VIII, 130)*

Яна бу суффикс билан ҳосил қилинган тахт+гоҳ=тахтгоҳ (тахт қурилган жой; подшоҳ саройи), такя+гоҳ = такягоҳ (суянчик, суянадиға жой), бор+гоҳ = боргоҳ (чодир; сарой) лексемаларини ҳам кўрсатиш мумкин.

Мисол:

*Синехр узра бўлсун санга **тахтгоҳ**,*

*Куёш гирдболишитидин **такягоҳ**. (СИ, XI, 341)*

-а суффикси. Алишер Навоий тилида яна от ясовчи **-а** аффикси бор бўлиб, тарихан форс-тожик тилига мансуб. **-а** суффикси ҳозирги замон тожик тилининг илк манбаларида сўз ясовчи, кўп маъноли, маҳсулдор қўшимча сифатида қайд этилади¹⁰⁹.

Абдурауф Фитрат “Тожик тили қоидалари” (1930) китобида **-а** суффикси тожик тилида бир неча вазифани бажаришини тушунтириб, жумладан, шуни ҳам кўрсатади: “**-а** қўшимчаси отлар таркибида бирон-бир предметга тегишли от ясайди: даст+а, пой+а, дандон+а, чашм+а, гўш+а ва ш.к.”¹¹⁰.

Дарҳақиқат, ушбу суффикс отларни ҳосил қилишда анча фаол иштирок этади: **-а** суффикси отларга қўшилиб сўз асосига ўхшашлик маъносида янги

¹⁰⁹ Касимов, О. Суффиксальное словообразование имен существительных в «Шахмане» А. Фирдоуси: Дис. канд. филол. наук. Душанбе, 1988. –С. 87. (188 с.).

¹¹⁰ Низомова С. Словообразование в художественной и публицистической прозе Садриддина Айни: Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Душанбе, 2021. –С. 51.

отлар ясайди. Бу отларнинг асосий қисми конкрет отлар қаторига киради: доман+а, даст+а, ҳалқ+а, мол+а, гўш+а, чашм+а, дандон+а, пушт+а ва б.

Даста – бу от “қўл” маъносини англатадиган тожикча даст отига -а кўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган; “соп”, “тутқич” маъносини англатади (ЎТЭЛ, III, 80-81). Бу от билан ўзбек тилида *дастала* феъли, *дасталик* оти, *гулдаста* кўшма оти ясалган.

Поя – бу от тожик тилидаги “оёқ” маъносини англатадиган *пой* отига *а* кўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “курси, стол” кабиларнинг оёғи, “ўсимликнинг танаси” маъноларини англатади. (ЎТЭЛ, III, 193) Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида, асосан, иккинчи маъноси билан қўлланади.

Ким этса манора учи воя,

*Бирдур чиқару тушарда **поя**.* (ЛМ, IX, 225)

Солиб ҳам Аршу ҳам Курсийга соя,

*Бўлуб курсий анинг тахтига **поя**.* (ФШ, VIII, 507)

Юқоридаги биринчи байтда *поя* – *зинапоя*, иккинчисида *тахтнинг оёғи* маъносида қўлланган.

Этак маъносидаги тожикча *домана* лексемаси ҳам шу усулда ясалган: *доман+а=домана*. Алишер Навоий дostonларида *доман* ва *домана* шакллари айни маънода қўлланган. Мисол:

Лаънда уч ҳарфки бор ошкор,

*Ҳар бирининг **доманаси** ҳалқавор.*

*Ҳар бирининг **ҳалқаси** топиб вусул.*

Тавқда малъун бўлуб ул булфузул. (ҲА, VII, 106)

Юқоридаги мисолда келган **ҳалқа** лексемаси арабий ўзлашма бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги маъноларга эга:

1. Металлдан эгиб, икки учини бир-бирига қўшиб ясаладиган доира шаклидаги буюм. *Темир ҳалқа*.
2. *эск.* Доира шаклида ясалган, билак, бармоқ ёки қулоққа тақиладиган безак буюми.
3. Умуман, доира шаклидаги, доирасимон нарса.

4. *кўчма* Қуршов, қуршов доираси; кишилар давраси. (ЎТИЛ, V, 495)

Алишер Навоий асарларида ҳалқа юқоридаги маънода қўлланиши билан бирга яна қил тузоқ маъносида ҳам ишлатилган:

Икки бурути қили ҳар ён гулу,

Нафсу ҳаво қушларига ҳалқа мў. (ҲА, VII, 286)

Мазмуни: икки мўйловининг қиллари ҳар ённи тутган, улар нафсу ҳаво қушларига қўйилган қил тузоқ.

Бу арабча сўз **halqat(un)** шаклига эга (АРС, 192); ўзбек тилига хойи хутти (ح) ундошини х ундошига алмаштириб, сўз охиридаги **t** товушини ташлаб қабул қилинган: *halqat* = *halqa*; кўп маъноли *halaqa* феълининг “доира шаклига киритди” маъноси билан қабул қилинган. (ЎТИЛ, II, 681) Бу сўздан ўзбек тилида *ҳалқала*- феъли ясалган. (ЎТЭЛ, II, 570)

Мана бу мисолда эшикнинг ҳалқа темир ҳалқаси, тутқичи маъносида ишлатилган:

Рухсори сунургач ул эшикни,

Ҳалқасига урди чуст иликни. (ЛМ, IX, 148)

Мазмуни: эшик еткач, ҳалқасини қўли билан маҳкам тутди.

Мола. Бу от “ишқала”, “текисла” маъносини англатадиган тожикча *молидан* феълининг (ТЖРС, 322) **мол** ҳозирги замон асосига **-а** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “ҳайдалган ернинг кесакларини текислайдиган қишлоқ хўжалиги асбоби” маъносини англатади. (ЎТИЛ, I, 470) Бу отдан ўзбек тилида *молала*- феъли ясалган. (ЎТЭЛ, III, 140-141)

Даста тожик тилидан ўзлашган бўлиб, Алишер Навоий асарларида икки хил маънода қўлланган: 1. Тутқич, соп (эшик, идиш, қамчи кабиларда). 2. Бир тутам, бир туп, бир даста (гул ҳақида).

Кеча Шабдезин айлаб тангбаста,

Янги ойдин қилиб сатлига даста. (ФШ, VIII, 7)

Ёки:

Кўзгу жамолига нафас бўлмасун,

Дастаси олтун гар эмас бўлмасун. (ҲА, VII, 177)

Кўп маъноли бу сўз “қўл” маъносидаги тожикча даст отига -а кўшичасини кўшиб ҳосил қилинган: *даст+а > даста*.

-ина суффикси. Бу форсий кўшимча қадимий бўлиб, от, сифат ва равиш ясайди (ганж+ина, нақд+ина), каммаҳсул ҳисобланади¹¹¹. Алишер Навоий тилида шу кўшимча билан ҳосил қилинган *пашмина* буюм оти учрайди. Жундан тўқилган кийим (НАЛ, 505) шу ном билан аталган. “Фарҳанги забони тоҷикӣ”да **пашм** “мӯе, ки дар бадани ҳайвонот мерӯяд”, яъни “ҳайвон танасида ўсадиган жун, мўй” деб изоҳланган. Демак, тожикча *пашм* отига -ина кўшимчасини кўшиш билан *пашмина* оти ясалган. Бу кийим номи изофали бирикма от таркибида учрайди:

Бири нолаи дарднок айлабон,

Бири далқи пашмина чок айлабон. (СИ, XI, 42)

Луғатларда *далқ* – дарвешлар кийими, *далқи пашмина* – жундан тўқилган кийим тарзида изоҳланган. (НАЛ, 176)

-иш суффикси тожик тилининг ўзида кенг қўлланадиган, аммо каммаҳсул кўшимча. Тадқиқотчи Ш.Ниёзи ушбу суффикс қадимий сўз ясовчи кўшимча бўлиб, **-ишт** суффиксининг ўзгарган шакли эканини қайд этади, чунончи: *болиш//болишт*. Бу К.Залеман, Жуковский каби эроншуносларнинг “Янги форс тилининг қисқача грамматикаси” (1975) асарида ҳам ўз тасдиғини топган¹¹². Алишер Навоий асарлари тилида “*лўла болиш, юмалоқ ёстиқ*” маъносидаги тожикча сўз *гирд болишт ва гирд болиш* шаклларида қўлланган:

Сипеҳр узра бўлсун санга тахтгоҳ,

Куёш гирд болиштидин такягоҳ. (СИ, XI, 341)

Гирд болишт/гирд болишт лексемаси *гирд+бол+ иш(т)* морфемаларидан иборат. Бу ўринда *гирд* – юмалоқ, *бол* – пар, *иш(т)* – ясовчи суффикс.

¹¹¹ Ўша манба, ўша саҳифа.

¹¹² Ўша манба. –С. 133.

-ор суффикси. Бу қўшимча унумсиз бўлиб, шоир дostonларида унинг ёрдамида ясалган *дастор* отини кўрсатиш мумкин. Бу қўшимча “қўл” маъносини англатадиган *даст* оти билан қўшилиб, *даст+ор* отини ҳосил қилган. *Дастор* – қўл билан боғланиб, бошига кийиладиган катта салла.

Ўзбек тилшунослигига оид илмий ва ўқув адабиётларида ҳозирги ўзбек адабий тили луғати (лексикаси) таркибида ўрин-жой билдирувчи отларни ясовчи аффикслар сирасида **хона** (дарсхона, чойхона, қўйхона) форманти ҳам доим қайд этилади. Аффиксоидлар деб юритилган бу тил бирликлари тўғрисидаги қарашлар унчалик фарқ қилмайди. Буни қуйидаги фикрларда кўришимиз мумкин:

-хона аффикси (аффиксоиди) сўз ясаиш асосидан англашилган нарса билан боғлиқ ҳолда амалга ошириладиган иш-фаолият жойини билдирувчи отлар ясайди: дарсхона, ишхона, тўйхона, сомсахона, қуртхона каби. Маълумки, бу аффиксоид асли луғавий маъноли **хона** сўзидан келиб чиққан. Ёрдамчи сўз, аффиксоид вазифасида ҳам қўлланадиган сўз (мустақил сўз сифатида) истеъмолдан чиқар экан, тилда у морфемага, яъни сўз яшаш ёки сўз шаклини яшаш учун хизмат қилувчи морфемага айланади¹¹³.

-хона. Яшаш асосидан англашилган нарса учун хосланган, бирор иш учун мўлжалланган жой маъносини англатувчи от ясайди: ишхона, босмахона, дорихона, ошхона, чойхона, қабулхона, тўйхона каби¹¹⁴.

Аффиксоидларнинг пайдо бўлиши шундай изоҳланади: “баъзи сўзлар аффикс функциясини бажариб, эргаш морфемага яқинлаша бошлаган бўлса ҳам, ҳали аффиксга айланиб етмаган бўлади. Булар аффиксоид саналади. Масалан, бу уйда тўрт хона бор – Биз ишхонага бордик. Кўринадики, *хона* элементи ўрни билан сўз бўлиб ҳам қўлланади, аффикс бўлиб ҳам қўлланади (кейинги ҳолда ўрин билдирадиган аффиксга жуда яқин келади). У бир ўринда ўзак морфема, бошқа ўринда – эргаш морфема”¹¹⁵.

¹¹³ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясаиши тизими. – Тошкент: О‘қитувчи, 2007. –Б. 90-91.

¹¹⁴ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 210.

¹¹⁵ Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. –Б. 82.

Албатта, бу адабиётларда кўрсатилган *-поя, -нома, -хона, -обод* каби аффиксоидлар билан бир каторда, ўзбек тилида худди шундай мустақил сўзлар ҳам мавжудлиги қайд этилади.

Тожиқ тилидаги илмий адабиётларда ҳам *-хона* аффиксоид эканлиги қайд этилган: “Аффиксоидлар (суффиксоид ва префиксоидлар) этимологик жиҳатдан тўлиқ семантик маънога эга бўлган, бироқ синхрон таҳлил асосида уларнинг семантик маъноси заифлашган, моҳиятига кўра аффиксларга тенглаштирилиб, аффикс сифатида ҳам қўлланган мустақил ўзак сўзлардир. Тилшунослар орасида улар учун турли номлар мавжуд: ярим аффикслар, аффиксоидлар, омоносаффикслар, суффиксоидлар, лекин биз уларни префиксоид ва суффиксоид деб аташни афзал кўрдик”¹¹⁶.

Хуллас, тилнинг тарихий тараққиёти натижасида бу ўринда аффиксация йўли композициядан туғилгани (ўзак+ўзак → ўзак+аффикс), аффикслар аслида мустақил сўзлардан келиб чиққани дарслик ва монографияларда ўз аксини топган.

Алишер Навоий ижодида жой номини ифодаловчи кўшма отлар кенг қўлланган. Ўрганилаётган материалда лексема+лексема ясовчи аффиксоид (*хона* компоненти) билан ҳосил қилинган кўпгина бундай кўшма отлар мавжуд. Бу модел билан шаклланган кўшма отларни семантик жиҳатдан куйидаги гуруҳларга ажратдик:

– иш, машғулот ва касб жойини билдиради: *суратхона, ниғорхона* (расмхона), *камонхона, омочхона* (ўқ отиб машқ қилинадиган жой), *корхона, кутубхона, қиморхона* ва ш.к.;

– одамлар турадиган, яшайдиган жойни билдиради: *меҳмонхона, хайлхона, бандахона*;

– ичимлик тайёрланадиган ва ичиладиган жойни билдиради: *майхона, хумхона, шаробхона, бўзахона, шарбатхона, гулобхона*;

¹¹⁶ Низомова С. Словообразование в художественной и публицистической прозе Садриддина Айни: Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Душанбе, 2021. –С. 219.

– диний расм-русумлар адо қилинадиган жойни билдиради: *бутхона, отаишхона*;

– хайвон ва паррандалар турадиган жой, ҳашаротлар яшайдиган инни билдиради: *каптархона, замбурхона, шерхона* каби.

Маълумки, **хона** атрофи, усти берк жойдир. Худди шу белги-хусусиятдан келиб чиқиб *-хона* аффикси бирор нарсага мўлжалланган ҳар қандай жойни эмас, балки асосдан англашилган нарса амалга ошириладиган хона (уй, бўлма ва ш.к.)ни билдирувчи отлар ясайди. Алишер Навоий дostonларидан бунга мисоллар келтирамиз:

...ҳар бири майхона эшигида масту бебок юрур ва йиқуқ майхона аларга тахти Жамшед осо... (ҲА, VII, 273)

Улки ичиб бодани паймонадин,

Маст чиқар кўйга хумхонадин. (ҲА, VII, 275)

Хумхона – май тайёрлайдиган хона.

Терким гулидан бўлуб равона,

Уйни қилибон гулобхона. (ЛМ, IX, 70)

Қасрким эрди меҳмонхона,

Фарш ила рахти борча шоҳона. (СС, X, 266)

Кўчмиш эди бори хайлхона,

Ерда қолиб ўрнидин нишона. (ЛМ, IX, 189)

Алишер Навоий асарларига тузилган луғатларда хайлхона – отхона (НАЛ, 646), хайлхона – меҳмонхона (АНАТИЛ, III, 371) тарзида нотўғри изоҳланган. Юқоридаги мисолда ҳам бу англашилиб турибди. Хайлхона ясалмасидаги арабча хайл сўзи “тўда, гуруҳ; эл, жамоа” маъноларини билдириши унинг инсонларга хос жой эканидан далолат беради. Лекин у меҳмонхона ҳам эмас. “Бобурнома”дан келтирилган мана бу парчада хайлхона сўзининг маъноси бошқа эканлиги яққол кўринади: “...уларнинг хайлхона ва ҳарамхоналарини солим чиқармоқ учун ўзум келиб, Милват кўрғонининг дарвозасининг рўбарўйидаги баландийға туштум”¹¹⁷.

¹¹⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 238.

Пиримкул Қодировнинг “Ҳумоюн ва Акбар. Авлодлар довони” романида хайлхона – подшо ва аъёнларнинг хотин, бола-чақалари деб анча тўғри изоҳланган. Бу изоҳни “подшо ва аъёнларнинг хотин, бола-чақалари; шундай кишилар яшайдиган жой” деб тўлдирилса, янада мукамал бўлар эди.

Қуйида эса *хона* элементи билан ясалган парранда ва хашаротларга хос жой отларига мисол келтирамиз:

Кабутар йўқ, кабутархонадур ул,

Дема анжумки, сочқон донадур ул. (ФШ, VIII, 464)

Бўлуб минг гусса ўқиға нишона,

Замирим бўлмаса занбурхона. (ФШ, VIII, 553)

Умуман, *хона* компонентли қўшма отлар шоир асарларида анча маҳсулдор. Юқоридаги жой отларидан ташқари бу восита ёрдамида шу қолипдаги мавҳум отлар ҳам ҳосил қилинганини кўриш мумкин. Масалан: *хилватхона* (кимсасиз жой), *тарабхона* (хурсандчилик, ўйин-кулги уйи), *ғамхона* (ғам уйи), *мотамхона* (аза тутиладиган жой) каби.

-хона қўшимчаси ҳозирги пайтда ҳам ўз вазифасини тўхтатмаган, улар билан янги сўз яшаш жараёни давом этмоқда, бинобарин, улар маҳсулли аффикслардир. Бу аффиксоид асосида кейинги даврда *ваколатхона*, *элчихона*, *гримхона*, *консулхона*, *почтахона*, *туғуруқхона*, *қабулхона*, *қўриқхона*, *компьютерхона* каби сўзлар ясалди.

3.2. Синтактик ва лексик-семантик усул билан ясалган лексемалар

3.2.1. Синтактик усул билан ясалган лексемалар

Ўзбек тили сўз ясалишига оид ишларнинг деярли барчасида сўз яшашнинг “композиция усули” қайд этилади ва у сўз яшашнинг маҳсулдор усули сифатида таърифланади¹¹⁸. Бироқ академик А.Ҳожиёв “ҳодисага бевосита ўзбек тилининг ўз материалларидан келиб чиқиб ёндашилса, бу

¹¹⁸ Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975, –Б. 22-23; Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 171; Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2010. –В. 222.

тилда сўз яшашнинг “композиция усули” деб аташ мумкин ва лозим бўлган усули йўқ” деб ҳисоблайди. Олим ўзбек тилида композиция усули билан сўз ясашиш ҳодисасини инкор этади ва бунга доир асосларини илгари суради¹¹⁹.

Кенг тарқалган таърифга кўра, икки ва ундан ортиқ асоснинг қўшилиши орқали от ҳосил қилиш композиция усули билан от яшашдир. Композиция усули билан, асосан, қўшма отлар ясалади¹²⁰. От лексема тузиш усулларида бири сўз билан лексемани ёки сўз билан сўзни тобелик асосида ўзаро боғлаш бўлиб, бу усул билан ҳосил қилинган от қўшма от деб юритилади. Қўшма отлар тилда мавжуд синтактик қолиплар асосида тузилади¹²¹. Қўшма отлардаги мустақил сўзга тенг бўлган қўшилувчи қисмлар орасидаги синтактик алоқа йўқолади, тадрижий таракқиёт натижасида яхлит бир маъно англатган янги лексик бирлик – қўшма сўз ҳосил бўлади. Қўшма сўз ясашиши учун асос бўлган бу қисмлар ўзининг дастлабки маъносини қисман ёки бутунлай йўқотади, иккаласи биргаликда бошқа янги лексик маъно англата бошлайди.

“Хамса” дostonлари тилида тегишли қўшма отлар таркибидаги қисмлари қандай туркумдаги сўзлар билан ифодаланишига кўра асосан от+от ва нисбатан камроқ сифат+от типларида мавжуд. Жуда кам ҳолда равиш+от (ҳамён) ва от+равиш типлари ҳам учрайди.

От+от типдаги қўшма отлар асли қаратувчилик муносабатида бўлган икки отнинг қўшилиб кетишидан ҳосил бўлган: *белбоғ, сочбоғ, чақмоқ тоши, тегирмон тоши, пилпоя, зинапоя, қалам мўйи* ва ш.к.

Сочбоғ – сочбоғ, сочга тақиладиган боғич (АНАТИЛ, III, 8) *Соч* ва *боғ* отларининг ўзаро бирикувидан аёллар тузанишига хос маиший буюм оти ҳосил қилинган:

Сочбогини тоб ила чун солди банд,

Нафсу ҳаво бўйнига солди каманд. (ҲА, VII, 168)

¹¹⁹ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясашиши тизими. – Тошкент: О‘qituvchi, 2007. –Б. 8–11.

¹²⁰ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 216.

¹²¹ Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. –Б. 259-260.

Белбоғ – белга боғланадиган, тўртбурчак рўмол шаклидаги гулли ёки гулсиз, четлари тикилган мато парчаси; қийиқ, қийиқча. (ЎТИЛ, I, 220) Албатта, баъзан кийим устидан белга боғланадиган чилвир, арқон кабилар ҳам белбоғ деб аталиши мумкин. Шоир асарларида бу сўз кўп учраса-да, дostonлар тилида *белбоғ* сўзи бир-икки бор қўлланган холос:

Чиқиб устига бармоқ шаҳсувори,

Бўғун белбоғию тирноқ-узори. (ФШ, VIII, 23)

Демак, **бел** ва **боғ** бирикмасининг (синтактик бирликнинг) луғавий бирликка (лексемага) ўтиши натижасида **белбоғ** юзага келган.

Зинапоя қўшма оти “чиқиш, тушиш учун хизмат қиладиган қурилма”, “нарвон” маъносини англатадиган тожикча *зина* оти билан “оёқ қўйиладиган босқич” маъносини англатадиган *пойа* отидан тузилган бўлиб, ўзбек тилида “поғона”, “босқич” маъноларига эга. (ЎТЭЛ, III, 105) Дostonлар тилида ҳам шу мазмунда ишлатилган:

Торилди чун бу янглиз турфа воя,

Кўрунди тошдин бир зинапоя. (ФШ, VIII, 191)

Гулмих форс-тожик тилида *гулмех* шаклига эга. Бу от форс-тожик тилидаги *гул* отига *мех* (*мих*) отини қўшиб ҳосил қилинган. Темир миҳнинг қалпоғи (гумбази) чорқирра (квадрат) шаклда бўлгани учун шундай аталган.

Бир хил моделдаги қўшма отларнинг иккинчи компонентдаги эгалик кўрсаткичи **и** қўлланиб, *чақмоқ тоши*, *тегирмон тоши* шаклида ишлатилган:

Агарчи йўқ турур дурлуқ талоши,

Эрур тош ўлса ҳам чақмоқ тоши. (ФШ, VIII, 46)

Фалак даврида суръати ичра зўр,

Тегирмон тоши узра андоқки мўр. (СИ, XI, 8)

Чақмоқтош – чақмоқ билан урилганда ўт чиқарадиган тош. (НАЛ, 675) Тегирмон тоши – тегирмонга ўрнатилиб, ғалла донларини янчадиган катта ясси, юмалоқ тош.

Ҳозирги ўзбек тилида рассомлар бўёқ билан сурат ишлайдиган чўтка маъносида *мўйқалам* қўшма оти мавжуд. Кўриниб турганидек, тожикча *мўй*

ва арабча қалам сўзлари бирикувидан ҳосил бўлган бу от Алишер Навоий ижодида ўзига хос шаклда учрайди, кўшма от таркибидаги сўзлар ўрни алмашиб қалам мўйи тарзида қўлланган: “*Моний қалам мўйидин тасвир фанин қалам-бақалам, балки мў-бамў билмоғи*”. (ФШ, VIII, 94)

От+ҳозирги замон негизи: *камарбанд, такбанд, каллапўш.*

Камарбанд кўшма сўзи тожикча *камар* оти билан “боғла” маъносидаги *бастан* (боғламоқ) феълининг ҳозирги замон негизи *банд* сўзини кўшиб ҳосил қилинган:

Меҳр камарбандида ёқут ўлуб,

Ёнидаги ханжар анга ҳут ўлуб. (ҲА, VII, 68)

Такбанд «ост» маъносини англатадиган *таг* отига “боғла” маъносидаги *бастан* (боғламоқ) феълининг ҳозирги замон негизи *банд* сўзини кўшиш орқали ҳосил қилинган:

Тоza гияҳ тифлга монанд ўлуб.

Белга бўғундин анга такбанд ўлуб. (ҲА, VII, 301)

Каллапўш сўзи тожик тилидаги *калла* оти ва *пўшидан* ҳозирги замон феъли асосидан ясалган. Қуйидаги мисолда бош кийим маъносида қўлланган:

Кўргузубон лола ўюн ичра жўш,

Ел учуруб калласидин каллапўш. (ҲА, VII, 300)

Олд кўшимча + от: *ҳамён.*

Ҳамён. Бу от ўзбек тилида “бирга” маъносини ифодалайдиган *ҳам* олд кўшимчасини (ТЖРС, 544) “киши гавдасининг ўнг ёки чап томони” маъносини англатадиган ўзбекча *йон* отига (ЎТИЛ, I, 257) кўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “пул солиб юриш учун чўнтак халтача” маъносини англатади. (ЎТИЛ, II, 683), (ЎТЭЛ, I, 276)

Рашиш + от: *шабчароғ.*

Шабчароғ – бу форсча ўзлашма *шаб* (тун) ва *чароғ* (чироқ) сўзлари кўшилишидан ҳосил бўлиб, *гавҳари шабчароғ, дури шабчароғ* бирикмалари таркибида қўлланади. *Гавҳари шабшароғ* ёки *дури шабшароғ* – тунда порлаб

нур сочадиган қимматбаҳо марварид. Алишер Навоий асарларида бу кўп қўлланган:

*Исмат баҳористонининг шукуфта боғи ва иффат шабистонининг гавҳари **шабчароғи...*** (СС, X, 68);

Бал машъалаи фароғ сенсен,

*Ё гавҳари **шабчароғ** сенсен.* (ЛМ, IX, 100)

От+равиш: чодаршаб.

Чарх қилур зоҳир этиб кавкабин,

*Дурға мукалал қора **чодаршабин.*** (ҲА, VII, 360)

Мазкур от “парда”, “ёпинчиқ” маъноларини англатган тожик тилидаги *чодар* оти билан “тун” маъносини англатадиган *шаб* отидан тузилган. Алишер Навоий асарларига тузилган луғатларда *чодаршаб* – *чойшаб* эканлиги кўрсатилган. Маълумки, *чойшаб* “ўрин-тўшак устига ёзиладиган ялангқават тўртбурчак мато, ёпинчиқ”дир. (ЎТИЛ, IV, 504)

Сифат + от: *нимтарк, шоҳтўн.*

Нимтарк “ярим, яримта” маъносидаги форсийча **ним** сифати ва “урушда кийиладиган ва жездан ишланган бош кийим, дубулға” (НАЛ, 596) маъносини англатувчи **тарк** оти қўшилишидан ҳосил бўлган. “Ҳайрат ул-аброр”да “бир хил бош кийим” маъносида қўлланган:

Базмда шоҳона ясаб созу барг,

*Бошим уза эгри қўюб **нимтарк.*** (ҲА, VII, 63)

Шаҳтўн *шоҳ* ва *тўн* сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Аслида от ҳисобланган *шоҳ* бу қўшма сўз таркибида “катта”, “шоҳона” маъносига эга сифат бўлиб келган. Яъни, **шаҳтўн** – шоҳона тўн, шоҳларга хос тўн:

Қилмайин банд тошламоққа даранг,

*Кийди **шаҳтўн**ларини ранго-ранг.* (СС, X, 213)

Кейинги йилларда асосий кўча, проспект *шоҳкўча* деб аталмоқда. Тожик тилида ҳам бунга мисол бор: *шоҳжўй* – бошариқ, катта ариқ. Булар ҳам юқоридаги фикримизни қувватлайди.

Сияҳчол “қора” маъносидаги *сиёҳ* сифати ва “чуқур, ўйик” маъносидаги *чол* оти бирикишидан юзага келган. Бу форсий ўзлашма “чоҳ, кудух; зиндон” маъноларида қўлланган:

Буюрдики, қосидни банд эттилар,

Сияҳчол сори олиб кеттилар. (СИ, XI, 155)

Сифат+от+аффикс: *гирдболишт*.

Гирдболишт оти гирд + бол + иш(т) морфемаларидан иборат. Бу ўринда гирд – юмалоқ, бол – пар, иш(т) – ясовчи қўшимча. *Гирдболишт* – юмалоқ ёстиқ, лўлаболиш.

От+от+аффикс: *қўзи пўстин*.

Бу қўшма от ўзбек тилидаги *қўзи* ва форсий тилдаги *пўстин* сўзлари бирикувидан ҳосил бўлган. *Пўстин* оти тожик тилида “ҳайвон териси” маъносини англатадиган **пўст** отига **-ин** қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, “мўйнали ошланган теридан тикилган узун қишлик тўн” маъносини англатади (ЎТЭЛ, III, 197). Қуйидаги мисолда *қўзи* оти сифат вазифасини бажарган, яъни қўзи терисидан бўлган пўстин:

Қўзи пўстин ичра пинҳон бўлуб,

Ҳамал буржиди мехри рашон бўлуб. (СИ, XI, 251)

От+аффикс+от: *дастархон*.

Форс-тожик тилидаги *даст* отига **-ор** қўшимчасини қўшиб “тузилган”, “тартиб топтирилган” маъносини англатувчи *дастар* оти ҳосил қилинган. *Дастар* отига “устига истеъмол қилинадиган овқат қўйиладиган мато” маъносини англатувчи *хон* (асли *хван*) отини қўшиш орқали *дастархон* таркиб топган. *Дастархон* оти “таом билан тўлдирилган махсус мато” маъносига эга. (ЎТЭЛ, III, 82)

Бизнинг кузатишларимизга кўра “Хамса” дostonларида учрайдиган тожик тилидан ўзлашган баъзи қўшма сўзлар икки асоснинг бириккан нуқтасида интерфикслар иштирокида ҳосил қилинган:

1. -у- интерфикси: хон-у-мон;
2. -о- интерфикси: сар-о-парда.

Форсий ўзлашма *харпушта* ҳам қўшма сўз. НАЛда бу сўз “икки томони ясси чодир”, АНАТИЛда “тепа, катта пушта; гумбаз шаклидаги нарса; равоқ, чодир” тарзида изоҳланган. (НАЛ, 650; АНАТИЛ, III, 382) “Тожик тили луғати”да харпушт АНАТИЛ изоҳи билан деярли бир хил, фақат *чодир* ўрнига у жойда *тоқ* кўрсатилган¹²².

И.Сулаймоновнинг Тоғли Ҳисор шеvasи (“Лексика говора горного Гисара”) тадқиқига бағишланган номзодлик ишида қизик факт учрайди. Олим уй-жой, ҳовли, ҳовли ичи қурилишлари тушунчаларини билдирувчи диалектизмлар қаторида харпушта сўзига “томи эшакнинг орқасига (устига) ўхшайдиган уй” деб изоҳ берилган¹²³. Демак, бу сўз тожик тилидаги *хар+пушт+a* (ўзак+ўзак+аффикс) морфемалари бирикувидан ҳосил бўлган: *харпушта*.

Наълайн арабий ўзлашма бўлиб, бир жуфт кавуш (НАЛ, 456); этик, жуфт кавуш, пойабзал (АНАТИЛ, II, 443) маъноларига эга. Бу қўшма сўз *наъл* ва *айн* сўзларининг бирикишидан ясалган. Қўлланишига мисол:

Ҳар ён аёғидаки наълайн ўлуб,

Аҳли сафо ҳазли учун шайн ўлуб. (ҲА, VII, 140)

Хармухра – эшакмунчоқ. Бу қўшма сўз тожик тилида эшак маъносини англатувчи *хар* ва мунчоқ маъносига эга *мухра* сўзларини қўшиб ҳосил қилинган: *хар+мухра* = *хармухра*. Мисол:

Қатрача дурдин олмаса баҳра,

Деса, фируза кўрса, хармухра. (СС, X, 445)

Шунингдек, изофали бирикма ёрдамида ҳам янги сўз ҳосил қилади. Масалан, **жуббайи синжоб** – *синжоб* (қизил тулки) терисидан тикилган пўстин:

Жуббайи синжобинг ичра васла-васла қоқими,

Тўғри ҳижрон шомида бир-бир саодат анжуми. (НАЛ, 234)

¹²² Фарҳанги забони тоҷикӣ. II ж. –М.: Советская энциклопедия, 1969. –С. 466.

¹²³ <http://www.dslib.net/jazyki-mira/leksika-govora-gornogo-gissara.html>

3.2.2. Лексик-семантик усул билан ясалган сўзлар

Сўз яшаш турли воситалар, ҳар хил усуллар орқали янги сўз яратишдир. Сўз яшашнинг воситалари ҳар хил. Сўз маъносининг ўзгариши асосида сўз ҳосил қилиш семантик ёки лексик-семантик усул билан сўз яшаш дейилади.

Семантик ёки лексик-семантик усул ёрдамида сўз яшаш тарихий тараққиёт жараёнида тилдаги айрим лексик маънолар орасидаги боғланишнинг йўқолиб кетиши, сўзнинг айрим шаклларида янги лексик маънонинг юзага келиши каби ҳодисалар билан боғлиқ. Бундай ҳодиса тилнинг кўп йиллар давомида ривожланиши натижасида аста-секин юзага келади. Масалан, юпка – қалин эмас (юпка қоғоз – сифат) – юпка – овқатнинг номи (от); қиров – “ер бетида ҳосил бўладиган юпка қорсимон заррачалар” (Кечаси қиров тушибди) – қиров – “янги чархланган пичоқ дамида қолган металл зарралари” (қирови тўкилмаган пичоқ) каби сўзларнинг кейингилари лексик маънонинг ўзгариши, силжиши натижасида пайдо бўлган¹²⁴.

“Хамса” дostonлари тилида ҳам лексик-семантик усул орқали сўз яшалиши мавжуд. Масалан: аёғ//аёқ – юриш имкони бор маҳлуқотнинг тана аъзоси; аёғ//аёқ – қадах, идиш; аёғ//аёқ – бирор нарсанинг охири, сўнги, тугалиш қисми. Мисолларга мурожаат қиламиз.

Инсон оёғи маъносида:

Атосининг аёғига қўюб бош,

Дуойи ҳиммат истаб оқизиб ёш. (ФШ, VIII, 155-156)

Қадах, идиш маъносида:

Мени Чин аҳли янглиг майпараст эт,

Тўло чиний аёғлар бирла маст эт. (ФШ, VIII, 68)

Бирор нарсанинг охири, сўнги маъносида:

Буқунким фасл эрур жавзо аёғи,

Қуёшнинг ўтидиндур лола доғи. (ФШ, VIII, 215)

¹²⁴ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б. 202-203.

Алишер Навоий ижодида *аёқ // аёғ* сўзи “пиёда, яёв” маъноларида ҳам қўлланган:

*Ҳарён чиқибон аёғу отлиқ,
Қайтиб бори топмайин уётлиқ.* (ЛМ, IX, 145)

Булар ҳозир омонимлар. Чунки полисемиянинг йўқолиши ва омонимияга ўтиш йўли билан бошқа сўз келиб чиққан.

Юқорида келтирилган мисолларда жонлиларнинг тана аъзосини англатган *аёқ* янги лексик маънолар (қадах; ҳар нарсанинг охириги қисми)нинг юзага келишига, сўз ясалишига сабаб бўлган.

Лексик-семантик усул билан сўз ясалиши, асосан, метафора ва метонимияда кузатилади. Метафора – икки предмет ва ҳодисадаги ўхшаш белги-хусусиятлар асосида бир номнинг иккинчи предмет ва ҳодисага кўчишидир. Метафора асосида ном кўчиши орқали киши бош чаноғини ифодалаган бош косаси сўзи ясалган. Чаноқ шакли жиҳатидан косага ўхшашлиги боис шундай кўчим пайдо бўлган:

*Эл бошининг косасидин жом анга,
Май ерида қон бўлуб ошом анга.* (ҲА, VII, 88)

Лексик-семантик йўл билан сўз ясалишида сўз маъносининг ўзгариши, маънонинг кўчиши, полисемантик сўзнинг айрим маънолари орасидаги боғланиш йўқолиб, айримларининг махсусланиши, шу полисемия асосида омонимлар – айрим-айрим сўзлар пайдо бўлиши тақозо қилинади¹²⁵. Достонларда айрим сўзлар маъносининг кўчиши, аниқроғи, метонимия асосида маъно кўчириш учрайди. Яъни маълум нарсанинг номи улар ўртасидаги яқинлик, алоқадорлик асосида бошқасига кўчирилган. Масалан, **қоқум** – териси майин ва оқ жунли ҳайвон; **қоқум** – шу ҳайвон терисидан тикилган пўстин. (НАЛ, 713)

*Бало тоғига зўр изҳори бирла,
Кетурмак нақб қоқум хори бирла.* (ФШ, VIII, 33)

¹²⁵ Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. I том. Морфология. – Тошкет: Фан, 1975. –Б. 24.

Мисолда ҳайвон номи қўлланган: *қоқумнинг туки билан чуқур қазимоқ*.
Шоир бу иборани ўта машаққат билан амалга ошади, деган маънода ишлатган.

Бўлуб момугу тук аро эл ниҳон,

Ҳамул навъким қоқум ичра жаҳон. (СИ, XI, 254)

Бу ўринда *қоқум* – кийим. Шоир бу мисрада қор билан қопланган жаҳонни оқ пўстинга ўралган кишига ўхшатган. НАЛда *қоқим* туркий сўз сифатида қайд қилинган. (НАЛ, 743)

Айни сўзнинг ҳайвон номи ва кийим номи маъносида қўлланиши бошқа лексемаларда ҳам мавжуд: **киш** – қора тусли қундузнинг бир тури, **киш** – қундуз пўстин; **ос** – мўйнаси майин, оқ тусли ҳайвон, **ос** – шу ҳайвон мўйнасидан ишланган пўстин.

Мажнунни ясаб либос бирла,

Тун-кун киби кишу ос бирла. (ЛМ, IX, 244)

Бу байтда тўй олдидан Мажнунни ясангириб, унга тун ва кунга ўхшаш, яъни қора ва оқ юнгли пўстин кийдиришгани ҳақида гап бормоқда. Достонлар тилида *киш* ва *ос* ҳайвон маъносида ҳам қўлланган.

Қуйидаги мисолларда ҳам янги маъноли сўзларни семантик йўл билан юзага келтирилишида метонимиядан фойдаланилган:

Тошки чақмоқдин ўлгай йироқ,

Тийра тутор иккаласин ул фироқ. (ҲА, VII, 191)

Бу ўринда *тош* – чақмоқтош, *чақмоқ* шу тошга уриб ўт чиқариш учун пўлатдан ясалган асбоб. (НАЛ, 675) Асбоб маъносидаги *чақмоқ* табиат ҳодисаси номи бўлган *чақмоқдан* келиб чиққан. Табиат ҳодисаси маъносига эга *чақмоқ* қуйидаги мисолда яққол аск этган:

Чора айлаб чақмогингни чоқибон,

Кўз ёрутур машъалингни ёқибон. (ЛТ, XII, 216)

Сафол сўзи асли форсий ўзлашма бўлиб, тилимизга *сопол* шаклида ўзлашган ва у “махсус лойдан ясаб, оловда қиздириб тайёрланадиган маҳсулот” деган маънони англатади. (ЎТИЛ, III, 61) *Сопол товоқ*, *сопол*

пиёла, сопол кўза, сопол қувур, сопол тувак каби турли шундай уй-рўзгор буюмлари мавжуд. Алишер Навоий асарларида *сафол* метонимик кўчиш асосида “идиш” маъноси билан қўлланган:

Топса киши бодия ичра зулол,

Олтун аёқ қайдау сингон сафол. (ҲА, VII, 178)

Сафол семантик йўл билан янги маъноли сўзларнинг ҳосил бўлиши учун асосий “база” ролини ўйнаганини таъкидлашимиз лозим. Қуйидаги мисолда ҳам метонимиядан фойдаланиб, шундай усул билан “итнинг ялоғи” маъносидаги сўз ясалган:

Эрур ит сафолига қўймоқ самон

Ҳамону, сўнғак отқа солмоқ ҳамон. (СИ, XI, 217)

Достонлар тилида тош (харсанг, шағал) ва тош (тарози тоши) маъноларида қўлланган сўзларнинг кейингиси ҳам лексик маънонинг ўзгариши пайдо бўлган. Мисол:

Тўғри тарозуга бўлур икки бош,

Бир сори гавҳар яна бир сори тош. (ҲА, VII, 109)

Қайд этиш керакки, “Хамса” тилида омоним сўзлардан яна *тош* (органик жисм), *тош* (оғирлик ўлчовчи масса), *тош* (узунлик ўлчови), *тош* (ташқари), *тош* (тошмоқ) сўзлари ҳам учрайди.

Мисоллар шуни кўрсатадики, “Хамса” достонлари тилида сўз яшашнинг морфологик тип (сўз яшашнинг морфологик йўли), морфологик-синтактик тип (сўз яшашнинг морфологик-синтактик йўли), лексик-семантик тип (сўз яшашнинг лексик-семантик йўли) лари мавжуд.

3.3. “Хамса” достонларидаги маиший лексиканинг генеологик асослари

Достонлар тилидаги маиший лексика ўзининг генеологик таркибига кўра ўз ва ўзлашган номинациядан иборат.

Сўз ўзлаштириш манбаси нуқтаи назаридан, маиший лексика, асосан, форс, араб тилларидан ўзлаштирилган қатламларни ажратиб кўрсатиш лозим.

Бу тиллардан ўзлашган сўзлар дostonлар тили, умуман, Алишер Навоий асарлари луғат таркибининг ажралмас қисмидир.

Туркий лексемалар. Умумолтой қатлам олтой тиллар оиласида, мўғул, тунгус-манжур ва туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида тарқалган (учрайдиган) сўзларни қамраб олади. Масалан, ўзбекча бўсаға – қиёсланг: олт. бозого~босого~бозоо, қоз. босаға, кирғ. бозого, тув. бозага, мўғ. босго-босага, тунг.-манж. буага; “остона” – барча манбаларда. Бу қатламга *этак, қайчи, қин, ўчоқ* ва бошқа сўзлар киради.

Умумтуркий қатлам маиший лексикаси барча туркий тилларда ёки уларнинг кўпчилигида мавжуд бўлган номинацияларни қамраб олади. Уларга *кийим, тўн, кўйлак, энг, ёқа, бўрк, эв, уй, ёстик, олачиқ, кигиз, тегирмон, пичоқ* ва бошқа сўзлар киради. Маиший лексикани қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, эски ўзбек тилида кўпчилик умумтуркий лексемалар ўз маъносида сақланиб қолган. Демак, дostonлар тилида маиший лексиканинг 28 фоизини (89 та) туркий сўзлар ташкил этади, бу форсий тилларга хос сўзларга нисбатан анча кам. Чунончи:

1. *ошхона буюм ва жиҳозларига хос лексемалар:*

ўчоқ, қозон, аёк/аёғ, сих, шиш, пичоқ, хум, кўза, қўбқа, кўмачдон, элак;

2. *турар жой, унинг қисм ва жиҳозларини ифодаловчи лексемалар:*

кўрғон, уй, эв, оқ уй, олачук/олочуғ, чотма, эшик, кирпич, боғиш, тунглюк, тўр, тўрлуғ;

3. *уйга тўшаладиган буюмларни ифодаловчи лексемалар:*

бўриё/бўрё, киз/кийз/кийиз, кўрга/кўрага/кўрака, тўшак, ёстук/ёстуғ;

4. *меҳнат қуролларини атайдиган лексемалар:*

игна, қозуқ, теша, чанг, чангак, тузоқ, супургу;

5. *кийим-кечакни ифодаловчи лексемалар:*

тўн, шаҳтўн, чопон, чакман, тўрқа, қафтан, олтойи, қоқум, қундуз, кўнглак, терлик, дакла (деклай), жул, бўрк, тўппи, қалпоғ, ўтук, белбоғ, сочбоғ, қур, энг, ёқа, этак, тугма, ёғлиқ, тебранур, ўтаға;

6. *турли маиший лексемалар:*

лаган, қин, катак, тақ(қ)а, эйар, тўқа, ип, айнак, тароғ, қозуқ, ялоғ, чакмоқ, чакмоқтоши, фирфирак, тўбра, кўзгу, кўзгулук, асолик, дурлук, тегирмон, тегирмон тоши, кирпич, тош (тарози тоши), қовурчок, туғ.

Туркий лексемаларнинг ҳозирги адабий тилга муносабати

Ҳозирда адабий тилида қўлланаётган, айримлари фонетик ўзгаришга учраган лексемалар:

ўчоқ, қозон, аёк/аёғ, сих, шиш, пичоқ, хум, кўза, элак; кўрғон, уй, эшик, тўр, тўшак, ёстук, бўр(и)ё, кийиз, тўшак; игна, қозуқ, теша, чангак, тузоқ, супургу, тўн, чопон, чакман, тўрқа, қафтан, кўнглак, терлик, қундуз, тўппи, қалпоғ, ўтук, белбоғ, сочбоғ, енг, ёқа, этак, тугма; қин, тақ(қ)а, катак, эйар, тўқа, ип, айнак, тароғ, қозуқ, ялоғ, чакмоқ, чакмоқтоши, фирфирак, тўбра, кўзгу, тегирмон, тегирмон тоши, тош (тарози тоши), қовурчок.

Ҳозирда адабий тилда қўлланмаётган лексемалар:

аёк/аёғ, шиш, кўза, қўбқа, кўмачдон; эв, оқ уй, олачук/ олочуғ, чотма, кирпич, боғиш, тунглюк, кўр(а)га; тўрқа, олтойи, қоқум, дакла (деклай), жул, бўрк, қур, ёғлиқ, тебранур, ўтаға; кериш, ялов, туғ.

“Хамса” дostonларида келтирилган маиший соҳага оид сўзларнинг бир қанчаси ўзбек шеваларида ишлатилади. Қуйида “Хамса”да қўлланган, ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайдиган, ҳозирги туркий тилларда ва ўзбек шеваларида учрайдиган туркий сўзлар хусусида тўхталамиз.

Шеваларда бор сўзлар: *бўрк, карпич*.

Асарларда келган **бўрк** сўзи қадимги туркий тилга хос сўз бўлиб, “бош кийим”, “қишлик қалпоқ” маъносини билдиради. Бу сўз ҳозирда адабий тилда қўлланмаса-да шеваларимизда сақланган. Хусусан, бўрк “қалпоқ” маъносида Фориш шевасида қўлланади¹²⁶.

Карпич Хоразм (Хива) шевасида *карвич* тарзида ҳозирда ҳам қўлланади¹²⁷.

¹²⁶ Ўзбек тили лексикологияси. –Тошент: Фан, 1981. –Б. 18.

¹²⁷ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. –Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961. –Б. 56.

Форс-тожик тилидан ўзлашган лексемалар. Ўрганилаётган манбалар тилидаги форс-тожик тилидан ўзлашган маиший лексика 45 фоизни (143 та) ташкил қилади. Масалан:

1. ошхона буюм ва жиҳозларига хос лексемалар:

хон, пиёла, паймона, тос, зарф, сабу, сунбода, жом, ташт, соғар, сафол, шиша, хум, куп/куб, ғирбол, оташдон;

2. турар жой, унинг қисм ва жиҳозларини ифодаловчи лексемалар:

хиргоҳ, боргоҳ, даргах, саропарда, харпушта, шомиёна, хона, хонадон, кулба, чодир, шодирвон, соябон, девор, тоқ, кунгира, дарича, равзан, дарвоза, остон, долон, кирёс, тобадон, тоқча, стун, зина, зинапоя, пилпоя, нов, мўри, панжара, кат, шира;

3. уйга тўшаладиган буюмларни ифодаловчи лексемалар:

гилам, палос, зайлуча, рахт, гирд болишт, чодиршаб, парда;

4. меҳнат қуролларини атайдиган лексемалар:

арра, кўра, танура, дам, анбур, суҳоний, поки, дос, пору, қаҳзан, сунбода, шаст, гажак, каманд, даста, миҳ, гулмиҳ, тарозу, ароба, хишт, сандон, кўра, дам, оташдон, жоруб, мола;

5. кийим-кечакни ифодаловчи лексемалар:

дастор, пўстин, киш, дебо, пашмина, ос, синжоб, жанда, мошоб, такбанд, наврўзи, нимтарк, калапўш, кафш, домана, жайб, киса, рўпок, камар, такбанд, фута, пойтоба;

6. турли маиший лексемалар:

тахта, нард, нардбон, расан, анбон, гугирд, оташдон, жилд, коғаз, давог, сиёҳ, қийр, мум, калид, зулфин, чароғ, фонус, ойна, жарас, арусак, газ, шикол, пой, охур, собунхона, бозича, вусма, сурма, ғоза, гулгуна, жузвдон, журъадон, шона, шонадон, ғилоф, хумхона, кашкул, коши, шабчароғ, хармуҳра.

Форс-тожикча ўзлашмаларнинг ҳозирги адабий тилига муносабати

1. Ҳозирда адабий тилида қўлланаётган, айримлари фонетик ўзгаришга учраган лексемалар:

пиёла, тос, жом, шиша, сафол, хум; даргаҳ, хона, хонадон, кулба, чодир, соябон, девор, тоқ, кунгира, дарича, дарвоза, остон, тоқча, стун, зина, зинапоя, нов, мўри, панжара; гилам, палос, болишт, парда, калид, чароғ, фонус, ойна; арра, кўра, дам, анбур, даста, мих, гулмих, тарозу, ароба, хишт, сандон, оташдон, мола; дастор, пўстин, жанда, кафш, киса, камар, пойтоба; тахта, нард, нардбон, гугирд, оташдон, жилд, коғаз, сиёҳ, мум, газ, охур, вусма, сурма, ғилоф.

2. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган лексемалар:

хон, паймона, зарф, сабу, сунбода, соғар, куп/куб, ғирбол; хиргоҳ, боргоҳ, саропарда, харпушта, шомиёна, шодирвон, равзан, долон, кирёс, тобадон, пилпоя, кат, шира; чодиршаб, зайлуча, рахт, зулфин; танура, суҳоний, поки, дос, пору, каҳзан, шаст, гажак, каманд, жоруб, мола; киш, дебо, пашмина, ос, синжоб, мошоб, такбанд, наврўзи, нимтарк, калапўш, домана, жайб, рўпок, такбанд, фута; расан, анбон, қийр, жарас, арусак, шикол, пой, собунхона, бозича, ғоза, гулгуна, жузвдон, журъадон, шона, шонадон, хумхона, кашкул, коши, зулфин, шабчароғ.

Шевада бор сўзлар: *болиш (бълъш, бълъш), жоррб (супурги), поки (пөке), фута (пота), рўпок (рөпәк), калапўш (ЎТИЛ, II, 300)* кабилар ўзбек тили шеваларида ҳозирда ҳам мавжуд¹²⁸.

Араб тилидан ўзлашган лексемалар. Достонлардаги ўзлашма қатламнинг салмоқли қисмини (85 та – 27 %) арабий сўзлар ташкил этади. Бу ҳолат Алишер Навоий даври ижтимоий-маданий муҳитида араб тилининг тутган ўрни билан боғлиқ. Арабча ўзлашмалар ислом динига оид мулоҳазалар, илмий тушунчаларни баён қилишда фаол қўлланиши билан бирга инсонлар маиший турмушидаги нарса-предметларни, айниқса, китобий услубда ифодалашда ҳам фаол қўлланган.

Араб тилидан ўзлашган маиший лексикани шундай лексик-семантик гуруҳларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. оиҳона буюм ва жиҳозларига хос лексемалар:

¹²⁸ Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: 1971. – Б. 49; 106; 216; 222; 227.

табақ, кос/каъс/коса, қадах, балбала, суроҳий, сат(и)л, супра/суфра, танур, манқал;

2. *турар жой, унинг қисм ва жиҳозларини ифодаловчи лексемалар:*

висоқ, айвон, сақф, меҳроб, изора, ҳажла, курси, сандук, маҳд;

3. *уйга тўшаладиган буюмларни ифодаловчи лексемалар:*

шол, муттако, бистар, фирош, така;

4. *меҳнат қуролларини атайдиган лексемалар:*

микроз, рибқа, қаппон/каппон, кайл(а), куллоб;

5. *кийим-кечакни ифодаловчи лексемалар:*

албиса, жубба, або/абойи, ридо, қабо, далқ, хилъат, хирқа, муракқаъ, ҳулла, алоқа, амома, салла, тайласон, тоқия, микнаъ, бурқаъ, ниқоб, таъвиз, сақорлот, наълайн.

6. *турли машиий лексемалар:*

соат, мисвок, собун, тарозу/тарози, карбид, асо, ди́ро (қўнғироқ), қалам, хома, варақ, дафтар, китоб, лавҳ(а), мижара, тобут, кафан, қабр, лаҳад, наъш, тавила, ҳаммом, маҳмил (кажава), амори (кажава), силсила, маҳак, минбар, минқош (шамқайчи, мўйчинак), қуфл, мифтоҳ, қари, муҳр, мажмар/мижмар, дурж, қандил, шамъ, наъл, туғро (герб).

Арабча ўзлашмаларнинг ҳозирги адабий тилига муносабати

1. ҳозирда ўзбек адабий тилида қўлланаётган, айримлари фонетик ўзгаришга учраган лексемалар:

соат, кос/каъс (коса), танур (тандир), табақ, қадах, супра/суфра, хужра, айвон, меҳроб, зиндон, қандил, шамъ, қуфл, курси, сандук, наъл (тақа), соат, собун, карбид, асо, мисвок, қалам, варақ, дафтар, китоб, қабр, лаҳад, метин (чўкич), шол, хилъат, ниқоб, кафан, ҳалқа, ҳаммом, муҳр, минбар, силсила.

1) ҳозирда қўлланмаётган лексемалар:

балбала (май шишаси), зарф, суроҳий, манқал, сат(и)л; висоқ (уй), ридо, амома, кайл; висоқ, ҳажла, мифтоҳ, дурж, тавила, сақф, маҳд, мажмар/мижмар, така, муттако, бистар, фирош; ғирбол, рибқа, куллоб, жубба, або/абойи, ридо, қабо, далқ, хирқа, ҳулла, алоқа, амома, тайласон,

тоқия, кулоҳ, бурқаъ, сақорлот, миқнаъ (рўмол), таъвиз; хома, мижара (сиёҳдон), наъш, тавила, маҳмил, амори, миръот, қаппон/каппон, кайл/кайла, кари, мабраз, изора, маҳак, минқош, туғро.

Ўзбек тили шеваларида қўлланаётган лексемалар: *жубба*, *тоқ(и)я* (ЎТИЛ, IV, 40), *такя* (*суянчиқ, ёстиқ*) (ЎТИЛ, III, 647), *бистар* (*шойи кўрна*)¹²⁹.

Биргина мисол келтириш билан чекланамиз. *Жубба* “бўйи, енги узун кенг тўн” маъносида араб тилидан ўзлашган бўлиб, ҳозирда Урганч, Хива, Хонқа каби ўзбек шеваларида “болаларнинг пахталик чопони” маъносида ишлатилади¹³⁰. Ушбу изоҳ ва шева луғатида бу кийимнинг кўйлак шаклида бўлиши қайд этилгани унинг Алишер Навоий битган жуббадан маъно ва бичимига кўра фарқ қилишини кўрсатади.

Алишер Навоий дostonлари тилида учрайдиган арабча сўзлар кўпроқ китобий тил ва тожик-форс тили орқали ўзлашганини кўрамиз.

Боб бўйича хулосалар

1. “Хамса” асарлари луғат бойлигида акс этган маиший лексиканинг ҳосил бўлишида асосий ўринни ички ресурслар эгаллайди. Айни пайтда ташқи манбалар ҳам ўзига хос мавқе касб этган.

2. Dostonлар тилидаги маиший лексиканинг салмоқли қисмини ясама сўзлар ташкил этади. Улар, асосан, морфологик ва синтактик усул билан ясалган. Морфологик усул билан ясалиш нисбатан кўпроқ. Шунингдек, лексик-семантик усул билан ҳосил қилинган саноқли лексемалар ҳам мавжуд.

3. Аффиксация усули билан ясалган лексемаларда отдан от ва феълдан от ясовчи қўшимчалар фаол қатнашган. *-к, -қ, -ғ, -ак, -ик, иқ, -оқ, -уқ, -уғ* умумий туркий қўшимчалари феъл асосларидан нарса-қурол отини шакллантирган.

¹²⁹ Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: 1971. –Б. 52.

¹³⁰ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент: Фан, 1961. –Б. 44.

4. -лик аффикси энг сермахсул сўз ясовчилардан бири бўлиб, турли фонетик вариантларда ифодаланган: *terlik*, *кўзгулук*, *тўнглўк*, *yoqliq*, *durliq*, *zinaliy* каби. Бу ҳол ясовчи асосдаги охириги ундошнинг бу аффикс бошланғич ундошига ассимилятив таъсири натижасида юз берган.

5. Қадимги туркий тил ва эски туркий тилда фаол истемолда бўлган қўшимчалар воситасида сўз яшаш усули муҳим ўрин тутиб, бунда - *liğ/-lig/-liq/-lik/-luğ/-lüg/-luq/-lük*, асосан, исмлардан от, -*k/-uq/ük/-uğ/üg/-aq/-ağ/-iğ/-ig/-iq/-ik* феъллардан от яшашда сермахсул аффикслардан саналади.

6. -дон қўшимчаси сермахсул бўлиб, турли тиллардаги сўзларга қўшилиб сўз ясайди: *намакдон*, *сипандон*, *тобадон*, *дурдон*; *журъадон*, *шамъдон*, *жузвдон*; *кўмочдон*.

7. Қўшма отларнинг от+от (*белбоғ*, *сочбоғ*, *чақмоқ тоши*, *зинапоя*, *қалам мўйи*), нисбатан камроқ сифат+от (нимтарк), жуда кам ҳолда равиш+от (хамён) ва от+равиш (чодаршаб) типлари мавжуд.

8. Лексик-семантик усул билан сўз ясашиши, асосан, метафора (аёғ/аёқ – тана аъзоси; аёғ/аёқ – қадах, идиш; аёғ/аёқ – бирор нарсанинг охири) ва метонимия (қоқум – ҳайвон, қоқум – пўстин; чақмоқ – табиат ходисаси, чақмоқ – ўт чиқариш асбоби) бўйича кузатилади.

9. Маиший лексиканинг энг салмоқли қисмини форсий ўзлашмалар ташкил қилади (45 %). Туркий ва арабий тиллардаги бундай лексемалар деярли тенг миқдорга эга (мос равишда 28 % ва 27 %).

10. Ўз қатламга оид сўзларнинг айримлари ҳозирги туркий, жумладан, ўзбек тили шеваларида сақланиб қолган, баъзиларининг семантик ва фонетик структурасида ўзгаришлар рўй берган.

ХУЛОСАЛАР

Алишер Навоий қаламига мансуб “Хамса” асари маиший лексикасининг лексик-семантик, тарихий-этимологик, структур-грамматик аспектлардаги тадқиқи натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. “Хамса” дostonлари тилининг маиший лексикаси Алишер Навоий давридаги ўзбек халқининг моддий-маданий турмушидаги ошхона буюм ва жиҳозлари, турар жой, уй-рўзғор ва хўжалик буюмлари, кийим-кечак ҳамда меҳнат қуроллари билан боғлиқ сўзлар тизимини ўз ичига олади.

2. Алишер Навоий дostonлари мисолида эски ўзбек тили маиший лексикасини лексик-семантик гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш унинг кўп таркиблилиги, кенг фонетик ва семантик вариантлилиги билан ажралиб туришини кўрсатди.

3. Темурийлар давлати ҳудудларидаги шаҳар, қишлоқ маданий ўтроқ турмуш ҳамда кўчманчиликка хосланган яшаш тарзи дostonлар тилидаги уй ва ўтов жиҳозлари лексикасида акс этган.

4. Ошхона анжом ва асбоблари, кийим-кечак моддий маданиятнинг асосий ҳаракатланувчи элементлари бўлгани боис сўз ўзлаштириш, айниқса, буларга хос терминологияда содир бўлган. Умумтуркий ва эски ўзбекча сўзлар билан бир қаторда форс-тожик ва араб тилларидан ўзлашган бундай терминлар дostonлар маиший соҳа луғат фондининг асосини ташкил этади.

5. “Хамса” дostonларида меҳнат қуролларини атаган туркий лексемаларнинг асосий қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида, ўзбек шеваларида ишлатилади. Уларнинг бир қисми айнан қўлланса (*игна, арра, теша, бел, пичоқ*), баъзилари бир оз фонетик ўзгаликка эга (*супургу, амбур, тарозу, ароба*). Манбалар тилида меҳнат қуролларининг ўз ва ўзлашма катламга хос синонимлар парадигмаси акс этган: *бел – пору; супургу – жоруб; тузоқ – дом – каманд – рибқа*.

6. Кийим-кечак номларининг лексик-семантик тадқиқи либосларнинг аталиши, келиб чиқиши, табақавий (*халъат, дебо, ридо, тайласон*) ва жинсий (*бурунчак, фўта, миқна*) хосланганлиги, қандай мато ёки материалдан тайёрлангани (*киш бўрк, қўзи пўстин, ҳарир ҳулла, тўрқа тўн*), кийим-кечакларнинг қисм ва атрибутлари (*қур, энг, киса, остар*), ранг-туси (*бинафша елак, қизил ширдоғ, лиму бўрк* ва бошқа сифатлари тўғрисида кенг маълумотларни тақдим этади.

7. Туркий маиший лексикани генеологик жиҳатдан қадимги туркий тил, эски туркий тил, эски ўзбек тили ва замонавий туркий тиллар бўйича қиёсий ўрганиш натижалари умумий хусусиятлар билан бирга фарқли томонлар борлигини кўрсатди. Бу тафовутлар аслида уларни айирувчи эмас, балки яқинлигини далилловчи фарқлар ҳисобланади.

8. “Хамса” асарлари тилидаги маиший лексикани туркий ҳамда форс-тожик ва араб тилларидан ўзлашган лексемалар ташкил қилади. Таҳлиллар натижасида 89 та (28 %) туркий, 143 та (45 %) форсий, 85 та (27 %) араб тилига оид маиший сўз аниқланган.

9. “Хамса” дostonлари тилидаги маиший лексиканинг салмоқли қисмини ясама сўзлар ташкил этади. Бундай сўзлар, асосан, морфологик, синтактик ва қисман лексик-семантик усуллар билан ҳосил қилинган. Биринчи усул билан ясалган лексемалар асосий қисми ташкил этса, иккинчи усулда ясалиш бунга нисбатан камроқ. Лексик-семантик усул билан термин ясалиши энг кammaҳсул бўлиб, асосан, метафора ва метонимия бўйича кузатилади.

10. “Хамса” дostonларида маиший лексикани аффиксация усули билан ҳосил қилиш сермаҳсул бўлиб, бунда отдан от ва феълдан от ясовчи қўшимчалар фаол қатнашган. Умумий туркий қўшимчалар *-к, -қ, -г, -ак, -ик, иқ, -оқ, -уқ, -уғ* феъл асосларидан нарса-қурол оти ясайди: *тўшак, айнак, битик, тароғ, ялог*.

11. Алишер Навоий дostonлари тилида ҳам нисбатан сермаҳсул бўлган *-лик* аффикси асосан, исмлардан от (*терлик, кўзгулук, тунглук*,

тўрлуқ, йозлиқ, дурлиқ, зиналиғ), *-к, -қ, -ғ, -ак, -оқ, -оғ, -ик, -оқ, -ук, -уқ, -уз* кўшимчалари феъллардан от (*тўшак, айнак, битик, тароғ, ялоғ, ямоғ, фирфирак, пичоқ, чангак, қозуқ, тузоқ, ўтук, увуғ, ёпуғ*) ясашда фаол катнашади. Аффикслар турли фонетик вариантларда ифодаланган. Бу ҳол ясовчи асосдаги охириги ундошнинг бу аффикс бошланғич ундошига ассимилятив таъсири натижасида юз беради.

12. Достонлар тилида бирдан ортиқ ўзакни (муस्ताқил маъноли морфемани) кўшиш орқали композиция усули билан кўшма сўзлар ясалади: *белбоғ, сочбоғ, чақмоқ тоши, тегирмон тоши, пилпоя, зинапоя, қалам мўйи* каби. Кўшма отларнинг от+от (*белбоғ, зинапоя, қалам мўйи*), нисбатан камроқ сифат+от (*нимтарк*), жуда кам ҳолда равиш+от (*ҳамён*) ва от+равиш (*чодаршаб*) типлари мавжуд.

13. Алишер Навоий асарларига тузилган луғатлар ва “Хамса” асарлари матнидаги айрим маиший лексик бирликларнинг семантик талқини ва морфологик шаклидаги нуқсонлар (*хайлхона, кўрга, дучўба; қобқа/қубқа, черкасий, наврўзий* каби) муайян тузатишларни талаб қилади.

14. Умуман олганда, “Хамса” достонлари тил хусусиятларини атрофлича ўрганиш кўп асрли тарихга эга бўлган қардош туркий тиллар лексикасининг, айниқса, ўзбек адабий тилининг ривожланиши борасидаги илмий-назарий қарашларга ойдинлик киритади, ўзбек тили тарихий лексикологияси учун бой материал беради.

ДИССЕРТАЦИЯДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚИСҚАРТМАЛАР

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, I-IV.

– Тошкент: Фан, 1983-1985. I – 1983, 646 б.; II – 1983, 642 б.; III – 1984, 622 б.; IV – 1985, 636 б.

ДТС – Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 675 с.

ДЛТ – Девону луғотит турк. Индекс. – Тошкент: УзФан, Т. 1. 1960. – 499 б.; Т. 2. 1961. – 427 б.; Т. 3. 1963. – 465 б.

ЛМ – “Лайли ва Мажнун”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 9-жилд. – Тошкент: Фан, 1992.

НАЛ – Навоий асарлари луғати. Порсо Шамсиев таҳрири остида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 782 б.

МН – “Мажолис ун-нафоис”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 13-жилд. – Тошкент: Фан, 1997.

Мунш. – “Муншаот”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-жилд. – Тошкент: Фан, 1998.

НЖ – “Назм ул-жавоҳир”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999.

НМ – “Насойим ул-муҳаббат”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001.

НН – “Наводир ун-ниҳоя”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1987.

ПРС – Персидско-русский словарь / Составил: Б.В. Миллер. – М.: Гос. Изд., 1953. – 668 с.

СС – “Сабъаи сайёр”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 10-жилд. – Тошкент: Фан, 1992.

СИ – “Садди Искандарий”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Фан, 1993.

ФШ – “Фарҳод ва Ширин”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 8-жилд. – Тошкент: Фан, 1991.

ФК – “Фавойид ул-кибар”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: Фан, 1990.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 1-жилд, 2006. – 680 б.; 2-жилд, 2007. – 688 б.; 3-жилд, 2007. – 688 б.; 4-жилд, 2008. – 606 б.; 5-жилд, 2008. – 592 б.

ЎТЭЛ – Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – 600 б; Ўзбек тилининг этимологик луғати (Арабча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003. – 267 б. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2009. – 282 б.

ЭСТЯ – Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. I-IV томлар. – М.: 1974-1989.

ФС – “Фаройиб ус-сиғар”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Фан, 1988.

ҲА – “Ҳайрат ул-аброр”. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 7-жилд. – Тошкент: Фан, 1991.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-5850-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-6084-сон. Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПҚ-2909-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимги ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПҚ-2995-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги, ПҚ-4865-сон Қарори.

II. Илмий-назарий адабиётлар

1) Миллий нашрлар

1. Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 2016, 184 б.
2. Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961, 346 б.
3. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Фонетика. Морфология ва Синтаксис. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2008, 527 б.
4. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1984, 160 б.
5. Абдулхайров М. Навоий асарларида сўз ва иборалар. – Тошкент: Tafakkur bo‘stoni, 2009, 283 б.
6. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982, 168 б.
7. Абдушукуров Б. Эски туркий адабий тил лексикаси. – Тошкент: Tafakkur bo‘stoni, 2015, 190 б.
8. Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. – Тошкент: Akademiya, 2008, 189 б.
9. Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981, 116 б.
10. Аширбоев С., Азимов И. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси (Ўқув-услубий қўлланма). – Тошкент: Тошкент давлат педагогика университети, 2002, 47 б.
11. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983, 152 б.
12. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985, 200 б.

13. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014, 152 б.
14. Гафурова Л.Х. Бытовая лексика современного узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1991, 134 б.
15. Дадабоев Х. Ўзбек терминологияси. – Тошкент: Нодирабегим, 2020, 142 б.
16. Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи (XIV аср иккинчи ярми – XX аср боши). – Тошкент: Фан, 2007, 155 б.
17. Даниёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 200 б.
18. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. Лексикология ва фразеология. – Тошкент: ТДПУ Ризограф, 2004.
19. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989, 368 б.
20. Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1959, 456 б.
21. Исмоилов И., Мелиев К., Сапаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот. – Тошкент: Фан, 1990.
22. Орипов А. Йиллар армони. Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 592 б.
23. Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент, 2000, 424 б.
24. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2010, 288 б.
25. Миртожиев М. Туб туркий сўзлар тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2017, 400 б.
26. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002, 232 б.
27. Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари лексикаси. Урганч: Урганч давлат университети нашриёти, 2020, 180 б.

28. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Universitet, 2006, 464 б.
29. Рустамов А Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 214 б.
30. Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2010, 404 б.
31. Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент: Фан, 1974, 128 б.
32. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992, 424 б.
33. Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982, 174 б.
34. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 264 б.
35. Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. – Тошкент: Фан, 2010, 231 б.
36. Фозилов Э.И. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1969, 88 б.
37. Фозилов Э.И. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Тошкент: Фан, 1965, 172 б.
38. Холманова З. “Бобурнома” тил қомуси. – Тошкент: Akademnashr. 2021. –333 б.
39. Холмурадова М. “Қутадғу билиг” лексикаси. – Тошкент: Nodirabegim, 2020.
40. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 448 б.
41. Эгамова Ш.Д. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008, 50 б.
42. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври) - Тошкент: Академнашр, 2013, 272 б.

43. Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975, 569 б.
44. Қодиров М. Халқ кўғирчоқ театри. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
45. Қодиров П. Тил ва эл. Темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммолари. Илмий бадиа. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005, 295 б.
46. Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010, 256 б.
47. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. – Тошкент: “O‘qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007, 168 б.

2) Хорижий нашрлар

1. Абдина Р.П. Наименования жилищ и зональных мест традиционной юрты в хакасском языке. Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2019. Том 12. Выпуск 10.
2. Боровков А.К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка. А. Навои. –М. –Л: Изд-во АН СССР, 1946, 65 с.
3. Каранфил. Г. Гагаузская лексикология. Книга 1. Комарат, 2009.
4. Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, – М: –Л., 1960, 446 б.
5. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М-Л, 1951, 373 с.
6. Мусаев К. М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении (Западнокыпчакская группа). – М.: Наука, 1975, 356 с.
7. Тенишев Э.Р., Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология. / Отв. ред. – М.: Наука. 1988, 138 с.
8. Тенишев Э.Р., Благова Г.Ф. и др. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Лексика / Отв. ред. Э.Р.Тенишева. – М: Наука, 1997.

9. Хайрутдинова Т.Х. Бытовая лексика татарского языка. – Казань: Фикер, 2000, 128 с.
10. Шипова. Е. Н. Словарь Тюркизмов в русском языке. Алма-Ата: Наука, 1976.
11. Щербак. А.М. Грамматика староузбекского языка. –М. –Л: Изд-во АН СССР, 1962, 274 с.

III. Луғатлар

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, I, II, III, IV. – Тошкент: Фан, 1983-85. Т. I. 1983. – 655 б.; Т. II. 1983. – 642 б.; Т. III. 1984. – 622 б.; Т. IV. 1985. – 634 б.
2. Абдулхайр М. Навоий асарларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018, 559 б.
3. Баранов Х. Арабско-русский словарь. –М: Русский язык, 1985, 942 с.
4. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат. – Андижон: “Андижон” нашриёт-матбаа ОАЖ, 2008.
5. Древнетюркский словарь. – Л: Наука, 1969, 676 с.
6. Махмуд ибн Хусайн Кошғарий. Туркий сўзлар девони. Девону луғотит турк. 3 жилдик. 1-жилд. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2013.
7. Муҳаммад, Г. Гиёс-ул-луғот: в трех томах / Г. Мухаммад. – Душанбе: Т.2. 1988, 416 с.
8. Муҳаммадхусайни Бурҳон. Бурҳони қотеъ (чилди 3). – Душанбе, Адиб, 2014, 400 с.
9. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993, 373 б.
10. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
11. Наджиб Э. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV на материале «Хосрау и Ширин» Кутба. Книга I. Астана: Ғылым баспасы, 2017, 256 с.

12. Персидско-русский словарь. Том I. – М.: Русский язык, 1983, 800 с.
13. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000, 599 б.
14. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). –Тошкент: Университет, 2003, 600 б.
15. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. III (форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2009, 284 б.
16. Севортян Э. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на гласные. – М: Наука, 1974, 767 с.
17. Фарҳанги забони тоҷикӣ. – М.: Советская энциклопедия, 1969. Т. I. 1969, 951 с.; Т. II. 1969, 947 с.
18. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. В 4. Т. Т. 4. – М.: Прогресс, 1987, 864 с.
19. Фозилов Э.И. Алишер Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Niso poligraf, 2013.
20. Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 782 б.
21. Эдельман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. Ин-т языкознания РАН. -М.: Наука – Вост. лит., 2000.
22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-V. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008. Т. I. 2006, 679 б.; Т. II. 2006, 671 б.; Т. III. 2007, 687 б.; Т. IV. 2008, 608 б.; Т. V. 2008, 591 б.
23. Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971, 409 б.
24. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002, 166 б.

25. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974, 308 б.

IV. Диссертация ва авторефератлар

1. Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент – 2017, 159 б.
2. Абдуллаева Э. Бытовая лексика кумыкского языка. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Махачкала – 2013, 22 с.
3. Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филология фанлари доктор диссертацияси. Тошкент – 2017, 259 б.
4. Алимова З. Ўзбек тилидаги форсча-тожикча ўзлашмаларнинг фонетик, лексик-семантик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Фарғона – 2020, 51 б.
5. Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои. Автореферат диссертации кандидата филологических наук. Ташкент – 1968, 20 с.
6. Бердиев Х. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд – 2017, 47 б.
7. Ерленбаева Надежда Викторовна. Бытовая лексика алтайского языка, автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Уфа – 2005, 18 с.
8. Жабборов Х. Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2017, 76 б.
9. Исоқова З. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика. Филология фанлари номзоди диссертацияси. Тошкент – 2010.

10. Ишбулатова Х. Бытовая лексика башкирского языка (семантика, структура, источники формирования): Автореферат диссертации кандидата филологических наук. Уфа –1999, 20 с.
11. Каримов А. Алишер Навоий “Фарход ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари: Филология фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент – 1973, 160 б.
12. Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы “Фархад и Ширин” Алишера Навои. Автореферат диссертации кандидат филологических наук. Ташкент – 1974, 22 с.
13. Касимов О. Суффиксальное словообразование имен существительных в «Шахмане» А. Фирдоуси. Диссертации кандидат филологических наук. Душанбе – 1988, 188 с.
14. Низомова С. Словообразование в художественной и публицистической прозе Садриддина Айни: Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Душанбе – 2021.
15. Норбаева Ш. Хоразм шевалари касбий лексикаси шаклланишининг ономаσιологик тамойиллари. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси. Тошкент – 2016, 236 б.
16. Носиров И. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг лексикаси (Лексика «Маджалис ан-нафаис» Алишера Навои): Филология фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент – 1980.
17. Ражабова Д. Историческая эволюция народного костюма таджиков (трансформация верхней одежды) Автореферат диссертации ученой степени кандидат исторических наук, 24 с.
18. Розикова Г. “Девону луғотит турк” асаридаги от лексемаларнинг семантик, функционал ва услубий хусусиятлари. Филология фанлари доктори диссертацияси (DSc) автореферати. Фарғона – 2021, 74 б.
19. Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка “Махбубул-кулуб” Алишера Навои. Автореферат диссертации кандидат филологических наук. Ташкент – 1959, 24 с.

20. Рустамов А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои. Автореферат диссертации доктор филологический наук. Ташкент – 1966, 515 с.
21. Санакулов У. Исследование памятника XV века «Мухакамат ал-лугатайн» Алишера Навои. Автореферат диссертации кандидат филологический наук. Ташкент – 1971, 21 с.
22. Синдоров Л. “Ҳибатул ҳақойиқ” лексикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Жиззах – 2021, 282 б.
23. Умарова Н. Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Фарғона – 2021, 18 б.
24. Усмонова Ш. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент – 2011, 42 б.
25. Хазиева А. Лексика словаря Махмуда Кашгари «Дивану лугат ит-тюрк» в сравнении с современным башкирским языком. Диссертации на соискание ученой степени кандидат филологический наук. Уфа – 2018, 140 с.
26. Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои. Автореферат диссертации кандидат филологический наук. Ташкент – 1982, 23 с.
27. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. Филология фанлари доктори диссертацияси. Тошкент – 2009.
28. Холманова З. “Шайбонийхон” достони лексикаси. Филология фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Тошкент – 1998.
29. Холмурадова М. “Кутадғу билиг” лексикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси – Тошкент, 2019. – 141 б.
30. Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексик қатлам. Филология фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Тошкент – 2008, 24 б.

V. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар

1. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир маъсаларига доир // А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари тўплами. 1-китоб. – Тошкент: 1949.
2. Азизова Н. “Девону луғотит турк”даги лексемалар семантикаси хусусида. Лингвист: илмий мақолалар тўплами // Масъул муҳаррир Ҳ.Дадабоев. –Тошкент: Akademnashr 2012. III жилд, 216 б.
3. Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тили обидаларидаги мўғулча сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: Фан, 1986. № 6. –Б. 32–35.
4. Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тилида қайд этилган мўғулча ўзлашмалар // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент: 1998. № 4. –Б. 126–135.
5. Дадабоев Ҳ. “Бобурнома”да қўлланган мўғулча ўзлашмалар этимологияси хусусида // Ахсикент халқаро илмий тадқиқот жамоат бирлашмасининг “Бобур ва Ахсикент” мавзусидаги II республика илмий амалий анжумани материаллари. – Наманган: 2022. –Б. 3–9.
6. Дадабоев Ҳ. Алишер Навоий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминларнинг эски туркий обидалар лексикасига муносабати // Алишер Навоий таваллудинининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Тошкент: Фан, 1991. –Б. 68.
7. Зайрова Қ. Қорақалпоқ тилида кийим-кечак номларининг лексик–семантик хусусиятлари // – Тошкент: “Сўз санъати” халқаро журнали, 2021. № 3. –Б. 152.
8. Исмаилова Э. К семантике тибетейки-дуппи // San’at, 2000. № 1. –Б. 34-35.
9. Кормушин И.В. Лексико–семантическое развитие корня *qa в алтайских языках // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971.

10. Матназарова Г. Ўзбек дўпписи – зардўзлик санъати наъмуналаридан бири сифатида // POLISH SCIENCE JOURNAL. Warsaw: 2020 - 6(27) – Б. 9–12.
11. Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги маиший лексикага оид сўзлар ҳақида // “Плм sarchashmalari”, 2020. № 1. –Б. 140–143.
12. Примов А. Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги кийим-кечак ва безак буюмлари лексикаси // “Плм sarchashmalari”, 2020. № 2. –Б. 106–110.
13. Рассадин В.И., Трофимова С.М., Лувсанжавын Ч. Общомонгольская лексика по разделу традиционное жилище в халхаском, бурятском и калмыцком языках // Вестник Калмыцкого института гуманитарных исследований РАН. 2017. № 4. –С.138.
14. Тоғаев Т. Навоий асарларида кийим-кечак номлари // “Филологик тадқиқотлар – VIII” илмий анжуман материаллари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети нашриёти, 2018.
15. Усмонова. Ш. “Ўчоқ” сўзининг этимолоғияси ҳақида // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) Ш. – Тошкент, 2006. –Б. 101–106.
16. Усмонова Ш. Олтой тилларида бош кийим номлари // International Journal of Central Asian Studies. Korea, 2008. № 12. –Б. 197.
17. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форс ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. Туркча (ўзбекча) форсча (тожикча) тил алоқалари. – Тошкент: Фан, 1968. –Б. 79.
18. Шукурова Г. “Девону луғотит-турк”да кийим-кечак қисмлари номлари // Тил ва адабиёт таълими, 2004. № 3. –Б. 43–49.
19. Шукурова Г. “Девону луғотит турк”да устки кийимни ифодаловчи лексемалар парадигмаси // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент, 2008. –Б. 16–20.

20. Умаров Э. Алишер Навоий асарларида “оқ уй” атамаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. № 1. –Б. 31-32.
21. Ўтанова С. Навоий ижодидаги либос номлари умумтуркий халқларнинг этнографик-маданий бойлиги /Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий ш., 2017 йил 11 февраль. –Б. 99.

VI. Интернет сайтлари

1. Иброҳим Ҳаққул. “Ул қуёш оқ уйдаю мен...” (2011). <https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/2011-sp-476264307/>
2. Кадыраджиев К. Мифонимы палеотюркского происхождения (О мифологических элементах кумыкского языка). <http://kumukia.ru/mifonimyi-paleotyurkskogo-proisxozhdeniya.html>
3. Каранфил Г. Бытовая лексика гагаузского языка (на основе названий одежды и обуви) // <http://www.balkaria.info/library/g/gullu/lexicon04.htm>
4. Рахимова З. Семантика чалмы (К истории мужских головных уборов Хорасана и Мавераннахра XV-XVI вв.) / SANAT • 01/01/2008 • Выпуск №1. <https://sanat.orexca.com/2008-rus/2008-1-2/semcha/>
5. <http://www.dslib.net/jazyki-mira/leksika-govora-gornogo-gissara.html>